O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLIS PALATASI
INV.№

Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2007 йил, **5** октябрь, жума № **40** (2219).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Пятница, **5** октябрь, **2007** год, № **40** (2219).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишилган нархда

E-mail: vatan@rol.uz

В розницу - цена договорная

Биз бугун катта ғурур ва ифтихор билан айта оламизки, ёшларимиз учун мамлакатимиз Қуролли Кучлари сафларида хизмат қилиш нафақат конституциявий бурч, балки юксак мақсад, том маънодаги шон-шараф ишига айланмоқда.

Ислом КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

2007 йилнинг 1 октябридан муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг лавозим маошлари миқдорларини ошириш тўғрисида

Ҳарбий хизматнинг обрў-эътиборини янада ошириш, муддатли ҳарбий хизматдаги ҳарбий хизматчиларнинг ўқув-жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлиги самарадорлигини оширишда моддий жиҳатдан рағбатлантиришни кучайтириш мақсадида:

1. 2007 йилнинг 1 октябридан бошлаб муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг лавозим маошлари миқдорлари 1,15 баравар оширилсин.

2. Мазкур ҳарбий хизматчиларнинг лавозим маошларини ошириш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ҳамда Молия вазирлигининг махсус ҳисоби "Сафарбарлик чақирув резерви маблағлари" ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Адлия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ушбу Фармоннинг талабларига мувофиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга аниқлик ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгашининг Котиби М.И.Атаев зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2007 йил 2 октябрь.



Камолиддин ГЎРАЕВ суратга олган.

«Юрт қўриган кам бўлмас, ўғлим!»

ЎзЛиДеП СИЁСИЙ КЕНГАШИ МАЖЛИСИ

Тошкентда 4 октябрь куни Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси (ЎзЛиДеП) Сиёсий кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда партия Сиёсий кенгаши, парламентдаги фракцияси аъзолари, мазкур партиянинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлари ва фаоллари иштирок этди.

Мажлисда партиянинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиши тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Унда сўзга чиққанлар 2007 йилнинг 23 декабрида ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда улкан аҳамиятга эга бўлган муҳим сиёсий воқеа эканини таъкидладилар.

Ушбу партия ташкил этилганидан буён ўтган қисқа вақт мобайнида ўз дастурий мақсадларини ҳаётга изчил татбиқ эта бориб, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, мамлакатни демократик янгилашда ҳаракатлантирувчи куч бўлган тадбиркорлар, ишбилармонлар ҳамда фермерларни бирлаштирувчи, уларнинг манфаатларини амалда ифода этувчи сиёсий кучга айланди.

Партия Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш тўғрисида қарор қабул қилар экан, бунда мамлакатимизда барқарорлик, тинчлик ва фаровонликни таъминлаш, иқтисодиёт, давлат ва жамият қурилиши, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш соҳаларини янада эркинлаштириш ҳамда демократлаштириш борасида бошланган кенг кўламли ислоҳотларни изчил давом эттиришда фаол қатнашиш заруратидан келиб чиқди.

Мажлисда, шунингдек, 2007 йилнинг ноябрь ойи бошида партиянинг навбатдаги съездини чақириш ва Ислом Абдуғаниевич Каримов номзодини Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сифатида кўрсатиш учун съезд муҳокамасига қўйиш ҳақида қарор қабул қилинди.

ЎзА.

ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ПЛЕНУМИ

Бўлажак Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш йўлидаги муҳим босқичдир. Кўппартиявийлик шароитида ўтказилаётган мазкур сайлов кампанияси мамлакатимизда демократик жамият изчил шаклланиб, фуқаролар сиёсий онги ўсиб бораётганининг яққол далилидир. Ўзбекистон халқ демократик партияси шундан келиб чиққан ҳолда, сайлов кампаниясида фаол иштирок этиш зарур ва бу кампания партия учун жиддий сиёсий синов бўлади, деб ҳисоблайди.

Тошкентда 3 октябрь куни Ўзбекистон халқ демократик партияси Марказий кенгашининг бўлиб ўтган пленумида шу ҳақда сўз юритилди. Унда партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, бошланғич ташкилотлари фаоллари иштирок этди.

Пленумда Ўзбекистон халқ демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиши тўғрисида қарор қабул қилинди. Пленумда, шунингдек, 2007 йилнинг ноябрь ойида партиянинг навбатдаги съездини чақириш ва ХДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Аслиддин Рустамов номзодини Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сифатида кўрсатиш учун съезд муҳокамасига қўйиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

ЎзА.

ФИДОКОРЛАР МДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ МАЖЛИСИ

Тошкентда 29 сентябрь куни Фидокорлар миллий демократик партияси Марказий кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлари, партия фаоллари иштирок этди.

Мажлисда Фидокорлар миллий демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кампаниясида иштирок этиши тўғрисида қарор қабул қилинди.

Мазкур сайлов Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида катта аҳамиятга эга муҳим сиёсий воқеадир. Йиғилишда сўзга чиққанлар сайловда иштирок этиши ушбу партия учун ижтимоий-сиёсий етуклик синови, демократия мактаби бўлиб хизмат қилишини таъкидладилар.

Мажлисда, шунингдек, 2007 йилнинг октябрь ойида партиянинг навбатдаги съездини чақириш ва Фидокорлар МДП Марказий кенгашининг биринчи котиби, ушбу сиёсий партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Аҳтам Турсуновнинг номзодини Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сифатида кўрсатиш учун съезд муҳокамасига қўйиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

ЎзА.

"МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИНИНГ ПЛЕНУМИ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгашининг Тошкентда 2 октябрь куни бўлиб ўтган пленумида ушбу партиянинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштироки тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Унда мазкур партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлари, партия фаоллари иштирок этди.

Тадбир иштирокчилари ўз чиқишларида 2007 йилнинг 23 декабрида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа ҳамда Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришда улкан аҳамиятга эга бўлишини таъкидладилар. Шу сабабли "Миллий тикланиш" демократик партияси бўлажак сайловда фаол иштирок этишни ўзининг биринчи галдаги вазифаси деб билади ва бу партия учун мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнида ўзини янада яққол намоён этиш имконини беради, деб ҳисоблайди.

Пленумда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кампаниясида иштирок этиши тўғрисида қарор қабул қилинди.

Пленум партиянинг навбатдаги съездини чақириш ва "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгашининг раиси, ушбу сиёсий партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Хуршид Дўстмуҳамедов номзодини Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сифатида кўрсатиш учун съезд муҳокамасига қўйиш тўғрисида қарор қабул қилди.

ЎзА.

"АДОЛАТ" СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СИЁСИЙ КЕНГАШИНИНГ ПЛЕНУМИ ТЎҒРИСИДА

Тошкентда 28 сентябрь куни Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум ишида партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлари, партия фаоллари иштирок этди.

Пленумда "Адолат" социал-демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштироки ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

Пленумда сўзга чиққанлар шу йилнинг 23 декабрида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида улкан аҳамиятга эга муҳим сиёсий воқеа бўлишини таъкидладилар. Шу боис "Адолат" социал-демократик партияси мазкур партия, унинг барча аъзолари учун жиддий сиёсий мактаб, демократия мактаби, ижтимоий-сиёсий етуклигининг синови бўладиган сайловда фаол қатнашишини ўзининг гоят муҳим вазифаси, деб ҳисоблайди.

Пленумда муҳокама якуни бўйича Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кампаниясида иштирок этиши тўғрисида қарор қабул қилинди.

Пленумда шу йилнинг октябрь ойида партиянинг навбатдаги қурултойини чақириш ва "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий кенгашининг биринчи котиби, ушбу сиёсий партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Дилором Тошмуҳамедова номзодини Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сифатида кўрсатиш учун қурултой муҳокамасига қўйиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

ЎзА.

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги



РЕСПУБЛИКАМИЗДА СУҒУРТА СОҲАСИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ

Мустақиллик йиллари давомида юртимизда ҳар бир соҳада янгиланишлар амалга оширилгани сир эмас. Энг асосийси барча соҳа негизида мамлакат ривожига, инсон манфаатларига хизмат қилиш мақсади мужассам. Охирги йилларда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг барча соҳаларида катта ишлар амалга оширилмоқда. Шу жумладан, суғурта соҳасида ҳам чуқур ислоҳотлар амалга оширилди.

(Давоми 8-бетда).

Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди



АЛПЛИК ТИЗИМИ ҲАҚИДАГИ ТАСАВВУРЛАР

Халқ дунёқарашидаги алплик тизими ҳақидаги тасаввурлар оламининг моҳиятан халқнинг яна бир йўлловчилари ҳисобланмиш шоманлик тизими тушунчаларига уйғун келиши ҳам алплик тизимининг халқ дунёқарашида қадимдан яхлит тизим сифатида амалда бўлганлигини тасдиқ этади.

(Давоми 8-бетда).

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!

ФУҚАРОЛИК МАСЪУЛИЯТИ КУЧЛИ БЎЛСА

Истиқлол сабаб сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий соҳаларда, хуллас ҳаётимизнинг барча жабҳаларида улкан ўзгаришлар, янгиланишлар бўлаётганини яхши биламиз. Ҳа, ўз эркимизни қўлга киритганимиздан эътиборан дунёдаги бошқа миллатлардан ортда қолмаслик йўлида ҳаракат қиляпмиз. Ҳеч кимдан кам эмаслигимизни, ҳеч кимдан кам бўлмаслигимизни айтяпмиз, дунёга. Бу борада шу халққа, шу миллатга мансуб ҳар бир киши жавобгарлик туйғусини теран ҳис қилмоғи лозим. Ҳар бир хатти-ҳаракатимизда шу юрт, шу миллат манфаатини ўйламоғимиз, ана шундайин эзгу орзу-мақсадлар билан ёниб яшамоғимиз керак. Табиийки, ана шундайин туйғу юрак билан уриб туриши сиёсий онглилик даражамиз, маънавий етуклигимизга боғлиқ. Ёки аниқроқ қилиб айтганда, бунинг бари битта тушунчага – миллий масъулият туйғусига муштарак.

(Давоми 3-бетда).



4 ИБРАТ

ЭЗГУЛИК САРЧАШМАСИ



5 MUNOSABAT

E'TIBORDAN RUHLANIB



10 ЛЮДИ АРМЕЙСКОГО СПОРТА

ЕГО ПРИЗВАНИЕ – АТЛЕТИЗМ



12 АДАБИЁТ. САНЪАТ. МАДАНИЯТ

ИЖОДИДА КЎҲНА ТАРИХ НАМОЁН

ИСЛОҲОТЛАРИМИЗ САМАРАСИ

Кузги чақирув – 2007

САРА ЎҒЛОНЛАР ХИЗМАТГА ШАЙЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги Қарорига асосан, мамлакатимизнинг барча мудофаа ишлари бошқарма ва бўлимларида муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақирув ва уларни хизмат жойларига тантанали, байрамона кузатиш тадбирлари ўтказилмоқда.





Она Ватанни ҳимоя қилиш, халқ осойишталиги, тинчлигини сақлаш азалдан юртнинг мард ўғлонлари зиммасида бўлган. Бугун Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармасининг йиғин пунктида сафга тизилган, саралар ичра сара, алп келбатли ўғлонлар ҳам ана шундай муқаддас бурчларини адо этишга шайланганлар.

Эрта тонгданоқ йиғин пункти хизматга отланаётганлар, уларнинг ота-оналари, ёру дўстлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳарбий қисм ва муассасалардан келганлар ҳамда тадбирга шукуҳ бағишлашга тайёр турган хонандаю раққосалар билан гавжум бўлди. Барчанинг юзида ҳаяжон, айниқса, спорт либослари ярашиб, саф тортиб, ҳамманинг нигоҳини ўзларига жалб қилиб турган йигитлар хурсандчилигининг чеки йўқ. Ахир хурсанд бўлмай бўладими? Улар ҳаёт мактаби деб аталмиш – армияга, Ватан ҳимоясига, эл хизматига, ўз йигитлик ва конституциявий бурчларини бажаришга отланишмоқда! Ҳа, мустақил юртимизнинг миллий армиясида хизмат қилиш қанчалик юксак шараф эканлигини юракдан ҳис қилган сара ўғлонлар сафга тизилди, бугун.

Чақирилувчиларни ҳарбий хизматга жўнатишга бағишланган тантанали митинг бошланди. Уни Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи полковник Бахтиёр Маҳмудов қисқача кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг, Тошкент ҳарбий округи масъул офицерлари, Чегара қўшинлари вакили офицер Ғайрат Нуриев, шаҳар чақирув комиссияси раиси–Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Низомиддин Бахтиёров, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати (ЁИҲ) Ҳамза тумани кенгаши раиси Абдували Минглиев, туман «Нуроний» жамғармаси раиси Музаффар Рашидов, Ҳамза тумани ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Орзиой Идрисова ва бошқалар сўз олиб, ўғлонларга самимий тилакларини билдиришди.

Ота-оналар номидан сўзга чиққан, муддатли ҳарбий хизматга отланаётган Беҳзод Расуловнинг онаси Феруза Расулова ҳам бўлажак юрт ҳимоячиларини бугунги тантана билан табриклаб, жумладан шундай деди:

– Бугун қувончим чексиз, ўғлим ҳам эр йигитлар сафида юрт ҳимоясига йўл олмоқда. Бу ҳар қандай она қалбини фахрга тўлдириши аниқ. Шу ўринда фарзандларимиз ҳаётида, уларнинг хизматида юз берган улкан ўзгаришни айтиб ўтишни жоиз, деб биламан. Яъни куни кеча Президентимиз Ислом Каримовнинг муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг лавозим маошларини 1,15 бараварга ошириш ҳақидаги Фармони эълон қилинди. Фарзандларимизга бўлган бундайин улкан эътибор мен қатори барча ота-оналарни хурсанд қилганига аминман, – дея бўлажак посбонларга оқ йўл тилади.

Чақирилувчилардан Баҳодир Бобоев сўзга чиқиб, сафдошлари ва ўз номидан шундай фикрларни билдирди.

– Мана бугун биз миллий армиямиз сафларига қўшилаётган эканмиз, мен ва сафдошларим олдимизда турган ўта масъулиятли ва шарафли вазифани сидқидилдан бажариб, ота-онамиз бағрига соғ-саломат, ёруғ юз билан қайтиб келишга ваъда берамиз.

Чақирилувчиларга Ҳамза тумани «Камолот» ЁИҲнинг махсус совғалари топширилди. Тантанали йиғиндан сўнг ўзбекона дастурхон ёзилиб, санъаткорлар ижросида байрамона концерт дастури намойиш этилди. Бу эса тантанага янада завқу шавқ бағишлади.

Аҳрор ОЧИЛОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.







Твои герои, Узбекистан!

ЧЕТЫРЕ ВСТРЕЧИ С ОФИЦЕРОМ



Его офицерское становление проходило словно на наших глазах. В момент нашей первой встречи он был молодым лейтенантом, полным честолюбивых планов, только что прибывшим к месту службы после окончания училища. А во время четвертой я разговаривал с опытным старшим офицером, слушателем первого курса Академии Вооруженных Сил. К тому же, в преддверии шестнадцатой годовщины независимости нашей Родины самоотверженный ратный труд майора Хусана Ахмадалиева отмечен высокой государственной наградой – орденом «Дустлик».

...Лейтенанта Х. Ахмадалиева представил командир танкового батальона майор Закир Шахведедов. Недаром говорится, что успех офицерского становления в немалой степени зависит от первого наставника. Закир Ханкишиевич с чувством заметной гордости говорил об этом молодом офицере, чье подразделение успешно действовало на боевых стрельбах на полигоне: «Конечно, ему еще предстоит много над собой работать, но умение повести за собой людей в нем есть, а для командира это качество – главное». Этот вердикт командира в последующем не раз находил свое блестящее подтверждение.

Надо заметить, что к службе в Вооруженных Силах Узбекистана имеют отношение сразу четверо братьев Ахмадалиевых. Вот так в судьбе простой узбекской семьи преломилась история независимости нашей Отчизны, когда зарождались узбекистанские военные династии.

Вторая наша встреча со старшим лейтенантом Хусаном Ахмадалиевым состоялась в парашютно-десантном подразделении. Так распорядилась судьба, что его командирские знания и навыки оказались востребованными в «крылатой пехоте». Надежное испытанное братство «голубых беретов» развило в молодом офицере умение тщательно и скрупулезно готовиться к каждому полевому выходу или прыжкам. Ведь десанту полагается действовать в тылу условного противника, а значит, надо надеяться только на свои силы, точно рассчитывая все действия своего подразделения. В то время воинская часть, где служил наш герой, была признана лучшей в Сухопутных войсках, причем возглавляемое им подразделение завоевало славу одного из лучших в части.

А в третий раз мы встретились с заместителем командира батальона капитаном Хусаном Ахмадалиевым на сборном пункте Управления по делам обороны столицы. Он был направлен в Ташкент для отбора новобранцев. Командование военного округа оказало доверие капитану, полностью положившись на его строгий, принципиальный подход к каждому порученному делу высокой государственной важности. Здесь он проявил себя не только как грамотный офицер, но уже и как повидавший виды в жизни человек. Ведь надо было беседовать с представителями местных органов власти, с родителями будущих солдат, рассказывать об условиях прохождения службы и доводить требования службы к призывникам.

А четвертая наша встреча состоялась в спортивном комплексе Министерства обороны, где слушатели первого курса Академии Вооруженных Сил занимались физической подготовкой. Начальник физической подготовки и спорта Академии офицер Музаффар Мажидов тепло отозвался о майоре Хусане Ахмадалиеве, с первых дней подающем пример для сослуживцев в образцовом освоении учебной программы.

– У нас нет скидок и поблажек с учетом наград и званий, – говорит офицер М.Мажидов. – Среди слушателей и первого и второго курса немало таких офицеров, удостоенных государственных наград. Они и в учебе стремятся быть первыми среди сослуживцев, ведь награда Родины вдохновляет на успехи.

Не скрою, мне было очень приятно, что этот офицер, о котором наша газета уже писала несколько раз, упорным ратным трудом сделал успешную офицерскую карьеру. Искренне хочется пожелать майору Хусану Ахмадалиеву, чтобы этот рассказ нашел свое дальнейшее продолжение, чтобы появился вскоре весомый повод для пятой встречи.

Майор Аблай КАМАЛОВ,
корр. «Ватанпарвара».
Фото **Камолиддина ТУРАЕВА.**

ҲАРБИЙЛИКНИ ОРЗУ ҚИЛАР ҲАР БИР ЙИГИТ

Айни кунларда нафақат мудофаа ишлари бошқармаси ва бўлимлари, балки кенг жамоатчилик томонидан кузги чақирувни ҳар томонлама сифатли ўтказиш учун қизғин ишлар олиб борилмоқда. Бугун миллий армиямизда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар самараси ўлароқ ҳарбийликнинг нуфузи ошиб, юрт осойишталиги йўлида хизмат қилиш ҳар бир йигитнинг орзусига айланиб улгурди, десак хато қилмаган бўламиз.

Бухоро вилояти Олот тумани мудофаа ишлари бўлимида ҳам чақирилувчиларни навбатдаги ҳарбий хизматга чақириш ва саралаш ишлари авж паллага кирган.

– Армиямиз сафларини сифатли бутлаш учун чақирувга тайёргарлик ишларини янада эрта бошладик, – дейди биз билан суҳбатда мудофаа ишлари бўлими бошлиғи офицер Нарзулла Порсаев. – Туманимизда ҳарбийликка қизиқувчи ёшлар кўплаб топилади. Шу боис бу ерга келганлар билан суҳбатлашсангиз, уларнинг барчаси, «Мен ҳарбий либос кийиб, тенгқурларим сингари юрт осойишталиги йўлида хизмат қилсам, конституциявий бурчимни ўтасам» дейишади. Қуролли Кучларимиз сафларига энг сара ўғлонларимизни жўнатишимиз керак. Ўзингизга маълум, бунинг учун чақирилувчининг фақатгина саломатлиги ва жисмоний етуклиги синовдан ўтмайди, балки уларнинг интеллектуал салоҳиятини, оилавий шароитини ҳам ўрганиш керак. Шу сабабли туман ҳокимининг буйруғи билан кузги чақирувга тайёргарлик ишларини июнь ойидан бошлаб юбордик.

Йигитларнинг саломатлигини мукаммал синовдан ўтказиш учун терапевт Комилжон Наврўзов бошчилигида туманнинг энг малакали шифокорлари жалб қилинган. Мана шундай тажрибали шифокорлар сафига яна қулоқ-бурун-томоқ касалликлари врачи Эркин Соҳибов ҳамда жарроҳ Фарҳод Жаллиевларни киритишимиз мумкин.

Чақирилувчиларнинг ижтимоий аҳволини ўрганишда туман мудофаа ишлари бўлимининг бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари билан яқиндан олиб борган ҳамкорлиги анча қўл келмоқда. Жумладан, «Камолот» ЁИҲ туман кенгаши ҳамда «Маҳалла» жамғармаси туман бўлими саъй-ҳаракатлари билан ўғлонларнинг ахлоқи ва ижтимоий аҳволини ўрганиш ишлари анча енгил кечмоқда. Барча синовлардан муваффақиятли ўтган Низом Куччиев айни пайтда армия сафига тайёргарлик кўрмоқда.

– Ёшлигимдан аскар бўлиб Ватанни ҳимоя қилишга қизиқаман, – дейди у. – Аслида бундай истак ҳар бир ўғлон қалбида туғён уриши табиий. Мактабда ўқиб юрган кезларим чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитувчисининг армия ҳаёти ҳақидаги айтган ҳар бир сўзи мени борган сари ушбу соҳага қизиқтириб борарди. Мана энди муддатли хизматга кетиш арафасида турибман. Айни пайтда эса кўпчилик ўртоқларим менга ҳавас қилишмоқда.

– Армия ҳаёти ҳар бир йигитнинг шаклланишида муҳим роль ўйнайди, – дейди яна бир суҳбатдошим Маҳмуд Эшмуродов. – Қолаверса, туғилган юртини муносиб ҳимоя қилиш ҳар бир ўғлоннинг шарафли бурчидир. Шу заминнинг асл фарзанди сифатида мен ҳам Ватанимнинг сарҳадларини ҳимоя қилишга аҳд қилганман. Албатта, бундан ота-онам ва яқинларим хурсанд бўлишди.

Олот туман мудофаа ишлари бўлими ҳар йили кузги ва баҳорги чақирув ва саралаш ишларини муваффақиятли ташкил қилиш билан бир қаторда ўғлонларни ҳарбий соҳага қизиқтириш ҳамда муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатини ўтаб қайтган фуқароларнинг ишга жойлашишига кўмаклашиш борасида ҳам сезиларли ижобий ишлар амалга ошириб келмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, туман ўғлонлари республикамиздаги олий ҳарбий билим юртларига киришда ҳам мана, бир неча йилдан буён вилоятда етакчиликни қўлдан бой бермаяпти.

– Жорий йилнинг ўзида ҳам ўн нафардан ортиқ йигитларимиз мамлакатимиздаги олий ҳарбий билим юртларининг курсанти бўлишди, – дейди шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Муҳаммаджон Бозоров. – Улардан Меҳриддин Абдиев, Соҳибжон Соатов (Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти), Азамат Пўлатов (Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти)лар энг юқори балл тўплаб, олотлик ёшлар нафақат жисмоний, балки интеллектуал салоҳияти билан ҳам тенгқурларидан қолишмаслигини амалда исботлашди. Йигитларнинг шарафли соҳага қизиқишида мактаб, лицей ва коллежларда ҳарбийлар билан ўтказган учрашувлар, ҳарбий қисмларга уюштирган саёҳатларнинг улкан ҳиссаси бор. Қолаверса, кейинги пайтда шартнома асосида хизмат қилишни истаётганлар ҳам сезиларли даражада ортиб бормоқда. Яқиндагина жанговар сафларда хизматини бошлаган посбонлар – Мирғолиб Қурбонов, Комилжон Рўзиев ҳамда Ўктам Бобоевларнинг хизмат жараёнида қўлга киритаётган ютуқлари туфайли мудофаа ишлари бўлимига ташаккурнома мактублари келди.

Баҳорда муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган туман ўғлонларининг аксарияти, хизмати довомида эришган ютуқлари учун тавсиянома билан ўз уйларига қайтишди. Айни дамда эса уларнинг кўпчилиги мамлакатимизнинг турли олий ўқув юртларида таҳсил олмоқда. Хизматдан қайтган йигитларни иш билан таъминлашда туман мудофаа ишлари бўлимининг саъй-ҳаракати ҳақида алоҳида тўхталса арзийди. Туман меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими билан ўзаро ҳамкорлик натижасида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган кўплаб ёшлар иш билан таъминланди. Масалан, педагоглик мутахассислигига эга бўлган чандирлик Ғуломжон Жўраев тумандаги 2-умумтаълим ўрта мактабига ўқитувчи этиб тайинланди. Баҳористонлик Дониёр Жумаев эса туман суғурта агентлигига ишга киришга муваффақ бўлди. Деновлик Жалол Очилов Ўзбекистон темир йўллари ДАКга қарашли Қарши темир йўллар бўлимига ишга жойлашди.

Йил давомида мана шундай қизғин иш жараёни кечаётган туман мудофаа ишлари бўлимида ўз касбининг фидойилари хизмат қилишади. Уларнинг касбига бўлган юксак эътибори туфайли бу жамоада иш суръати йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Комилжон ҲАСАНОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

Боевая учеба: курсом реформ

ИСПЫТАНИЕ УСТОЙЧИВОСТИ

На днях на полигоне одного из военных округов состоялся ввод в строй нового объекта – полосы психологической устойчивости. Нашим журналистам довелось одними из первых увидеть военнослужащих одного из подразделений в процессе испытания новой полосы.

Начальник полигона офицер Каримжон Халилов провел экскурсию по новому объекту. И вот мы уже на верхнем этаже. Здесь располагается комната оператора, откуда ведется управление процессом боевой учебы. Сюда же стекается вся информация о том, как испытуемые проходят полосу.

Спускаемся вниз. Сразу попадаем в полумрак. Совсем неожиданно оглушают звуки автоматной стрельбы, окрики, команды, ослепляют блики отсветов. Все эти эффекты являются самым первым испытанием на крепость нервной системы.

Далее, сразу же за поворотом, в тесном, темном коридоре, а потом и сзади ярким светом вспыхивают цветные мишени, по которым надо успеть произвести выстрелы из специального автомата с лазерным прицелом. Если выстрелы прозвучат вовремя, мишени гаснут – путь свободен.

Но впереди поджидает еще одно испытание. Вдруг ноги проваливаются почти по колено... Пройдя этот участок, надо нанести удары по загорающимся мишеням. Впереди еще поворот. И вновь неприятный сюрприз. Снова провалы. А затем узкий тоннель, выползая из которого попадаешь на освещенный участок уже в центральной комнате. Остается пробежать по баллонам и камням, произвести точные выстрелы по появляющимся ростовым мишеням, а затем преодолеть раскачивающийся мостик из досок.

Почти оглушенные и ослепленные, но полные ярких впечатлений, поднимаемся наверх, где оператор Шерзод Шодмонов на экранах монитора показывает нам то, как мы неумело блуждали в этом «лабиринте», спотыкаясь в провалах, шарахаясь от всех вспышек и звуков. Получив порцию психологической устойчивости, стали наблюдать за тем, как работают на полосе военнослужащие-профессионалы из подразделения старшего лейтенанта Асрора Кадырова.

По команде руководителя занятия капитана Бекзода Соатова младшие сержанты Шерзод Норматов и Музаффар Шерназаров начинают учебный бой. На экранах хорошо видно, как уверенно они действуют. Выстрел, разворот, еще один выстрел – и путь вперед открыт.

Выбравшись из тоннеля, Шерзод и Музаффар четко и уверенно подстраховывают друг друга на открытом участке местности, метко стреляют по ростовым мишеням, уверенно преодолевают качающийся мостик.

Кажется, все выполнено безупречно. Однако придирчивый и строгий руководитель занятия в процессе разбора результатов находит помарки, акцентируя на них внимание обучаемых. Возможность во время обсуждения включить монитор и детально просмотреть все движения воинов на полосе только усиливает методический эффект.

– Руководство нашей страны уделяет самое пристальное внимание вопросам укрепления материально-технической базы нашей армии, – говорит рядовой по контракту Ахмаджон Фозилов. – Нам выделяется самое современное вооружение и экипировка, государство тратит колоссальные средства на возведение таких вот объектов для повышения боевой выучки личного состава. И наш воинский долг – ответить на заботу Родины о своих вооруженных защитниках новыми успехами в ратном труде, неустанно трудиться во имя повышения своей боевой выучки, укрепления воинского мастерства.

Таким образом, в процессе реформы наших Вооруженных Сил продолжается кропотливая и каждодневная работа по укреплению учебно-материальной базы армии независимого Узбекистана, зорко стоящей на защите суверенитета нашей Родины. Успешно испытанная воинами-профессионалами новая полоса психологической устойчивости поможет им совершенствоваться в учебном бою, чтобы и в реальном действовать так же удачно.

Майор Анвар КАСЫМОВ.
Фото **Камолиддина ТУРАЕВА.**



ЎЗБЕКИСТОН – КЕЛАЖАГИ БУЮК ДАВЛАТ

Заметки публициста

НАДЕЖНЫЙ ФУНДАМЕНТ НАШЕЙ БЕЗОПАСНОСТИ

В эти дни Вооруженные Силы накануне итоговой проверки за 2006 – 2007 учебный год вступают в завершающий период своего боевого совершенствования. Этот ответственный период подведет итоги выполнения программных установок Президента, Верховного Главнокомандующего Вооруженными Силами Ислама Каримова и задач, поставленных министром обороны. Он станет важной вехой в наращивании качественных усилий в боевой готовности, повышении бдительности и укреплении воинской дисциплины. В то же время он создаст прочную базу для последующих успехов частей и подразделений в решении задач, поставленных Президентом страны в Праздничном поздравлении накануне Дня защитников Родины, докладе «Узбекистан: 16 лет независимого развития» и в выступлении на торжествах, посвященных 16-летию независимости Республики Узбекистан.

Выводы и установки этих документов имеют принципиальное значение для осознания каждым военнослужащим личной ответственности за реализацию оборонной политики государства, важнейших приоритетов военной реформы, за боевую выучку, тактическое мастерство, организованность и правопорядок. Идеи и установки этих документов должны получить практическое выражение в дальнейшем повышении уровня деятельности командиров, штабов, органов воспитательной работы, всех офицеров и сержантов, в усилении их влияния на все стороны жизнедеятельности личного состава. Сегодня, как никогда, важно трансформировать принципиальные положения доклада главы государства в конкретные планы и практические меры по дальнейшему совершенствованию боевой готовности в Вооруженных Силах, их оперативности, мобильности и надежности в деле защиты нашей независимой Родины.

Вооруженные Силы Республики Узбекистан являются надежным гарантом нашей безопасности, мира и стабильности в стране и во всем Центральноазиатском регионе. Но такими они стали не по мановению волшебной палочки. Потребовалась политическая воля главы государства, настойчивость и огромная, ни с чем не сравнимая многоплановая работа Руководства страны и всего нашего народа за годы независимости, чтобы иметь такие надежные и боеспособные Вооруженные Силы.

Обратимся к нашей недавней истории. После развала Союза в новых независимых государствах наступила эйфория торжества свободы, надежды на скорое возрождение и благоденствие. И только Узбекистан не поддался иллюзиям. Президент И.А.Каримов правдиво и честно разъяснял народу трудности переходного периода – разрыв экономических связей, резкий спад производства, рост инфляции, дороговизна, снижение дисциплины и т.д., – убеждал народы Узбекистана в необходимости сплоченности, взаимопонимания и согласия.

Учитывая все возрастающие реальные угрозы безопасности республики, глава государства первым среди руководителей стран СНГ не на словах, а на деле проявил заботу о безопасности страны и ее народа. Важными вехами в строительстве новой армии стали: создание Министерства обороны, решение Верховного Совета Республики о принятии под свою юрисдикцию всех частей и соединений, военно-образовательных учреждений и других воинских формирований, дислоцированных на территории Узбекистана, принятие парламентом страны Законов «Об обороне», «О всеобщей воинской обязанности и военной службе», «Об альтернативной службе», утверждение текста Военной присяги и порядок приведения к Военной присяге.

Событиями огромной политической значимости явилось принятие Военной доктрины. Всякая уважающая себя армия, говорил глава государства, начинается с Военной доктрины, а также утверждения Концепции национальной безопасности. Все это, вместе взятое, создало прочную правовую базу функционирования Вооруженных Сил и оказало положительное влияние на их подготовку на основе новых подходов и приоритетов.

Развивающиеся события еще раз подтвердили известную истину, что государство, тем более независимое, если оно хочет быть именно таковым и утвердиться в мировом сообществе, должно иметь надежную защиту в лице его Вооруженных Сил. Такова закономерность: нет государства без армии. На примере нашей страны мы видим счастливое совпадение логики жизни и практической деятельности главы государства, полной оптимизма, умения рассчитать и просчитать, как говорят шахматисты, на много ходов вперед, дерзновенной мечты и подвижничества во имя благополучия народа. И не случайно его решения, выводы и программные установки по строительству Вооруженных Сил воспринимаются народом не только как их кровное дело, обеспечивающее мир и безопасность страны, что само по себе уже очень важно, но и как важнейшая составляющая глобальной борьбы человечества за мир и стабильность на земле, за взаимопонимание между людьми, народами и государствами.

А обстановка на нашей планете складывалась далеко не стабильная. На арену политической борьбы выходила новая военная и достаточно организованная сила – международный терроризм и религиозный экстремизм, на глобальный опасный характер которой первым указал наш Президент. Реальные угрозы безопасности страны нарастали с каждым годом. Особенно они стали ощутимыми после захвата власти в Афганистане талибами. Сама жизнь, военно-политическая обстановка в регионе диктовали необходимость укрепления нашей безопасности, надежной защиты границ и мирной жизни народа.

Как известно, в наследство от советской системы мы получили достаточно глубокий кризис. Аналитики считают, что в практике преодоления кризисов, в том числе и в Вооруженных Силах, известны три основные стадии.

Первая стадия – это осознание его и отказ от той политики и идеологии, которые породили кризис, и принятие срочных мер, чтобы не скатиться к катастрофе. Глава нашего государства решил проблемы этой стадии блестяще – без «шоковой терапии», без социальных конфликтов, не допустив хаоса в стране и обнищания населения, сохранив в республике правопорядок и приняв действенные меры по удовлетворению неотложных потребностей населения, прежде всего в продовольствии. В Вооруженных Силах были сохранены не только опытные кадры, но и боевая техника и вооружение. Под личным руководством главы государства в стране была создана прочная правовая база функционирования и дальнейшего совершенствования Вооруженных Сил.

Вторая стадия – это выработка стратегии обновления. Уже в 1993 году на совещании с руководящим составом Министерства обороны Президент говорил о необходимости глубокого реформирования Вооруженных Сил. Но для этого надо было ответить на ряд вопросов: какую армию мы хотим иметь, как этого добиться в условиях глубокого кризиса экономики.

Этапным событием в жизни общества и Вооруженных Сил стала первая сессия Олий Мажлиса первого созыва, состоявшаяся в феврале 1995 года, на которой Президент страны изложил Концепцию национальной безопасности и дал четкий ответ на вопрос, какую армию мы должны иметь: **«Мы должны иметь мобильную, хорошо обученную и оснащенную армию, способную обеспечить защиту наших границ, нашу независимость и суверенитет».**

И наконец, **третья стадия** – реализация намеченной стратегии. Здесь главным было изыскать необходимые средства, механизмы реализации намеченных мероприятий, определить новые требования к повышению качества военного строительства, наметить меры, обеспечивающие и стимулирующие проведение в жизнь намеченных реформой мероприятий с учетом имеющихся возможностей страны.

УЗБЕКИСТАН СЕГОДНЯ ПРАКТИЧЕСКИ РАСПОЛАГАЕТ НЕБОЛЬШОЙ ПО ЧИСЛЕННОСТИ, СОВРЕМЕННОЙ, МОБИЛЬНОЙ, ХОРОШО ВООРУЖЕННОЙ НАЦИОНАЛЬНОЙ АРМИЕЙ, СПОСОБНОЙ ОТСТОЯТЬ ТЕРРИТОРИАЛЬНУЮ ЦЕЛОСТНОСТЬ СТРАНЫ, НЕПРИКОСНОВЕННОСТЬ ЕЕ ГРАНИЦ, МИР, СТАБИЛЬНОСТЬ И СПОКОЙСТВИЕ НАШЕГО НАРОДА.

Какие факторы оказали влияние на концептуальную основу военной реформы?

Во-первых, все возрастающие угрозы и вызовы нашей безопасности, прежде всего, со стороны международного терроризма и религиозного экстремизма, активизация их преступной деятельности и применение самых изощренных и самых бесчеловечных методов борьбы. Именно это обстоятельство выдвигало на первый план мобильность армии, ее оперативность и маневренность, необходимость изменения некоторых организационных форм и создания новых структурных подразделений.

Во-вторых, общее состояние развития военного дела, появление новых видов вооружений и боевой техники. Любая реформа только тогда эффективна, когда она направлена на опережение, учитывает будущее развитие военного дела, способы и методы борьбы, характер вероятного противника и особенности ТВД. Исходя из этого, реформа уделяет большое внимание совершенствованию стратегии и тактики вооруженной борьбы, действиям специальных подразделений в горах, в пустыне, ночью, в населенных пунктах, при охране и обороне важных объектов, поиске, блокировании и уничтожении групп бандформирований, а также действиям в составе сводных отрядов.

В-третьих, широкое внедрение в практику военного дела компьютерных и информационных технологий, новых методов обучения и воспитания. На новый уровень была поднята эффективность школ подготовки сержантов, были созданы современные военные полигоны. Учебный процесс в военно-образовательных учреждениях организован на основе передовых технических средств и новых современных методов обучения.

В-четвертых, комплексность и кардинальность. Военная реформа только тогда эффективна, когда она проводится системно, охватывает в едином замысле весь комплекс проблем, все стороны жизни войск, начиная от боевой учебы, профессионализма и высокого интеллектуального уровня процессов боевой учебы и до социальной защиты и социальной обеспеченности военнослужащих.

Такая огромная по своему содержанию, многоплановая задача была нам по плечу. Потому были выработаны жизненно важные ориентиры и приоритеты, соответствующие геополитическому и геостратегическому положению и роли Узбекистана в Центральноазиатском регионе, которые были положены в основу Оборонной доктрины и предопределили основные направления военной реформы. Заслуга Президента Ислама Каримова как государственного деятеля состоит не только в том, что он разработал теорию и стратегию общественно-политического развития суверенного государства, создал собственную «узбекскую модель» перехода на рыночные отношения, сформулировал национальную идеологию независимости, поднял к жизни огромный пласт национальной культуры, имеющей мировое значение, но и обосновал стратегию и тактику военного строительства, соединив воедино политические, экономические, социальные и духовные факторы развития военного дела, которые наиболее ярко проявились в кардинальной военной реформе. Он внес весомый вклад в развитие идей национальной безопасности, в вопросы дальнейшего повышения боевой готовности и бдительности Вооруженных Сил.

Военная реформа, образно говоря, – операция стратегического значения. Успех операции, как известно, обеспечивается умелым выбором направлений главного удара, искусным сосредоточением войск на этих направлениях, материально-техническим и иным обеспечением, а также высокой организацией управления и согласованными действиями командного состава всех видов и родов войск. Все это нашло свое конкретное проявление в ходе реализации приоритетов военной реформы. Потому в стране под руководством Президента, Верховного Главнокомандующего за короткий, по историческим меркам, срок удалось превратить Вооруженные Силы в мобильный, хорошо отлаженный военный организм, способный решать самые сложные задачи современной военно-политической обстановки, в надежный фундамент нашей безопасности, благополучия и мирной жизни народа.

Не вдаваясь в подробности, мы можем уверенно сказать, что на основе долгосрочной программы реформирования армии, разработанной главой нашего государства, на основе новых принципов строительства и организации Вооруженных Сил и всестороннего учета угроз и вызовов безопасности сегодня мы имеем принципиально новые Вооруженные Силы. Изменились их состав, организация и структура. Изменилось их техническое обеспечение – наряду с новой и новейшей техникой и вооружением управление войсками, боевая и оперативная подготовка базируются на широком применении информационных и компьютерных технологий. Созданы высокоэффективная система подготовки национальных военных кадров, нацеленная на обеспечение высокого профессионализма командиров всех уровней, стимулирование их всестороннего интеллектуального развития, а также принципиально новые школы подготовки сержантов. Огромную роль сыграли сокращение срока срочной службы до одного года и практическое завершение перехода к контрактной службе. Улучшились материальные и социально-бытовые условия военнослужащих и их семей, постоянно растут размеры денежного содержания военнослужащих всех категорий. Неизмеримо возрос престиж военной службы. Служба в армии, без преувеличения, становится не только конституционным долгом, но и одной из престижных профессий в стране.

Отсюда главный обобщающий вывод: Узбекистан сегодня практически располагает небольшой по численности, современной, мобильной, хорошо вооруженной национальной армией, способной отстоять территориальную целостность страны, неприкосновенность ее границ, мир, стабильность и спокойствие нашего народа.

Как видно из этого обобщающего вывода, мы добились многого. Но мы живем в непростое время не снижающейся напряженности в нашем регионе. Более того, продолжаются конфликты и противостояния во всем мире. Не снижаются, а возрастают масштабы преступной деятельности терроризма, экстремизма и наркоагрессии. Это время своей глубинной сутью требует от всех нас – патриотов, людей гражданских и военных – максимального напряжения сил, инициативного, творческого подхода к делу, активной жизненной позиции. Давайте будем и дальше твердо стоять на нашей благодатной земле и все делать для процветания Родины, укрепления ее экономического и военного могущества, повышения боевой готовности Вооруженных Сил. И пусть первым весомым вкладом в это благородное дело станут наши отличные успехи на итоговой проверке. Они будут наглядным подтверждением того, что, как сказал Президент, мы вправе жить с высоко поднятой головой, с осознанием того, что каждый из нас внес достойный вклад в общий успех.

Анфим ХЛЫЗОВ.

ФУҚАРОЛИК МАСЪУЛИЯТИ КУЧЛИ БЎЛСА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қолаверса, бу мавзуда гап очилган экан, фуқаролик масъулияти деган тушунча хаёлимизга келади. Бу фуқарога Конституциямизга, қонунларимизга, ҳукумат қарорларига ҳурмат билан ёндашиш, уларни ҳаётга татбиқ этишда қай даражада масъулиятни ҳис қилиши билан ўлчанади. Демак, фуқароларимизда фуқаролик масъулияти қай даражада кучли бўлса, мамлакатимиз халқи шунчалар жипслашади, ўзаро дўстлик ришталари мустаҳкамланади. Юрт тинч бўлади, ватан равнақ топиб бораверади, халқ фаровон бўлаверади. Бир сўз билан айтганда, устувор мақсад йўлида дадил одимлаймиз.

Хуллас, миллий ва фуқаролик масъулияти уйғоқ киши истиқлол туфайли эришаётган ютуқларимизни ҳис қилади, ўзини шу Ватан, шу жамият учун керак, деб ҳис қилади. «Ватаним учун нимадир қилмоғим керак, мен Ватан учун нима қилдим», деган тушунчалар билан ёниб яшайди. Ҳа, таъкидланаётган масъулият уйғонгани, уйғоқлиги учун ҳам Ўзбекистон номини бошимиз узра кўтаряпмиз.

Ўтган йиллар давомида асрларга тенг ўзгаришлар, янгиланишлар бўлди, десак муболаға эмас. Дейлик, **ёқилғи-энергетика ресурслари, истеъмол ва озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжимизни қондириш бобида қилинган ишларни кўз олдимизга келтирайлик. Мустабид тузум даврида юртимиз фақатгина хом ашё етказиб беришга мослаштирилганлигини таъкидламасак-да, яхши биламиз. Олтинга тенг тупроғимиз, ҳатто тошида гул унадиган заминимиз бўлишига қарамасдан, биргина озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжимизни қондира олмасдик. Картошкани қайсидир ўлкалардан келтирармидик. Энг ачинарлиси ўз нонимизга эга эмасдик.** Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, вазият янада ойдинлашади. Айтиш лозимки, ғалла ва ун маҳсулотларига бўлган ички эҳтиёжимизнинг 80 фоиздан ортиғи четдан келтирилган маҳсулотлар ҳисобидан қопланар эди. Мустақил тараққиётимизнинг дастлабки йилларида, аниқроғи 1991-1992 йилларда ҳаммаси бўлиб республикамиз бўйича йилига 940 минг тонна ғалла етиштирила бошланди. Тўғри, ҳосилдорлик чўғи ўша пайтлар бор-йўғи гектарига 17 центнерни ташкил этган. Сабабини деҳқонларимизнинг пахта етиштиришга ихтисослашгани, ғалла етиштириш маданияти шаклланмагани билан изоҳлаш мумкин, Мана, мустақиллик сабаб иқлим шароитларимизга мос, серҳосил навларни яратиш, уларни парваришлашда илғор технологияларни шакллантириш кабиларни ўзлаштирдик. Қарабсизки, бугун ўша дастлабки йилларга нисбатан ғаллачилигимизда ҳосилдорлик 4,5 баробарга, ялпи ҳосил миқдори эса 6,5 баробарга ошган. Ҳозирга келиб, мамлакатимизда ғаллакорларимиз заҳматлари туфайли йилига 5 миллион тоннадан зиёд буғдой ўриб-йиғиб олинмоқда.

Ёки бўлмаса юртимиз табиий газ, нефть ва газ конденсати бўйича аниқланган улкан саноат захираларига эга бўлишига қарамасдан, илгари иқтисодиёт тармоқлари ва аҳоли эҳтиёжини қондириш учун йилига 6-7 миллион тонна нефть ва нефть маҳсулотларини четдан келтириб, катта миқдордаги валюта ресурсларини сарфлашга мажбур бўлганимизни олайлик. Мазкур муаммони ҳал этиш мақсадида соҳада жиддий ислоҳотлар амалга оширилди. Янги нефть-газ конларини аниқлаш, нефть ва табиий газни қазиб олиш учун зарур бўлган сармоялар изланди, хусусан, соҳага хориж сармояси кенг жалб этила бошланди. Натижада Бухорода нефтни қайта ишлайдиган янги замонавий завод барпо этилди, Фарғона ва Олтариқдаги нефтни қайта ишлаш заводлари модернизация ва реконструкция қилинди. Бундайин изчил ислоҳотлар табиийки қисқа фурсатларда ўзининг самарасини берди. Буни рақамларда ҳам кўриш мумкин. Аниқроғи нефть маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 1990 йилга нисбатан 3 баробар ортди.

Мустақиллик даврида эришилган бундайин ютуқларимиз Ватан посбонларида ҳам ғурур, фахр туйғусини уйғотади. Истиқлолнинг 16 йиллик тўйида Президентимизнинг Фармонига кўра «Содиқ хизматлари учун» медали билан тақдирланган офицер Ҳайдар Эргашев шундай дейди: «Хизматдан таътилга чиққанда ҳар йили қишлоғимга бораман. Мустақиллигимиз нафаси кишилардаги бунёдкорлик, яратувчанлик туйғулари орқали шундоқ сезилади. Қишлоғимиздаги деҳқон-фермерларимиз жорий йил ғалладан мўлҳосил олишибди. Ҳар бир оила, хонадон ўзининг буғдойига, нонига эга. Тўйлар, тантаналар қилишяпти. Илгари қишлоғимда бир-иккита шахсий автомобили бор инсонларни билардим. Ҳозир санаб, ҳисобимни йўқотаман. Ровон йўлларимизда ўзимизнинг Асакадан чиқаётган автомобилларни кўриб эса кўз қувнайди. Халқимизнинг фаровонлиги, юртимиз равнақини кўриб, буларнинг замирида тинчлигимиз, осойишталигимиз ётганини юракдан ҳис қиламан. Шунинг учун биз ҳарбийлар – юрт ҳимоячилари ислоҳотларнинг, хусусан Президентимиз етакчилигида миллий армиямизда амалга оширилган ўзгаришлар, янгиланишларнинг кузатувчисимас, бевосита иштирокчиси бўлмоғимиз керак. Ҳар биримиз ўз-ўзимизга «юртим хавфсизлиги ва тараққиёти учун масъулман, менга халқим, Ватаним ишониб топширган масъулиятли вазифани ишонч билан, виждонан бажармоғим керак», деган ният, мақсад бўлиши лозим».

Келинг, шу ўринда Қуролли Кучларимиздаги ислоҳотларнинг айрим йўналишларига эътиборни қаратайлик. Масалан, муддатли ҳарбий хизматнинг бир йилгача қисқартирилгани, қўшинларнинг сифат таркибини яхшилаш ва уларнинг сафини тўлдириш тартибларининг такомиллаштирилганини олиб қарайлик. Бу ўзўзидан чақирув масалаларига бориб тақалади. Айни пайтда жойларда муайян кўрик-танловдан ўтиб, тегишли мезонлар талабларига жавоб беришини исботлаган чақирилувчилар юрт ҳимояси сари йўл олишмоқда.

Дарҳақиқат, хизматнинг бир йилгача қисқартирилгани, қўшинларнинг сифат таркибини яхшилаш ва уларнинг сафини тўлдириш тартибларининг такомиллаштирилгани, чақирув тизими янада шакллантирилгани, армиямизнинг қиёфаси ўзгариб, мазмун-моҳияти ва жанговар қобилияти, мамлакатимизнинг мудофаа қудрати шаклланишига хизмат қилмоқда. Буларнинг бари кишини фахр, ғурур туйғуларига чўмдиради.

Миллий ва фуқаролик масъулиятидан сўз очгандик. Пировардида шуни таъкидлашни истардимки, олдимизга қўйган устувор мақсадларимиз – ҳеч кимдан кам бўлмаслик, ҳеч кимга қарам бўлмаслик миллат олдидаги, Ватан олдидаги, жаннатмакон Ўзбекистон фуқаролиги олдидаги масъулиятимизни янада кучайтиришга ундамоқда.

Майор Алижон САФАРОВ.

Ҳуқуқингни биласанми, сайловчи?

ДЕМОКРАТИЯ МЕЗОНИГА АСОСЛАНГАН

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида кимлар қатнашиш ҳуқуқига эга ва қандай ҳолатларда фуқаролар бундайин ҳуқуқдан маҳрум этилиши мумкин?

Оддий аскар Анвар БЕКЧОНОВ.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонунининг 2-моддаси фуқароларнинг сайлов ҳуқуқига бағишланган бўлиб, ундан мазкур саволга жавоб топиш мумкин. Унда жумладан шундай дейилади: «Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қатнашиш ҳуқуқига эга.

Ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий аҳволига, ирқий ёки миллий мансублигига, жинси, маълумоти, тили, динга муносабатига, машғулот тури ва хусусиятига қараб Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сайлов ҳуқуқи бирон-бир тарзда бевосита ёки билвосита чеклаш тақиқланади.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек суднинг ҳукмига мувофиқ озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қатнашмайдилар»

Сайловолди кампаниясида, овоз беришда қатнашиш мажбуриймми ёки ихтиёрий?

Нозима РЎЗИЕВА, талаба.

Тилга олинаётган Қонуннинг 3-моддасида ушбу саволга жавоб берилган. Яъни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш принциплари дея номланган моддада шундай ёзилган: «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш бўйича сайловолди кампаниясида ва овоз беришда ихтиёрий равишда қатнашадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича овоз бериш яширин бўлиб, фуқаролар томонидан бевосита амалга оширилади. Фуқароларнинг хоҳиш-ирода билдиришлари устидан назорат этилишига йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси битта овозга эга».

Мамлакатимизда Президентлик сайловини ўтказишда қанақанги сайлов комиссиялари тузилади?

Кичик сержант Олим БЕРДИЕВ.

Бунга жавобни Қонуннинг 4-моддасидан топиш мумкин. Мазкур моддада сайловнинг сайлов комиссиялари томонидан ўтказилиши тартиби кўрсатиб ўтилган. Шунга биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказишни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари таъминлайди.

Марказий сайлов комиссияси «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ тузилади.

Округ сайлов комиссияларининг аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кегашлари тавсиясига биноан Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланади.

Участка сайлов комиссияларининг аъзолари халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари тавсиясига биноан тегишли округ сайлов комиссиялари томонидан тасдиқланади.

Шунингдек, мазкур Қонунга биноан сайловчиларнинг бир қатор ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам белгилаб берилган. Бу хусусда газетамизнинг кейинги сонларида батафсил маълумот бериб ўтамиз.

Толмас ҚУРБОНОВ тайёрлади.

ВАТАНГА ХИЗМАТ – МУҚАДДАС БУРЧ

Ибрат

ЭЗГУЛИК САРЧАШМАСИ

Эрта тонгдан юртимиздаги нуфузли олий ҳарбий илм маскани – Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти яна бир шодиёна мезбони бўлди. Пойтахтимиздаги қатор мактаблар ва меҳрибонлик уйлари қошида «Алфа тренинг» ташкилоти раҳнамолигида ташкил этилган ҳарбий-спорт синфлари тарбияланувчиларининг қасамёд қабул қилишига бағишланган тадбирда қатнашиш учун давлат ва жамоат ташкилотларининг ходимлари, ота-оналар, ҳарбий хизматчилар ва журналистлар ушбу қутлуғ даргоҳга ташриф буюрдилар.

Даставвал эгниларига кийган ҳарбий либослари ярашган ўқувчилар она Ватанига муносиб фарзанд бўлиш учун қасамёд қилдилар. Сўнгра ҳозирданоқ ҳарбийларга хос қатъий интизом ва талабларга ўзларида кўникиш ҳосил қилишга улгурган болажонларни олий ҳарбий билим юрти қўмондонлиги, маҳаллий ҳокимлик мутасадди раҳбарлари, ота-оналар табрикладилар. Уларни таълим-тарбия жараёнларида фаол бўлишга, ўқитувчи ва мураббийларининг берган сабоқларини мустаҳкам эгаллашга, пировардида ҳаётда, эзгу ниятли инсон бўлиб камолга етиш учун курашга чорладилар.

Ҳарбий-спорт синфлари тарбияланувчилари байрам иштирокчиларига мустақил Ватан, муқаддас замин, мўътабар ота-она, чин дўстликни мадҳ этувчи саф қўшиқларини ижро этдилар. Турли спорт ўйинларидан намуналарни моҳирона намойиш қилдилар.

– Бугунги ўзига хос байрам тадбирида ота-оналарнинг фарзандлари таълим-тарбиясига бўлган алоҳида эътиборларидан мамнун бўлдик, – дейди «Алфа тренинг» ташкилоти раҳбарининг ўринбосари захирадаги майор Владимир Ванюшкин. – Шогирдларимизнинг мустақил ҳаётнинг ҳар қандай синовидан ишончли ўтишга қодир, ўз салоҳиятига ишонувчан, ҳамиша эзгу ишлар тарафдори ва ҳозиржавоб баҳодир йигитлар сифатида улғайишлари кўнглимизни хушнуд этади.

– Биз ҳарбий-спорт синфларида таҳсил олаётганимиздан фахрланамиз, -дейди Даврон Дўстмуродов. – Уч йиллик курс мобайнида нафақат маънан етук, балки жисмонан бақувват, мустаҳкам иродали, интизомли ва албатта маълум бир спорт турининг ҳақиқий соҳиби бўлиб камолга етиш учун интиламиз.

Майор Алишер МАҲКАМОВ, Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.









МАҲОРАТЛИ ПОСБОН, МАҲОРАТЛИ БЕКА



Офицер Абдураҳмон Ботиров хизмат қилаётган ҳарбий жамоа мавсум машғулотларининг илғорларидан саналади. Чунки бу ерда касбига садоқатли фидойилар хизмат қилишади. Ана шундай фидойилардан бири шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Гулбаҳор Тўйчиевадир.

Гулбаҳорнинг алоқачилар мăхсус курсини битириб, Қуролли Кучлар сафида хизмат қилаётганига ўн бир йилдан ошиб қолди. Бу чакана давр эмас. Ҳарбий хизматга келишига турмуш ўртоғи офицер Султонали Тўйчиев сабаб бўлган. Унинг ўзи эса хавотир-ҳадик тўла дастлабки хизмат кунларини эндиликда енгилгина кулиб эслайди:

– Аёл кишининг ҳам армияда хизмат қилиши менга бироз ғайритабиий туюлган, – дейди у. – Ахир мен оддийгина қишлоқ қизи эдим. Аёлнинг ўрни уйда, фарзандлари тарбияси билан шуғулланиш учун ишламагани маъқулдек кўринарди. Хизматга ҳам кирдим, фарзандлар тарбиясига ҳам улгурдим, яхши одамлар орасида яхши дўстлар орттирдим. Армияда ўтган, ўтаётган кунларимдан мамнунман. Мени тушуниб, вақти келганда қўллаб-қувватлаган турмуш ўртоғимдан, сафдошларимдан чексиз миннатдорман. Ҳавас қилса арзирли оилам бор. Тўрт фарзандниг онасиман. Катталари олий даргоҳларда таҳсил олишяпти, кичиклари мактабда. Аёл кишига бундан ортиқ бахт бўлмаса керак.

Кичик командирнинг хизматлари ҳам аъло. Хизмати давомида кўпдан-кўп фахрий ёрлиқ ва Ташаккурномаларга сазовор бўлди. «Қуролли Кучларнинг 15 йиллиги» кўкрак нишони уни айниқса, тўлқинлантириб юборди. Ўтган синов машғулотларида «Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик аълочиси» деб топилди.

Армияни алоқасиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бежизга уни қон томирларига қиёс қилишмайди. Ўқув машғулотларини сифатли алоқа билан таъминлаш мазкур касб эгаларидан чидамлилик, билим ва маҳоратни талаб этади. Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Гулбаҳор Тўйчиева бу борада барча ҳамкасбларига ўрнак бўлиб келмоқда. Ҳар қандай вазиятда ўз вақтида ва сифатли алоқани маҳорат билан таъминлашда қўшган ҳиссаси командирлари ва кузатувчи мутахассислар томонидан эътирофга лойиқ топилди.

Ҳарбий жамоада у каби тажрибали алоқачилар талайгина. Шартнома бўйича хизмат оддий аскарлари Гуласал Тўраева, Гулнора Бурҳоновалар билан бир неча йиллардан буён елкама-елка туриб хизмат вазифаларини аъло даражада ўтаб келмоқдалар.

Ўтган йиллар кичик командир учун тажрибали алоқачи сифатида шаклланиш, тобланиб, сайқалланиш даври бўлди. Бир вақтлар аёллар ҳам армияда хизмат қиладими, дея ажабланган Гулбаҳорни бугун устоз сифатида тан оладиган ёшлар ҳам кўпчилик.

– Бирорта арзимас ишимизни ҳам мақтаб алоқа сирларини янада чуқурроқ ўрганишга ундайдилар, – дейди шартнома бўйича хизмат оддий аскари Навбаҳор Ортиқова. – Талабчан, самимий устоз. Уларнинг кўмагида хизматнинг унча-мунча мураккабликлари ҳам билинмади. Мен ҳамиша устозимнинг ишончини оқлашга интиламан.

– Энг аввало инсонда масъулият ҳисси кучли бўлмоғи керак, деб қайта-қайта такрорлайдилар, – дейди шогирдлардан яна бири шартнома бўйича хизмат оддий аскари Роза Гайнанова. – Уларнинг фикрича, бу борада аёл-қизлар йигитларга ўрнак бўлишга арзир эканлар. Масъулият ҳиссини теран англайдиган посбон хизматида нуқсон бўлмаслигини устозимиз фаолиятига назар ташлаб ҳам билиш мумкин.

Бугун устоз сифатида тилга олинаётган Гулбаҳор яхшигина оила бекаси ҳамдир. Ўзлари туғилиб ўсган Андижоннинг Маслаҳаттепа қишлоғида ҳарбийлар оиласини ўзгача ҳурмат билан қаршилайдилар. Бу ерда уларга ҳавас қилиб ҳаётларини армия билан боғлаган ёки боғлашга аҳд қилган ўғил-қизлар кўп. Қўша-қўша фарзанд тарбиялаб, фидокорлик билан хизмат қилиб, Ватан олдидаги масъулиятли бурчларини шараф билан ўтаётган ана шундай оилаларимиз сафи янада кенгаяверсин.

Инобат ИБРОҲИМОВА, «Ватанпарвар» мухбири.

СИЗ БОРСИЗКИ, ҚАЛБЛАРДА ЗИЁ

Қуролли Кучларимиз қисм ва бўлинмаларида Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишланган тадбирлар, анжуманлар, давра суҳбатлари ва учрашувлар уюшқоқлик билан ўтказилди. Қутлуғ байрам шодиёнаси Чирчиқ гарнизони Офицерлар саройида ҳам кенг тантана қилинди. Йил сайин халқимиз учун қадрли санага айланиб бораётган ўзига хос қутлуғ кунни нишонлаш учун коллеж, лицей, мактаб каби қатор таълим-тарбия муассасаларининг ўқитувчи ва мураббийлари, давлат ва жамоат ташкилотларининг мутасадди ходимлари, талабалар ва ўқувчилар ҳамда уларнинг ота-оналари ташриф буюрдилар.

Тадбирда сўзга чиққанлар жонкуяр, фидойи ва ғамхўр ўқитувчи ва мураббийларни касбий байрамлари билан табриклар эканлар, уларга самимий тилакларини изҳор этдилар. Ёш авлодни она юртига юксак муҳаббатли ва ҳақиқий ватанпарвар шахс сифатида тарбиялашдек мураккаб, аммо шарафли ишда жонбозлик кўрсатаётганликлари учун устозларга миннатдорчилик билдирдилар.

– Ватанимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, келажагимиз эгалари бўлмиш ёшларни истиқлол ғояларига садоқатли, соғлом ва баркамол қилиб вояга етказиш, уларга фан асосларини ва замонавий билимларни ўргатишдаги фидокорона меҳнатингиз учун сизга таъзимдамиз, – деди Чирчиқ шаҳри ҳокимининг ўринбосари – Хотин-қизлар қўмитаси раиси Шоҳида Ирисметова. – Илк бор бизга она, Ватан каби муқаддас каломларни ўргатган, етук инсон бўлишимиз йўлида астойдил курашган ўқитувчи ва мураббийларимизни бир умр олқишласак кам. Зеро, барчамизга илму маърифат, тарбия, катта ҳаёт сабоғини ўргатган устозларнинг ўгиту, панд-насиҳати умр йўлимизни, қалбимизни мунаввар этади.

Тадбирда ўғил-қизларни халқимизга садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги руҳида тарбиялаш, таълим-тарбия жараёнларига замонавий услубларни жорий этишда жонбозлик намуналарини кўрсатаётган бир гуруҳ ўқитувчи ва мураббийларга фахрий ёрлиқлар ва эсдалик совғалари топширилди.

Жажжи болажонлар ўзларининг шеър ва қўшиқлари, жозибадор рақслари билан устоз-мураббийларни олқишладилар. Байрамга таниқли санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар ўзгача файз бахшида этди.

Майор Жавоҳир СОБИТОВ.

Бдительность – наше оружие

ПОДАРОК ОТ МИНИСТРА

Младший сержант Зафарбек Нуриддинов в составе своего подразделения в дни празднования шестнадцатой годовщины независимости был привлечен к обеспечению охранных мероприятий. При выполнении поставленных задач он показал высокий уровень организованности, проявил решительность, позволившие быть бдительным. Добросовестное исполнение воином своих служебных обязанностей, проявленные при этом настороженность и находчивость были оценены по достоинству: приказом министра обороны Республики Узбекистан младший сержант З.Нуриддинов награжден DVD-плеером.



С первой попытки застать в части младшего сержанта З.Нуриддинова не удалось, он находился в служебной командировке. Такова участь настоящего профессионала, его качественная боевая работа всегда востребована.

– Младший сержант Нуриддинов проходил у нас же срочную службу, – рассказывает о нем заместитель командира части по воспитательной работе офицер Орифжон Джуманазаров. – Именно за исполнительность и дисциплинированность, постоянное стремление к повышению своего боевого мастерства, находчивость и смекалку он был оставлен для прохождения службы по контракту. Приятно сознавать, что время подтвердило правильность нашего выбора.

При личной встрече бросилась в глаза скромность младшего командира. Он сразу же подчеркнул, что в его подразделении очень высокий уровень боевой выучки могут продемонстрировать многие воины.

– Считаю, что это был случай, – рассказывает младший сержант. – Ведь территория, где я несу службу, очень большая, поэтому каждый из военнослужащих, привлеченных к проведенным охранным мероприятиям, выполнял поставленные задачи так же добросовестно. И еще есть у меня верная примета: перед каждым жизненным испытанием звоню маме и прошу ее благословения. Оно всегда мне помогает.

Такое трепетное отношение к матери у парня сложилось отнюдь не случайно. Клара Комилова, когда не стало мужа, одна поднимала на ноги четверых детей. Старший, Завкиддин, трудится в сельском хозяйстве, рядом и дочери, Бахора с Азизой. И только Зафарбек вдали от родного дома. Поэтому маме всегда радостно, когда сын в телефонных разговорах делится с ней весточками о своих успехах в ратном труде.

А еще он считает, что огромная заслуга в этих достижениях принадлежит его четвероногому другу – восточноевропейской овчарке по кличке Багира. Обращаться с этими умными помощниками он научился в Центральном питомнике служебного собаководства Министерства обороны, где проходил службу. Немало уроков обращения с собаками ему преподал сержант Баходир Юлдашев, ставший наставником для военного профессионала.

Этот год запомнится младшему сержанту З.Нуриддинову не только поощрением от министра обороны. Весной, по результатам подобных испытаний, учебное взрывное устройство было найдено им за четыре минуты вместо отведенных по нормативу сорока. Тогда он был награжден Памятным знаком начальника Объединенного штаба Вооруженных Сил Республики Узбекистан, и ему была объявлена благодарность.

Однако недаром говорят, что совершенству нет предела. Младший сержант Зафарбек Нуриддинов, уже прошедший обучение на курсах повышения квалификации в Национальном кинологическом центре Государственного таможенного комитета Республики Узбекистан, не скрывает желания учиться и в школе подготовки сержантов. Единственное препятствие – это нежелание надолго расставаться с любимицей Багирой.

В наше непростое время, когда значимость постоянной бдительности воинов только возрастает, ратный труд таких настоящих профессионалов своего дела, как младший сержант Зафарбек Нуриддинов, является примером для всего личного состава Вооруженных Сил. Это поняли и сослуживцы младшего сержанта, которому ценный подарок от имени министра обороны перед всем строем в торжественной обстановке вручал представитель Объединенного штаба Вооруженных Сил офицер Анвар Неъматов. Внимание командования вдохновило военного профессионала на новые успехи в боевой учебе.

Майор Ермурат АЙНАТДИНОВ.
Фото **автора.**

Сборы

ТЕХНИКЕ – ВНИМАНИЕ

На днях на сборах руководящего состава специалистов вооружения были отработаны плановые вопросы, обсуждены итоги эксплуатации техники и вооружения за истекший период, поставлены задачи на будущее.

Руководители сборов подробно проанализировали итоги эксплуатации техники и вооружения в войсках за истекший период и поставили задачи на ближайшую перспективу.

К участию в сборах привлекались заместители командующих войсками военных округов по вооружению, начальники бронетанковых и автомобильных служб, служб ракетно-артиллерийского вооружения, специалисты по вооружению высших военно-образовательных учреждений, ВПВО и ВВС.

В течение нескольких дней с участниками сборов были проведены показательные и практические занятия по порядку содержания на хранении техники и вооружения, отработке планирования документации и учета техники. На базе одной из воинских частей по элементам был показан порядок работы пункта технического обслуживания и ремонта (ПТОР) в парке боевых машин части. Проведены также занятия по переводу техники на режим эксплуатации в зимних условиях, порядку списания техники.

Руководителями на учебных местах выступали офицеры Главного управления вооружения Министерства обороны. Ими были доведены основные требования приказов министра обороны и начальника Объединенного штаба Вооруженных Сил Республики Узбекистан.

Было также проведено занятие по организации экономии и сбережения моторесурсов и горючесмазочных материалов. Особый акцент был сделан на актуальности вопросов безопасной эксплуатации военного транспорта.

Для участников сборов были организованы также посещение военно-образовательных учреждений и предприятий. В Чирчикском высшем танковом командно-инженерном училище их ознакомили с новыми танковыми тренажерами, кафедрами училища, огневым городком, музеем учебного заведения.

По итогам сборов были проведены зачеты на знание основных требований нормативных актов и руководящих документов, поставлены задачи на предстоящий учебный период.

Наш корр.

БИРИНЧИ МУАЛЛИМ

Илк бор мактаб остонасига қадам қўйган кунларини бошқалар қандай эслашади, билмадим, аммо менинг кўз олдимга олтиндай товланиб пишадиган улкан ўрик мевалари келади. Негалигини билмадим, ўшанда ўрик дарахтлари остига қўйилган ўриндиқларда ўтириб машғулотларни тинглаганмиз. Унда исм-фамилиямиз, ака-опаларимиз ҳақида сўрашган, дафтар-китоб ҳақида тушунтиришган ва биттадан қалам тарқатилган эди.

Мен яна қишлоқ ва мактаб орасидаги икки томони тут дарахтидан иборат узундан узоқ қор босган йўлни эслайман.

Яна охири-кети кўринмас, кирганда одам адашиб қолиши мумкин бўлган коридорни ҳам эслайман. Жуда савлат тўкиб турадиган, кўнгилга озгина ваҳима ҳам соладиган юқори синф болалари ўқийдиган «катта корпус»ни хотирлайман. Албатта, бу менинг гўдак тасаввурим, таассуротларим маҳсули. Охирикети кўринмас коридор бу – нари борса ўнта чиқадиган бошланғич синф болалари таҳсил оладиган синфхоналар эди. Ёки «катта корпус» — булар ҳаммаси оддийгина қишлоқ мактаби ҳақида илк болалик таассуротларидир. Бир қаватли, атрофи боғ-роғ, гулзор бўлган мазкур маскан ҳамон ўшандай, оддий, унча катта бўлмаган, учта қишлоқ боласини бағрига олган, эрта-кеч ҳаёт қайнаб турадиган эскигина мактаб – менинг мактабим. Умримнинг энг мусаффо, тоза, беғубор дамларининг гувоҳи, кўнглимни ёркин орзуумидларга тўлдирган, жон қадар азиз, қадрли даргоҳ бу.

Яна энг муҳими ҳақида гапиришни, эслашни лозим топдим. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсам, дунёдаги энг яхши инсон ҳақида уларнинг касб байрамлари куни сизларга ҳам айтгим келди. Мен биринчи муаллимим Бозор ака Ҳасановнинг ёшларини ўйлаб ҳам кўрган эмасман. Бунинг устига уларнинг мактаб ва болалардан бошқа ташвишлари ҳам борлигини умуман сезмаган эканман. Улғайганимдагина севимли устозимни ҳаёт унчалик ҳам сийламаганини, оғир жудоликларни бошидан ўтказганини билдим. Иродасининг пўлатдан бўлганлигини эндигина англаяпман.

Сочларига эрта оқ оралаган Бозор ака бизнинг тасаввуримизда чиройли инсон ҳам эдилар. Болаликнинг тасаври ҳам гўзал. Сизга улкан ўрик дарахтлари ҳақида айтган эдим. Уларнинг айримлари ҳозир ҳам сақланиб турибди. Аммо уларга қараб улкан сўзини ишлатиб бўлмаслигини биламан. Боғда барчани ажаблантириб бўлғуси ўқувчиларига ўрик қоқиб берадиган ҳам Бозор ака эдилар. Кутилмаган сайрлар уюштириш ҳам фақат уларнинг қўлидан келарди. Ҳаммани ўзига хос эркалаб, кайфиятни кўтаришни ўрнига қўярдилар. Улар ўқитган болаларнинг кўпчилиги математика фанига алоҳида иқтидорли эди. Бу ҳақда бизга ҳаяжон билан сўзлар ва беихтиёр бизда ҳам уларга нисбатан ҳавас қўзғатар эдилар. Ифтихор ҳисси акс этиб турган ҳаяжонларида даъватни ҳам сезиш мумкин эди. Бугун турли масъулиятли вазифаларда ишлаб келаётган кўплаб инсонлар ҳам биринчи муаллимлари Бозор ака Ҳасановни ҳурмат билан эслашлари табиий.

Қор босган узундан-узоқ йўл қандай босиб ўтилганини сезмай қолар эдик. Улар билан йўлнинг олислиги ҳам, ҳаво совуқлиги ҳам билинмасди. Йўл бўйи бола каби биз билан ўйнаб, яйраб куладиган инсон ҳақида ўйлар эканман, уларни бир неча соатлик машғулотлар чарчатмаганига, камига яна биз билан қорбўрон ўйнаб, кулгули воқеалар топиб айта олганларига ҳамон ажабланаман. Дард-ҳасратлари кўнглини оғир тош каби босиб ётса-да, бирор марта биз ўқувчилар уни ўзи билан ўзи овора ҳолда кўрмадик. Мактаб, ўқувчилари унинг учун қайғу-аламлар унутиладиган гўзал дунё бўлган бўлса ажаб эмас.

Шаҳрисабздаги Абдулла Қаҳҳор номли 17- умумтаълим мактабида Бозор ака Ҳасанов каби фидойи инсонлар кўпчилик. Мен улардан фақат биринчи муаллимим ҳақида озгина тўхталдим. У киши ҳозир нафақадалар. Ҳазрат Навоий устоз ҳақида шундай лутф қилган эдилар. «Ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила, Айламак бўлмас адо оғинг ҳаққин юз ганж ила». Албатта, азиз ўқитувчим юқоридаги сатрларни бир неча юзлаб собиқ ўқувчилари кўнглидаги эҳтиром, ҳурмат деб билишларини истардим. Касб байрамлари билан самимий қутлаб, бундан кейин ранж кўрмай ҳаётлари осудаликда, набиралари ва шогирдлари ардоғида ўтишини тилаб қоламан.

Инобат ЗИКРИЛЛАЕВА, Шаҳрисабз тумани.

ASKAR BO‘LAR YIGITNING MARDI

Munosabat


SHIJOATLARGA ILHOM

Ma’lumki, harbiy xizmat nufuzining oshishi va harbiylikning mamlakatimizda tobora havas qilsa arzigulik sohaga aylana borishida muddatli harbiy xizmatni o‘tayotgan askarlar uchun belgilangan imtiyozlarning ham o‘ziga xos ahamiyati bor. Bu hol yoshlarimizni sharafli sohaga ko‘proq qiziqtirish bilan birga ayni chog‘da yurt koriga kamarbasta bo‘layotgan fidoyilar hamma vaqt hukumatimiz e‘tiborida ekanidan dalolatdir.

Kuni kecha askarlarimiz uchun yana bir quvonchli voqea yuz berdi. Ya’ni mamlakatimiz Prezidenti – Qurolli Kuchlarimiz Oliy Bosh qo‘mondoni I. Karimov Farmoniga binoan joriy yilning 1 oktyabridan boshlab muddatli harbiy xizmatni o‘tayotgan xizmatchilarning lavozim maoshlari 1,15 baravar oshirildi. E’tibordan ruhlangan askarlarimiz mazkur voqeani katta quvonch bilan qarshi oldilar.

– Yurtboshimizning ushbu Farmoni biz askarlarni g‘oyat to‘lqinlantirib yubordi, – deydi muddatli xizmat oddiy askari Orif Temirov. – Safdoshlarim nomidan ishontirib ayta olamanki, ushbu g‘amxo‘lik bizni yanayam g‘ayrat-shijoatli bo‘lishga, jasoratu matonatga undaydi. Biz albatta, buning uchun munosib xizmatlarimiz bilan javob qaytaramiz.

O‘z muxbirimiz.
Komoliddin TO‘RAYEV suratga olgan.



E’TIBORDAN RUHLANIB

Yurtboshimiz Farmoniga muvofiq biz, muddatli harbiy xizmatni o‘tayotgan askarlarning lavozim maoshimiz 1,15 baravar oshirilgani hukumatimiz tomonidan ko‘rsatilayotgan e’tiboru g‘amxo‘rlikning amaldagi ifodasidir. O‘ylaymanki, bu kabi o‘zgarishlar islohotlar izchil olib borilayotgan va professional asosda shakllanayotgan milliy armiyamizda xizmat qilayotgan har bir yurt posbonini ruhlantirmasdan qolmaydi.

Ayonki, bu hol barchamizning kuchimizga kuch, g‘ayratimizga g‘ayrat qo‘shdi. Harbiy sohaning yurtimizda tobora obro‘-e’tibori oshib, mavqei yuksalib borayotganini yana bir bor his etdim.

Albatta, o‘z o‘rnida biz ham bu kabi e’tiborga munosib bo’lib, burchimizni yana ham sifatli va ishonchli ado etishimiz kerak, deb o‘ylayman. Zero, ko‘rsatilayotgan g‘amxo‘rliklar zamirida avvalo, bizga bo‘lgan yuksak ishonch mujassamdir.

Oddiy askar Sobir ORIPOV.

MAQSAD SARI INTILIB



Yigitlik burchi, armiya xizmatining bugungi nufuzi xususida ko‘p bora so‘z yuritamiz. Biroq har gal ko‘ksimizni g‘urur va hayajon egallaydi. Buning sababi bitta. Ya’ni, mustaqil yurtimizning o‘z milliy armiyasi, uning jahonga bo‘y ko‘rsatayotgan sheryurak o‘g‘lonlari kimning qalbini iftixorga to‘ldirmaydi, deysiz! Sizga hikoya qilmoqchi bo‘lgan oddiy askar Ixtiyor Fazliddinov ham mana shunday olovqalb posbonlarimizdan.

Sir emaski, muddatli xizmatga sinovlar yildan-yil katta talablar asosida amalga oshirilmoqda. Va albatta, posbonlarga ko‘rsatilayotgan g‘amxo‘rlik va e’tibor ham o‘zining yuksak e’tirofiga ega. Ularni armiya safiga kuzatuv marosimlaridan tortib, xizmat jarayonida berilayotgan saboqlar, zaxiraga bo‘shatilgan yigitlarni ish bilan ta’minlash, oliy bilim dargohlarida ta’lim olishlari uchun tavsiyanomalar berish kabi bir qator e’tiborga loyiq yangilanishlar bugun amalda. Biroq o‘g‘lonlarimiz uchun eng asosiysi, ularni yigitlik burchiga loyiq topilishlaridir.


Lavhamiz qahramoni bo‘lmish Ixtiyorjonga bu borada omad kulib boqqan, deyishga haqlimiz. Uning sinovlaridan muvaffaqiyat bilan o‘tib, yurt tinchligini asrashdek sharafli ishda javlon urayotganiga mana, olti oy bo‘layapti.

– Namangan viloyatining Uchqo‘rg‘on tumanidan xizmatga chaqirilganman, – deydi u mamnuniyat ila. – Xizmatda kechgan dastlabki oylar men uchun haqiqiy sinov onlari bo‘ldi. Posbonlik burchini mukammal egallash men o‘ylagan darajada oson emasligini, buning uchun bilim va iqtidor, tinimsiz harakat va iroda zarurligini anglab yetdim. Hozirda a’lochi posbonlar safida bo‘lish uchun astoydil intilayapman. Jangovar postda turish katta mas’uliyat talab etishi sir emas. Buning uchun posbon harbiy nizom talablarini mukammal egallashi lozim. Xizmatda kechayotgan har bir jarayon bizni hayotga tayyorlab borayotganligini his qilaman. Yigit kishi uchun zarur bo‘lgan qat’iylik, kuchli va irodali bo‘lish, Vatan, el-yurt va oilang himoyasiga qodirlik kabi ulug‘ xislatlar bizga xizmat jarayonida singdirib borilmoqda. Harbiy qismimizda posbonlarning bo‘sh vaqtini maroqli o‘tkazishlariga ham alohida e’tibor qaratilgan. Men bunday onlarda sport bilan shug‘ullanishni, kitob mutolaa qilishni yoqtiraman. Do‘stlarim oddiy askarlar Baxtiyor G‘oziyev, Ravshan Botirov, Furqat Eshimovlar bilan birgalikda sportning qo‘l jangi yo‘nalishi bilan shug‘ullanamiz. Maqsadim, xizmat burchimni talab darajasida uddalab, qo‘mondonlik tomonidan beriladigan tavsiyanomaga ega bo‘lish. Chunki eng yuksak orzularimdan biri oliy bilim dargohida ta’lim olib, o‘zim orzu qilgan sohani egallash.

Yigitlarimizning barchasida bundayin orzular bor. Ixtiyorjon ham talabalar safidan joy egallashi uchun ma’lum ma’noda katta tayanch bo‘ladigan tavsiyanomaga loyiq bo‘lishga intilib turgan posbonlardan biri. Uning xizmatdagi yutuqlari hali oldinda, albatta. Shuningdek, o‘g‘lonini har tong duolari bilan yo‘qlab turadigan onajonisi Zulkabira opa uning xizmatni a’lo darajada o‘tab, bag‘riga yorug‘ yuz bilan qaytishiga ishonadi.

Zulfiya NOSIROVA,
«Vatanparvar» muxbiri.

BILAKDA KUCH, DILDA QAT’IYAT



Harbiy qismlarda askarlarning jangovar tayyorgarligi, aqliy salohiyati va salomatligi bilan bir qatorda ularning jismoniy tayyorgarligiga ham katta e’tibor qaratilmoqda.

Artilleriyachilar harbiy qismida ham jismoniy tayyorgarlik mashg‘ulotlari talab darajasida tashkillashtirilgan. Zamon talablariga mos, keng va yorug‘ sport zali, barcha qulayliklarga ega sport shaharchasi hamda sport trenajyori posbonlar ixtiyorida.

Biz harbiy qism sport trenajyoriga kirganimizda guruh komandirining o‘rinbosari kichik serjant Jasur Umarov posbonlar bilan jismoniy tayyorgarlik mashg‘ulotini olib borayotgan ekan.

– Askarlarda sportga qiziqish juda katta, – deydi kichik komandir. – Ularning ko‘pchiligi xizmatga qadar sportning qaysidir turi bilan shug‘ullanib kelgan. Bu bizga jismoniy tayyorgarlik mashg‘ulotini yuqori saviyada o‘tkazishimizda ancha asqotmoqda.

Ha, mana shunday posbonlardan biri oddiy askar Shaydullo Ustamovdir. U Qamashi tuman mudofaa ishlari bo‘limi tomonidan muddatli harbiy xizmatga chaqirilgan. Xizmatga qadar Qamashi iqtisodiyot kasb-hunar kollejining huquqshunoslik fakultetida o‘qigan. Yohligidan boshlab, sportning milliy kurash turi bilan muntazam shug‘ullanib kelmoqda. Bir necha bor viloyat miqyosida o‘tkazilgan musobaqalarda sovrinli o‘rinlarni egallab kelgan.

– Sportda aynan milliy kurashga mehr qo‘yishimga sabab, – deydi u, – men tug‘ilib o‘sgan qishloqdan juda ko‘plab polvonlar yetishib chiqqan va ular yurt dovrug‘ini dunyoga yoyishgan. Shularga havas qilib, milliy kurash sir-asrorlarini egallab kelyapman. Milliy kurash bo‘yicha ustozim mashhur polvon To‘ra Qo‘ziyevdir. Armiyaga kelgunimga qadar Qamashi tuman milliy kurash klubida yoshlarga ushbu sport turi bo‘yicha murabbiylik qildim hamda o‘z ustimda tinimsiz ishlab, mahoratimni oshirib bordim. Xizmat mobaynida sport bilan shug‘ullanish uchun yaratilgan barcha sharoitlar menga juda manzur bo‘ldi.

– Oddiy askar Sh.Ustamov katta mo‘ljalga oluvchi vazifasida xizmat qiladi, – deydi kichik serjant Umid Hakimov. – U o‘ziga ishonib topshirilgan texnikani ko‘z qorachig‘idek asrab-avaylab, qo‘yilgan topshiriqlarni vaqtida bajaradi. Harbiy soha sir-asrorlarini chuqur egallagan, shu bois ham mavsum o‘quv mashg‘ulotlarida ilg‘orlar safidan joy olib, safdoshlariga o‘rnak bo‘lib kelmoqda.

Darhaqiqat, jismoniy tayyorgarlik mashg‘ulotlari jarayonida oddiy askar Sh.Ustamov komandirning eng yaqin yordamchisidir. Uning ezgu niyati – harbiy xizmatdan tavsiyanoma bilan qaytib, Toshkent davlat jismoniy tarbiya institutiga o‘qishga kirish.

Ahror SHUKURULLAYEV,
Komoliddin To‘rayev suratga olgan.

Sarkardalar sabog‘i

SIPOHIYLARNI ENG QUYI DARAJADAN OLIY MARTABAGACHA KO‘TARISH TUZUGI

(Oxiri. Boshi gazetaning 38-sonida).

Yana amr qildimki, g‘anim tomonidan bizning qo‘limizga har qanday sipohiy asir bo‘lib tushsa, uni o‘ldirmasinlar. Unga ixtiyor berilsin. Agar navkarlikni qabul qilsa, navkar qilsinlar; yo‘q esa uni ozod etsinlar. Bunga misol, men qaysar bilan urushda qo‘lga tushgan to‘rt ming rumlik askarni ozod qildim.

G‘anim sipohiylaridan qaysi biri o‘z davlatining tuzini oqlab, bizga qarshi qilich chopgan, so‘ngra ixtiyoriy ravishda yoki majbur bo‘lib, panohimizga kelsa, bunday askarga ishonib, uni aziz tutsinlar. Chunki u o‘z sohibiga vafodorlik qilib, yegan tuz-namagi haqini saqlagan. Shunga o‘xshash, men ham Sher Bahromga nisbatdan shunday qildim. Amir Husayn bilan bo‘lgan urushda u men bilan yuzma-yuz to‘qnashib, qilich chopqilashdi, keyinroq esa o‘zi ilojsizlikdan mening panohimga kelganida, uni hurmatladim.

Mengli-Bug‘o ham Balx urushida menga qarshi lashkar tortdi. Jang boshlanishidan avval o‘zim tomonga og‘dirish maqsadida unga xat yubordim. U esa Tug‘luq-Temurxonning haqiga ko‘rnamaklik qilmadi va menga qarshi lashkar tortib, erlarcha jang qildi. Oxir-oqibat yengildi. Keyinchalik o‘z ixtiyori bilan huzurimga tizza urib panoh izlab kelganda, uning martabasini ulug‘ladim, iltifotu marhamatlar ko‘rsatdim. Unga qilgan inoyatlarim haqi o‘rtamizdan o‘tgan noxushliklarni butunlay unutdi. Yig‘inlarda uning qilgan bahodirliklaridan so‘zlab ofarin aytar edim. O‘zi aslida er yigit bo‘lgani uchun mening davlatimda ham ko‘p bahodirlik ko‘rsatib, meni mamnun qildi. Ozarbayjon urushida Qora Yusuf bilan to‘qnashganimda lashkarim og‘ir ahvolga tushib qolgandi. Shunda u maydonda o‘lgan Qora Yusufning askar boshliqlaridan birining boshini nayza uchiga sanchib, baland ko‘tardi va lashkarimga uni Qora Yusufning boshi’ deb uni o‘ldiga chiqardi. Bundan lashkarim dadillanib, jangga tashlandi va Qora Yusuf lashkarining qalbiga hujum qilib, Qora Yusufni qochirdi. Bu urushda Qora Yusuf ustidan qozonilgan g‘alabani Mengli-Bug‘o nomiga yozdirdim va uning martabasini oshirdim.

«Temur tuzuklari»dan.

Xavfsizlik – salomatlik asosi

POSBONNING QO‘SH QANOTI

Jangovar texnika va qurol-yarog‘ posbonning qo‘sh qanotidir desak, mubolag‘a bo‘lmas. Bugun posbonlardan qurol-aslaha va jangovar texnikalardan mohirona foydalanishni bilish talab etilmoqda. Ammo har bir harbiy xizmatchi xizmat davomida xavfsizlik texnika qoidalarini bilishi va unga qat’iy amal qilishi eng zarur talablardandir.

Ma’lumki, xizmatni boshlagan yosh askar avvalo, harbiy hayot haqida dastlabki ko‘nikma mashg‘ulotlaridan saboqlar oladi. Bunda Umumharbiy nizomlarni o‘rganish va harbiycha tartib-intizom, komandir va boshliqlarga bo‘ysunish, buyruqlarni so‘zsiz ijro etish, saf tayyorgarligi, qurol-yarog‘ va jangovar texnikalar haqida tegishli ma’lumotlar beriladi. Aynan shu davrda yosh posbon dala-o‘quv mashg‘ulotlariga ham chiqib, o‘qotar qurollardan otish mashqlarini ham bajaradi. Nihoyat, harbiy xizmat haqida tegishli ko‘nikmaga ega bo‘lgan va Harbiy qasamyod qabul qilgan askarlarga komandir va boshliqlar tomonidan jangovar qurol-aslahalar biriktiriladi. Endi u yurtning chinakam qurolli himoyachisi sifatida ma’lum vazifaga tayinlangan. Tabiiyki, zimmasidagi mas’uliyat hissi ham ortdi. O‘ziga biriktirilgan qurolga nisbatan esa g‘oyat e’tiborli bo‘lib, undan foydalanish tartibi, saqlash, tozalash, qismlarga ajratish kabilarni puxta o‘zlashtirib olishi va yo‘riqnomalarga og‘ishmay amal qila borishi zarur.

– Posbonlarga qurol-yarog‘ biriktirilgach, ulardan yuksak hushyorlik, xatolarga yo‘l qo‘ymaslik alohida talab etiladi, – deydi ofitser Farhod Hojixo‘jayev. – Zero, ozgina xato ham qimmatga tushishi hech gap emas. Shu bois mashg‘ulotni boshlashdan avval va bevosita mashg‘ulot davomida ham xavfsizlik qoidalari hamda ishlash tartibi qayta-qayta tushuntirilib, har bir askar takror-takror imtihon qilib boriladi.

Posbon komandirning ruxsatisiz qurolni hatto, qismlarga ham ajratmasligi, jangovar holatga keltirmasligi, o‘qlangan yoki o‘qlanmaganidan qat’i nazar, zinhor odamlar tomonga qarab yo‘naltirmasligi kabilar kundalik eng zarur talablardandir.

– Men o‘zimga biriktirilgan jangovar qurolim bilan yurtimni, yurtdoshlarimni, ota-onam, do‘stlarim va barcha yaqinlarimni, eng muhimi, osoyishtaligimizni qo‘riqlayman, – deydi oddiy askar Sardor Soataliyev. – Buni his etish qalbimga surur bag‘ishlaydi va qurolimga mehrim ortadi. Komandirlarimizning o‘rgatganlari asosida esa xizmatim davomida uni hamisha yaqin do‘stimdek asrab-avaylashim zarurligini va qonun-qoidalarga og‘ishmay amal qilishim kerakligini tushunib yetdim.

Bundan tashqari yurt himoyasi yo‘lida xizmat qilishdek ezgu maqsadga shaylangan o‘g‘lonlarimiz dala-o‘quv mashg‘ulotlarida va jangovar texnikalardan foydalanish jarayonida ham tegishli tartib-qoidalarga amal qilib, zinhor xatoga yo‘l qo‘ymasliklari kerak. Deylik, issiq ob-havo sharoitida dala mashg‘ulotlari o‘tkazilmoqda. Tushlik va dam olishga bir oz vaqt berildi. Ana shunday vaziyatda texnikalarning tagida soyalash yoki dvigateli ishlab turgan mashinada uxlab qolish nafaqat o‘ziga, balki boshqa safdoshlari uchun ham noxush oqibatlarga olib kelishi hech gap emas. Shu bois ham ko‘zda tutilgan tartib-qoidalarga rioya etish o‘zining va o‘zgalarning xavfsizligini ta’minlash demakdir. Zero, har bir harbiy xizmatchi Vatan himoyachisi, degan sharafli nomga faqat ishonib topshirilgan qurol va harbiy texnikani ishonch bilan egallagan, uning moddiy qismlari haqida mustahkam bilimlarga ega bo‘lgan hamda qurol-aslaha va harbiy texnikalar bilan ishlagan vaqtda xavfsizlik qoidalariga so‘zsiz rioya qilgandagina loyiq bo‘ladi.

Katta leytenant Yoshin HAKIMOV,
«Vatanparvar» muxbiri.

«Skaygard»

HAVODAGI NISHONLARGA QARSHI

Kichik masofalarda harakatlanish uchun mo‘ljallangan «Skaygard» rusumli zenit-artilleriya kompleksi turli variantlarda Avstriya harbiy havo kuchlari, shuningdek, Argentina, Kanada, Misr, Gretsiya, Malayziya, Saudiya Arabistoni, Ummon, Birlashgan Arab Amirliklari davlatlari armiyalarining zenit-artilleriya polklari qurollari tarkibidan joy olgan. Mazkur kompleks – Shveytsariyaning «Erlikon kontraves» va Janubiy Afrika Respublikasining «Kentron» firmalarining hamkorlikdagi sa’y-harakatlari samarasidir.

Kompleks «Skaygard-2» rusumli qurolni boshqarish stantsiyasi va juftlashtirilgan 35 mm.li GDF zenit to‘pidan tashkil topgan. U pastroq balandlikdagi havo nishonlariga qarshi kurash uchun mo‘ljallangan. Nishonlarni aniqlovchi radiolokatsiya tizimi 20 km.gacha uzoqlikdagi havo nishonlarini aniqlash imkonini beradi, bir vaqtning o‘zida kuzatilayotgan 20 tagacha nishonlarni aniqlaydi va ularning xavflilik darajasini baholaydi, kuzatuvchi radiolokatsiya tizimiga nishonni aniq ko‘rsatib beradi. Monoimpulsli kuzatuvchi radiolokatsiya tizimi 18 km.gacha bo‘lgan uzoqlikdagi nishonlar ortidan to‘xtovsiz kuzatuvchi ta’minlaydi. Optik-elektron modul (TV-kamera, lazer masofa o‘lchagich) havo nishonlari azimut, joy va uzoqlik burchagi bo‘yicha aniqlash va kuzatib borishni ta’minlaydi. Avtomatlashtirilgan o‘t ochishni boshqarish punkti (EHM, raschet komandiri va operatorning boshqaruv pulti, ma’lumotlar berish apparaturasi, aloqa vositalari) 4 tagacha o‘t ochish vositalarini boshqarish imkonini beradi.

Kompleksning asosiy taktik-texnik tavsiflari: nishonlarni yo‘q qilish uzoqligi va balandligiga mos ravishda 0,5 – 4 km. va 0,25 – 3,5 km., maksimal otish uzoqligi 12,8 km., kurs parametri 3,5 – 4 km., nishonlarning maksimal tezligi 400 m/s, to‘pning otish tezligi daqiqasiga 2X550 otish. Jangovar holatga o‘tkazish vaqti – 10 daqiqagacha. Azimut bo‘yicha o‘qqa tutish burchagi 360 S, joy burchagi bo‘yicha – 5X95 S gacha. Kompleksni transportirovka qilish uchun Avstriyada ishlab chiqarilgan, o‘ta murakkab yo‘llardan ham yura oladigan OA/ 20.320 rusumli avtomobildan foydalaniladi.

(«Zarubejnoye voyennoye obozreniye» jurnali asosida tayyorlangan).



Intizom ilg‘orlikka yetaklar

SHARAFLI NOMGA MUNOSIB BO‘LING

Mana, adolatli ko‘rik-tanlov hamda puxta sinovlar asosida saralar ichra saralar sifatida tanlab olingan o‘t-olov yigitlar shoir aytganiday, har bahor, har kuzda ko‘cha to‘ldirib, yana jangovar saflarga yo‘l olishmoqda. Endi askar degan sharafli nomga erishgan har bir o‘g‘lon Vatan posboni, el-yurt himoyachisidir. Uning zimmasida ustuvor vazifa hamda ulkan mas’uliyat bor. Shu bilan birgalikda askarlar o‘z burch va majburiyatlarini ham yaxshi anglab olishlari ayniqsa, muhim.

O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlarining harbiy xizmatchilari xizmat faoliyatida qonunlar, harbiy nizomlarning talablariga amal qiladilar va siyosiy maqsadlarni ko‘zlovchi boshqa jamoat tashkilotlari va birlashmalarning faoliyati bilan aloqador bo‘lmasliklari lozim.

Harbiy xizmatchi Harbiy qasamyodiga sodiq qolishga, o‘z xalqiga fidoyilarcha xizmat qilishga, davlatimiz mustaqilligi va hududiy yaxlitligimizni matonat, jasorat bilan himoya qilishga, konstitutsiyamiz va qonunlarimizga, Umumharbiy nizomlarga rioya etishga majbur. Shuningdek, undan harbiy bilimlarini boyitib borish, ishonib topshirilgan qurol-aslaha va texnikani bilish, ko‘z qorachig‘idek asrash, askariy birodarlikni e’zozlash, askariy yurish-turish odobi qoidalariga rioya qilish, halol, intizomli, jasur bo‘lish, komandir va boshliqlarga so‘zsiz bo‘ysunish talab etiladi.

Harbiy xizmat xavfsizligi talablariga rioya qilishi, xizmat masalalari yuzasidan bevosita boshlig‘iga va uning ijozati bilan maqomi bo‘yicha navbatdagi boshliqqa murojaat qilishi lozim.

Bir so‘z bilan aytganda, harbiy xizmatchi O‘zbekiston Respublikasi himoyachisi, degan yuksak nomni sharaf bilan oqlashga, Qurolli Kuchlarimizning, o‘z harbiy qismining or-nomusi, shon-shuhratini va o‘z harbiy unvonining obro‘sini e’zozlashga majbur.

Askar o‘z zimmasiga yuklatilgan majburiyatlarni va unga berilgan topshiriqlarni aniq va o‘z vaqtida bajarilishi kerak. Shuningdek, u o‘ziga berilgan mulkning saqlanishi uchun ham javob beradi.

Harbiy xizmatchi qismdan tashqarida yurgan paytda ham qadr-qimmati va obro‘sini bilishi, jamoat tartibini buzishga va noharbiy aholiga nisbatan nojo‘ya ishlarga yo‘l qo‘ymaslik kabilarga majburdir.

Bularning barchasi posbonlarning yetuk, o‘z ishining ustasi va mohir bilimdoni, shu bilan birgalikda hamma vaqt xizmatni namunali ado etishlarini ta’minlaydigan muhim shartlar, tegishli intizom qoidalaridir. Zero, tartib-intizom kishini hamisha muvaffaqiyat sari yetaklaydi.

Adliya podpolkovnigi Mahmud YARMATOV,
O‘zbekiston Respublikasi harbiy prokuraturasi bo‘lim boshlig‘i.

ОИЛА – ҲАЁТ ГУЛТОЖИ

ИШОНЧ БУ – МУҲАББАТ ДЕМАК



Оила қуриб фарзанд тарбиялаш бу – табиат қонуни. Бироқ шу оддийдек кўринган ҳаёт фалсафаси бир қатор мураккабликлардан иборат. Буни ҳаёт синовлари дейдилар. Оиланинг мустаҳкамлиги, рўзғорнинг бутлигию уни эл назарида асраш эру аёлдан бирдек маъсулият талаб этади. Қаерда ибратли оилага дуч келсангиз, шубҳасиз унинг «пойдевори» билан қизиқасиз. Бу ўзаро муҳаббатми ёки ишонч, садоқат...

Мен ҳам ҳарбий оилаларда бўлганимда хонадон мувозанатини оғишмай асраб турган тилсим «калити» билан қизиқаман. Ҳарбий шаҳарчанинг намунали оила эгалари – шартнома бўйича тиббий хизмат сержанти Ғуломжон Турдиқулов ва унинг рафиқаси Гавҳархон билан суҳбат жараёнида ҳам айнан шу «синоат»га эътибор қаратдим. Бу борада уларнинг фикри билан ўртоқлашдим. Келинг, хонадон соҳиби ва бекасининг фикрларини келтиришдан аввал ушбу ҳарбий оила билан сизни яқиндан таништирайлик.

Мана, ўн икки йилдирки Ғуломжон оила қўрғонини бунёд этиб, маъсулият ила етакчилик қилиб келаётган бўлса, Гавҳархон саришта уй бекаси, севимли умр йўлдош, меҳрибон оналиги билан унга муносиб елкадош. Одатда эр-хотиннинг бир-бирига меҳри зиёдалигини четдан кузатган ҳар қандай инсон «булар севишиб турмуш қуришганмикан», деган саволга рўбарў бўлади. Бироқ қаҳрамонларим билан суҳбат жараёнида билдимки, бу меҳру муҳаббат икки ёшда тўйдан кейин шаклланган. Яъни Ойсара опа Термиз тиббиёт билим юртини битириб, ҳарбий либосда хизмат бошлаган ўғлига муносиб келинни ўзи танлади. Албатта, бу Ғуломжоннинг розилиги билан амалга ошди. Гавҳархон унинг ҳаётига йигит орзу қилганидек муҳаббат ва садоқат маликаси янглиғ кириб келди, қалбидан муносиб жой эгаллади.

Ҳарбий касб эгалари қайси бир вазифада хизмат қилмасин, юксак масъулият ва мажбуриятга эгалар. Ҳарбий тиббиёт ходими сифатида Ғуломжонда ҳам бундай масъуллик юқори.

– Оиламиздаги олти фарзанд ичида ёлғиз мен ота-онамнинг касбини танладим, – дейди у биз билан суҳбат чоғида. – Мана, ўн тўрт йилдан буён шу соҳада хизмат қилиб келаяпман. Фақат ушбу йўналишда ҳарбийлар сафидан жой эгалладим. Бу мен учун шарафли, албатта. Турмуш ўртоғим ҳам танлаган йўлимни, касбимни жуда ҳурмат қилади. Хизмат бурчим сабаб оиламдан йироқда бўлган чоғларимда ҳам рўзғорга, фарзандларимга жуда эътиборли. Хизматдан қориб қайтган ҳар қандай йигитга рафиқасининг меҳр ила очиқ чеҳра билан қарши олиши, эътиборли бўлиши катта бахт. Оиланинг тўкислиги, эр-хотин ўртасидаги меҳр риштаси шундан бошланса ажабмас. Шунингдек, ўзаро ишончга эга бўлган оила эгалари ўйлайманки, энг бахтли инсонлар. Икки инсон ўртасида мана шу туйғу бўлсагина оила мустаҳкам бўлади.

Ғуломжон ишонч туйғуси ҳақида бежиз сўз очмаганлигини суҳбат асносида англадик. Яъни икки ёш дастлаб оила қуришгач, бир-биридан олисда бўлишларига тўғри келган. Гавҳархон қайнонасини катта хонадонда ёлғиз қолдириб, турмуш ўртоғининг хизмат жойига келишни истамади. Чунки оила қўрғони бўлмиш Шоимбек ака бевақт вафот этгач, Ойсара опа ёлғизланиб қолди. Кенжа ўғли ўқишда, бошқа ҳамма фарзандлари уйли-жойли бўлиб чиқиб кетишган. Бу борада Гавҳархон келинлик вазифасини меҳр ва сабр билан адо этди, қайнонасининг дуоларини олди. Албатта ҳаётининг, қалбининг султони бўлмиш умр йўлдошининг йўлига кўз тутиб яшаш ҳар қандай аёлдан катта сабру қаноат талаб этади.

Хўш, бу борада ҳарбий шаҳарчадаги энг намунали оила бекасининг фикрлари қандай?

– Гоҳида баъзилардан рўзғор тўкин, камчиликлардан холи бўлса шунинг ўзи бахт, деган сўзларни эшитамиз. Бироқ мен бу фикрга қўшилмайман, – дейди Гавҳархон ишонч билан. – Чунки шундай оилаларда ҳам ўзаро ишонч йўқлиги сабаб меҳр-муҳаббат ва ҳурмат йўқолганлигига неча бор гувоҳ бўлганман. Айтмоқчиманки, икки ёш ўртасидаги иноқликда Ғуломжон ака таъкидлаб ўтганларидек, ишончнинг ўрни катта. Ишонч бу – муҳаббат демакдир. Айниқса, биз ҳарбий оила эгалари учун бу туйғунинг ўрни бебаҳо, менимча. Нега деганингизда ҳарбийлар хизмат вазифалари сабаб ҳафталаб, ойлаб оилаларидан йироқда бўлишларига тўғри келади. Бундай онларда ҳар иккала томон учун ҳам сабр ва ишонч зарур.

Ҳа, ушбу хонадон беги ва бекасининг фикри бир жойдан чиққанлигининг ўзи уларнинг бир-бирларига муносиблиги, кўз қароғларида асраётган оилалари эл назарида турганлигидан далолат. Шунингдек, хонадон тўкинлиги ва қувончи ота-она учун азиз неъмат саналмиш фарзандлар билан. Бу борада ҳам лавҳамиз қаҳрамонларига ҳавас қилса арзийди. Орзулари осмон янглиғ беғубор Зарина, Зарифжон ва Фарзоналар ота-оналарининг қувончи, авлод давомчилари. Бешинчи синфда таҳсил олаётган Зарина келажакда ўқитувчи бўлишга аҳд қилган бўлса, Зарифжон офицер бўлишга астойдил бел боғлаган. Халқимизда «қуш уясида кўрганини қилади», деган нақл бор. Қайси оилада ҳарбий касбга нисбатан ҳурмат ва эътибор бўлса, шу оиланинг фарзандлари албатта, ҳарбий либос эгаси бўлишга интилишади.

Биз шартнома бўйича тиббий хизмат сержанти Ғуломжон Турдиқулов оиласи хусусида қисқача сўз юритдик. Сўзимиз якунида қўмондонлик томонидан берилган шинамгина уйда истиқомат қилаётган бу намунали оила йиллар давомида ҳам мана шундек эл ҳурматига сазовор бўлиб яшашлари, ишонч туйғуси уларга доимо ҳамроҳ бўлишига тилак билдирамиз.

Зулфия ЮНУСОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

«Йил аёли»

«ОЛАМГА ТАТИРЛИК СУЮК ҲАМ ЎЗИНГ...»

Аёл борки, олам мунаввар. Аёл — меҳрибон она, маъсума сингил ва вафоли ёр. Яқинларининг яхши-ёмон кунида сирдош, умр аталмиш узун йўлда йўлдош бўла оладиган муниса зот. Бирор хонадонни аёлсиз тасаввур қила оласизми? Албатта, йўқ. Уйингизнинг ёниб турган чироғи-ку, улар. Гарчи ўзи заифа бўлса-да, юрагида бир дунё юкни кўтариб яшашади. Ишингизнинг юришиб кетишини Худойимдан туну кун саҳарда тилаб тургувчи мушфиқа онангиз ҳам ҳазрати аёл-да! Сиз туфайли топган бойлиги – зурриёдларини сизга муносиб қилиб тарбиялашни истаган муҳтарама зот бу!

Ривоят қилишларича, қадимда бутун оламни босиб олишни истаган бир подшо айғоқчиларини дунёнинг тўрт томонига жўнатиб, энг аввало борган жойингизда уларнинг аёлларини кузатинг, дея буйруқ берибди. Айғоқчилар тўрт томонга от чоптириб кетишибди. Ҳеч қанча фурсат ўтмай, ғарбга кетган айғоқчи қайтиб келиб, бу томонинг аёллари пардоз қилишни севишини, кийим-кечакларни хуш кўришини билдирибди. Шимол томонга кетган айғоқчи у томонларда аёлларни мўйнали либослар кўпроқ қизиқтиришини етказибди. Жанубга кетган айғоқчи эса жанубликлар тақинчоқларга ўч бўлишини айтиб келибди. Шарққа кетган айғоқчи эса ҳаммасидан кечикиб келибди. Шоҳ:

– Хўш, шарқлик аёллар қандай экан? – деб сўрабди. Шунда айғоқчи бошини эгганча:

– Мени кечиринг, шоҳим, шунча уринмай, уларнинг юзини ҳам кўролмадим, – деб жавоб қайтарибди. Буни эшитган подшоҳ, аёлларини бу даражада авайлайдиган эркаклар юртини ҳам қаттиқ муҳофаза қилишади. Яхшиси Шарққа юриш қилмаймиз, – деган экан.

Бежизга юқорида аёл зотининг муқаддаслиги ҳақида калом айтмадик. Бизда аёллар ҳамиша эъзозланган, уларнинг оилада ва фарзандлар тарбиясида, шунингдек, жамиятда тутган ўрни ҳам доимо муҳим ҳисобланган.

Хўш, бугунги ўзбек аёли қандай бўлмоғи керак? Оиланинг фаровон, тинч-тотувлигидаги вазифалари нималардан иборат? Аёл гўзаллиги, бетакрорлиги ва шарму ҳаёси нафақат ўзларининг, балки кўҳна Шарқнинг ҳам тенги йўқ жавҳари, топилмас гавҳари ҳисобланади.

Жорий йилда Республикамизда илк маротаба ўтказилаётган “Йил аёли” миллий кўрик танлови ана шундай юксак қадриятларимизни янада кенгроқ тарғиб этиш, аёлларнинг жамиятдаги фаоллигини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш каби қатор вазифаларни белгилаб олган. “Аёллар кенгаши” жамоат бирлашмаси томонидан июль ойида ушбу танловнинг ўтказилиши ҳақидаги қарорнинг қабул қилиниши хайрли ишнинг ибтидоси бўлди, десак янглишмаймиз. Шу ўринда “Аёллар кенгаши” жамоат бирлашмаси ҳақида икки оғиз тўхталиб ўтсак.

Ушбу нодавлат-нотижорат ташкилот 2005 йилда оила, соғлом оналик, ўсиб келаётган ёш авлодни муносиб тарбиялаш йўлида аёллар ташаббуси билан ташкил этилган эди. Ташкилотнинг олдига қўйган мақсади эса аёллар, уларнинг оилаларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, оилавий шароитда ва ишда ўз истеъдод ва иқтидорларини намоён этишлари, соғлом мулоқот ва фойдали ҳордиқ чиқаришлари, фарзандларига керакли шарт-шароитларни яратиб беришга бўлган интилишларини ошириш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий ва интеллектуал ривожланишига ёрдам берувчи лойиҳаларни амалга оширишдан иборатдир.

“Йил аёли” миллий танлови иболи Шарқ аёли қиёфасини гавдалантириш, танлов орқали унинг меҳрибон она, ажойиб пазанда ва гўзал уй бекаси эканлигини, қийинчиликларга қарамасдан ўзининг эзгу хислатларини йўқотмаган, аксинча, уларни фарзандларига ҳам сингдиришга ҳаракат қилаётган чинакам меҳр-саховат соҳиби сиймосини кўрсатишдан иборат. Танлов уч босқичда ўтказилмоқда:

Саралаш босқичи “Аёллар кенгаши” ташкилотининг вилоят бўлимларида ариза-сўровномаларни қабул қилиш ва ўтказишдан иборат бўлиб, танловнинг илк маротаба ўтказилишидаёқ шаҳар-туманлардан ўртача ҳисобда 15-20тагача ариза-лар қабул қилинди. Агар рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, Андижон вилояти бўйича жами 650 та, Фарғона вилояти бўйича 400, Термизда эса 700 га яқин ариза қабул қилинди. Бу дегани республика миқиёсида 5000 га яқин аёлларимиз танловда иштирок этиш истагини билдирдилар. Шундан ҳам кўриниб турибдики, танлов жамиятдаги фаол аёлларимизда катта қизиқиш уйғотди. Танловнинг вилоят босқичлари Бухоро, Андижон, Самарқанд, Қашқадарё, Тошкент ва бошқа барча вилоятларимизда байрамона тарзда ўтказилди. Саралаш босқичида аёллар:

“Оиламиз анъаналари”;
“Ширин хаёллар”;
“Уйимдаги энг шинам жой”;
«Уй вазифаси» каби шартлар бўйича беллашишди.

Кейин эса **вилоят**, сўнгра якуний **Республика босқичи** ўтказилади. Бунда танловнинг вилоят босқичлари ғолиблари пойтахтда йиғилиб, финалда иштирок этишади. Финал шартларига кўра, аёллар яна бир бор ўз маҳоратларини республика ҳакамлар ҳайъати эътиборига ҳавола этадилар ва улар томонидан берилган саволларга жавоб берадилар.

Ўзининг дилбарлиги, назокату-нафосати билан донг тараётган, оламнинг бешигини тебратаётган аёлларимиз мадҳини янада юксакроқ кўтаришга хизмат қилувчи миллий танлов “Йил аёли”нинг келгусида истиқболи порлиқ эканлигига ишонамиз. Танловнинг якуний тақдирлаш маросими ноябрь ойининг охирида пойтахтимизда бўлиб ўтади.

Абдусалом СИДДИҚОВ.

БЕКАЛАРГА БИР ОҒИЗ СЎЗ

Икки ёш умр йўлини ширин орзулар оғушида боғлаши сир эмас. Бундай онларда эзгу хаёллар кўксингни бахт эпкини билан масрур этади. Ўзингни бир қадар улғайгандек ҳис қиласан. Бу – ҳаётда ўз жуфтингни топиб жамиятда мукаммал ўрин эгаллаётганингдан далолат. Бироқ оила қурган ҳар бир йигит-қиз олдидаги бурч ва масъулият энди кескин даражада ортиши табиий ҳол. Ва албатта, янги ҳаётга қадам қўйган ёшлар келажакда енгиб ўтишлари лозим бўлган ҳаёт синовларига тайёр бўлмоқлари лозим.

Биз ушбу суҳбатимизни ёш оила бекаларига ва айнан ҳарбий хизматчиларнинг суюкли рафиқаларига бағишлашни лозим топдик. Келинг, шу ўринда мақоламиз муқаддимасида келинлик вазифаси хусусида ҳам қисқача сўз юритиб ўтайлик. Чунки ҳар биримиз янги оиладаги илк мажбуриятларни қайнона онамиз ҳузурида бошлаганмиз.

Агар чуқур ўйлаб қаралса, узатилаётган қиз бўлажак турмуш ўртоғи хонадонига малика сифатида кириб боради. Аммо оиланинг суюкли ўғлони рўзғорига бекалик қилиши учун у ўзига хос ҳаёт «имтиҳон»ларидан ўтиши лозим. Булар оиладагиларга нисбатан чуқур ҳурматни асраш, ширинсуханлик, пазандалик ва озодаликка бош бўлиш, оила сирини сақлаш ва ҳоказо. Мана шу «имтиҳон»лардан оғишмай ўтган келингина янги оиласида ўз ўрнига муносиб эга бўлиши мумкин. Шу ўринда янги келинчак учун қайнонанинг «ҳаёт мактаби» ҳам заруратки, у оила муҳитига мослашиши, янги рўзғорнинг қонун-қоидаларини, рўзғор тутимини оғишмай эгаллаши, рафиқалик бурчини уддалаши учун дастуриламалдир. Умуман олганда ёш оилаларни бир муддат катталар кўз ўнгида, эътиборида тургани фойдадан холи эмас. Лекин ҳарбий оилаларнинг деярли барчаси йигитларимизнинг хизмат бурчи сабаб ота-оналаридан йироқда яшашларига тўғри келади: Юртимизнинг турли ҳудудлари, турли шароитларда истиқомат қилаётган бу ёш оила бекаларининг янги шароитга кўникишлари осон эмас, албатта. Шунинг учун биз бир қатор ўгитларни, тўғрироғи, оила иқлимини гўзал асраш сирларини уларга тавсия қилишга қарор қилдик.


Аёл ҳақида сўз кетганда асрлар давомида шаклланган бир таърифга урғу бермай илож йўқ. Яъни аёл – сабрдан яралган. Хўш, бу сабр нималардан иборат? Агар буни ҳарбий оила бекалари тимсолида кўрадиган бўлсак, аввало улар турмуш ўртоғининг хизмат вазифаси қаерда давом этса, ўша ернинг шароитига кўникмоғи лозим. Бу борада бекаларимиздан нафақат янги муҳитга мослашиш, балки аёллик нафосатини ишга солиб, чиройли оила муҳитини яратиш ҳам талаб этилади. Булар биринчи галда рўзғорнинг саранжом-саришталиги, хонадон ораталигию озодалигини асраш. Аёлнинг қўлида сеҳр борлиги сир эмас. Агар у озгина ҳаракат ила меҳр қўрини бериб чеварликка ҳаракат қилса ёки пазандаликка унаса, хонадони ободу дастурхони тўкинлигига муносиб ҳисса қўшган бўлади. Аслида чеварлик ва пазандалик аёл меҳнатини юзага чиқарувчи омиллардан биридир. Айниқса, шароит сабаб ишламай уйда ўтирган ёш ҳарбий оила бекалари ушбу йўналишларда ўқув курсларида таҳсил олишлари ёки бошқа оила бекаларидан буларни ўзлаштиришлари мумкин.

Хонадон шинамлиги ҳақида сўз кетганда биз бекаларимизга гултувакларда ранг-баранг гуллар ўстиришни тавсия қилардик. Агар меҳр ила гуллар ўстирсангиз кўп меҳнат ва харажат талаб қилмайдиган бу усул сабаб хонадонингизга ўзгача файз кирганлигини дарҳол ҳис қиласиз. Шунингдек, яшаб турган гўшангизнинг атрофи ҳам бу борада сизга муҳтож эканлигини унутмаслигингизни истардик.

Аёл кишига қўйилган асосий талаблардан яна бири бу ширинсуханликдир. Айниқса, рафиқалик бурчингизни бу фазилатсиз тасаввур этиш қийин. Масъулиятли вазифада хизмат қиладиган ҳарбийларимизнинг аёллари эса бу борада янада эътиборли бўлмоқлари лозим. Чунки хизматдан қориб қайтган умр йўлдошингизга сизнинг муомалангизнинг жуда катта тасири бор. Унинг кайфияти сизнинг очиқ чеҳра ва ширин сўзингиз билан тикланишини унутманг.

Юқорида биз сабр ҳақида бежиз сўз очмадик. Ҳарбий хизматчилар ҳафталаб ёки ойлаб дала-ўқув машғулотларида, хизмат сафарларида бўлишлари табиий ҳол. Бундай онларда шубҳасизки, бекаларимиз оила ва фарзандларини ёлғиз уддалашларига тўғри келади. Сабру қаноатли, оқила аёлларимиз бундай синовларда турмуш ўртоқларининг меҳрига сазовор бўлишларига шубҳа йўқ. Аёл ақл закоси билан рафиқалик, бекалик, оналик бурчини аъло даражада уддалашга қодир. Фақат бунинг учун унда сабр ва ширинсуханлик ила фидойилик, яратувчанлик, бекаларга хос тадбиркорлик фазилатларини юзага чиқарувчи ҳаракат бўлса, олам гулистон. Биз мана шу ҳаракат хусусида қисқача тўхталдик, холос. Ушбу мавзудаги суҳбатимизни яна давом эттирамиз.

Зулфия НОСИРОВА.



● Гўдакдан таралар жаннат ифори.

КАЛЬЦИЙ ҲАҚИДА

Кальций биоген элементлардан бири бўлиб, ўсимлик, одам ва ҳайвонлар суягининг асосини ташкил этади. Катта ёшдаги одамлар вазнининг 1,4-2 фоизи кальцийдан иборат. 12 ёшгача бўлган болалар организмининг кальцийга кундалик эҳтиёжи 0,5-0,6 г., 12–18 ёшдагиларда 0,7–0,8 г., катта ёшдагиларда 0,5 г. ва ҳомиладор аёлларда 1 г. дан иборат. У тухум пўстлоғи, сут, пишлоқ, творог ва денгиз маҳсулотларида кўп миқдорда мавжуд. Айниқса тухум пўчоғида. Катталардаги кальцийга бўлган эҳтиёжни қоплаш учун бир кунда бир грамм туйилган тухум пўчоғи ейиш кифоя. Бир ёшга тўлмаган болаларга берилса, уларда учрайдиган камқонлик ва рахитнинг олдини олади. Тухум пўчоғидан болаларга шифобахш аралашма тайёрлаш учун аввало тухумни совунлаб, илиқ сувда ювиб ташлаш ёки 5 минут давомида иссиқ сувда тутиб туриш керак. Туйилган тухум пўстини творог ёки бўтқага 1,5-3 граммдан қўшиб бериш мумкин. Бунинг учун ҳом тухумнинг пўчоғидан фойдаланган маъқул, пиширилган тухумнинг пўчоғида кальций миқдори анча камаяди.



ҚЎЛЛАРИНГИЗГА ЭЪТИБОР ҚИЛИНГ



Қўлларингиз териси узоқ пайтларгача майин ва мулойим бўлиб қолишининг фақатгина бир йўли бор – у ҳам бўлса, қўлларни синчковлик билан доимий равишда парвариш қилиб туришдир. Бу борада эриниш ярамайди. Сир деб қулоғингизга айтайлик – айнан қўллар кишининг ҳақиқий ёшини фош қилиб қўяди.

Қўлларга – ҳар куни биз ишлиш-товоқ, пол, деразаларни ювадиган «кимёвий» воситаларимиз зарар кўрсатади... Иккинчи ўринда эса – боғ-полиз ишлари туради. Ахир, афсуски, биз кўпчилигимиз боғда ишлаган чоғларимиз камдан-кам ҳоларда қўлимизга резина қўрқоп кийиб оламиз. Кондиционерлар ва иситиш тизимларидан чиқаётган қуруқ ҳаво-чи? Кимда-ким ана шу сунъий ҳавони қўлларим териси учун малҳам деб ўйласа, жуда-жуда хато қилади. Қўлларингизни илиқ хона ҳароратидаги сув билан ювинг, совуқ сув терини қуритади, қайноғи эса – ёғсиз қилиб қўяди.

Қўл ювиш учун кислота миқдори pH 5,5м даражадаги атир совун ишлатинг. Яна ҳам маъқули намлантирувчи моддалар билан бойитилган қўл ювиш воситасидан фойдаланиш.

Ҳар қўл ювганингиздан сўнг қўлларингизни қуригунча артинг.

Кир ювиш, уй йиғиштириш ва ҳоказо ишларни қўлга резина ёки паҳмоқ қўлқоп киймасдан бажарманг.

НОКДАН ШИФО ОЛИНГ!

Ширин, хушбўй ва оғизда эриб кетадиган нокнинг тотли таъмини билмайдиган одамнинг ўзи йўқ, шундай эмасми?

Табиатнинг ноёб бу мевасини кўрган киши емасдан олдидан ўтиб кетолмасликни ҳам рост. Уни ёқтирмайдиганларнинг ўзи бўлмаса керак. Нокнинг 5000дан ортиқ навлари бўлиб, у дунёдаги барча мамлакатларда ўсади. Нок ширин мева бўлибгина қолмасдан, балки унинг талайгина шифобахш хусусиятлари ҳам бор. Бир сўз билан айтганда у ҳам тўйдиради, ҳам даволайди.

Мевалари нафис ва беқиёс тотли мазага эга бўлган нок дарахти уч юз йилдан ошиқ умр кўриши мумкин экан. Тўғри, ҳаммаси эмасу, маълум навлари шунча умр кўриши аниқланган. Илгари одамлар нокнинг фақат бир неча ўн хил навларинигина билишган холос.

Шарқ табиблари нокнинг жуда кўп шифобахш хусусиятларини аниқлашган. У тетиклаштиради, чарчоқ ва зўриқишни йўқотади. Кайфиятни кўтариб, хушкайфият бағишлайди.

Чиндан ҳам одамлар нок воситасида қадим замонлардан бошлаб даволаниб келишган. Нок шарбати, мевалари ва барглларидан тайёрланган дамлама билан ҳарорат кўтарилганда чанқоқни босишган, шунингдек, безгакни ҳам даволашган. Бу мева шамоллашга қарши кучли восита ҳисобланади. Нокнинг таркибида жуда кўп фенол қўшимчалари бўлиб, улар ўз навбатида қон томирларини мустаҳкамлайди. Ривожланаётган хотира сусайишининг (атеросклероз) олдини олади. Янги узиб олинган, қайнатилган ва пиширилган нок меваси ўпкага оид барча хасталикларни даволайди.



Зарина НИШОНОВА тайёрлади.

8 ОКТЯБРЬ, ДУШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

Ҳурматли телетомошабинлар! Профилактика муносабати билан душанба, 8 октябрь куни «O'zbekiston» телерадиоканали ўз кўрсатувларини соат 14.55 дан бошлайди.
14.55 Кўрсатувлар дастури.
15.00 «Таҳлилнома».
15.40 «Қуёши ботмайдиган юрт». Телесериал.
«Болалар сайёраси»:
16.10 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
16.25 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ анонс.
17.15 «Турмуш чорраҳаларида». Телесериал.
17.55 «Минг бир ривоят».
18.00 «Рамазон туҳфаси».
18.25 «Олтин мерос».
18.35 ТВ анонс.
18.40 «Бир кун».
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ анонс.
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Аччиқ ёлғон». Телесериал премьераси (Туркия).
20.50 «Минг бир ривоят».
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ анонс.
21.40 Эркин мавзу.
22.00 «Кўнгил риштаси».
Телесериал премьераси (Корея).
22.55 ТВ анонс.
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.10 «Довюрак самурай». Телесериал премьераси (Япония)
24.00-00.10 Тунги наволар. «Uzbekistan».
00.10 Кўрсатувлар дастури.
00.15 «Юртим бўйлаб» дастури: «Наманган тумани».
00.35 «Чемпион сирлари».
00.55 ТВ анонс.
01.00 «Ахборот». Информацион дастур (рус.).
01.30 «Қизлар давраси».
02.30 «Ватанпарвар».
03.30 «Бир кун».
04.00 «Ахборот». Информацион дастур.
04.30 ТВ анонс.
04.35 «Олтин мерос».
04.45 «Минг бир ривоят».
04.50 «Турмуш чорраҳаларида». Телесериал.
05.30 «Нафосат олами».
05.40-5.55 Тонги наволар.

ЁШЛАР

Телетомошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан 8 октябрь куни.
«Yoshlar» телерадиоканали ўз кўрсатувларини соат 16.55 дан бошлайди.
16.55 Дастурнинг очилиши.
17.00 «Мўъжизавий дунё». Илмий-маърифий сериал.
17.50 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига: «Қомусим!»
17.55 «Телетуҳфа».
18.00 «Даврнинг боласи».
18.10 «Кувноқ дўмбоқчалар». Мультсериал.
18.20 «Болалар табассуми».
18.25 «Ватаним!»
18.30 «Ижтимоий ҳимоя йили»га бағишланади: «Матонат».
18.45 «UzEX хабарлари».
18.50 «Бу азиз Ватан – барчамизники!»
18.55 «Телетуҳфа».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Айро тақдирлар». Телесериал.
20.05 «Мусиқий лаҳза».
20.10 «СПОРТЛОТО» телелотереяси.
20.20 «ТВ-банк». Тижорат дастури.
20.30 «UzEX хабарлари» (рус ва инглиз тилларида)
20.40 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига: «Қомусим!»
20.45 «Эълонлар».
20.50 «Ишкомли уй». Телесериал.
21.35 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
21.55 «Эълонлар».
22.00 «ДАВР».
22.30 «Мулки мумтоз».
22.50 «Қақнус». Телесериал (Корея).
23.50 «Таскин».

ТОШКЕНТ

17.55 Мультфильм «Кундуз амакининг ҳикоялари».
18.05 «Телекурьер-маркет».
18.25 «Биласизми?»
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Эгизаклар». Телесериал.
19.20 «ТВ-юрист».
19.50 «Саломат бўлинг» (рус.).
20.00 «Пойтахт» (рус.).
20.15 «ТВ-юрист» (рус.).
20.20 «Подводная экспедиция». Познавательная программа. 14-қисм.
20.50 «Интервью» (рус.).
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт».
21.45 «Ўйларим».
21.50 «Телекурьер-маркет».
22.10 «Аёл қалби».
22.30 «Пойтахт» (рус.).
22.50 Кино: «Свидетель на свадьбе».

СПОРТ

Телетомошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан 8 октябрь куни «Sport» телерадиоканали ўз кўрсатувларини 18.00 дан бошлайди.
17.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Машъал»– «Нефтчи».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Мусиқий тайм».
19.10 «Жди меня».
20.00 «Старые дела». Сериал.
20.45 «Узбектелефильм представляет». «Во имя человека». Документальный фильм.
21.05 Футбол шарҳи.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 Приключенческий экран: «Спасатель». Художественный фильм (1-я часть).
22.20 ПрофРИНГ.
00.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»

9 ОКТЯБРЬ, СЕШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 «Олтин мерос».
8.45 «Минг бир ривоят».
8.50 «Қарз». Теленовелла.
9.15 «Одами эрсанг»
9.40 «Покахонтас». Мультсериал.
10.05 «Рангин дунё».
10.25 «КиноТеатр».
10.50 «Сизнинг адвокатингиз».
10.55 «ТВ шифокор».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
11.50 «Ахборот» (инглиз тилида).
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Кўнгил риштаси». Телесериал.
13.50 «Олтин мерос».
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ анонс.
14.20 «Экспедиция».
15.00 «Шарқ тароналари».
15.10 «Ватанпарвар».
16.10 «Бир кун».
16.45 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Турмуш чорраҳаларида».
17.55 «Минг бир ривоят».
18.00 «Рамазон туҳфаси».
18.25 «Олтин мерос».
18.35 «Ҳудудлар ҳаёти».
18.50 ТВ анонс.
18.55 «Агар Сиз»
19.15 «Оҳанглар оғушида».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ анонс.
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
20.50 «Минг бир ривоят».
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ анонс.
21.40 «Қишлоқ ҳаёти».
22.00 «Кўнгил риштаси».
22.55 ТВ анонс.
23.10 «Довюрак самурай». Телесериал (Якунловчи қисм).
00.15 «Елканг ер кўрмасин».
00.35 «Қишлоқ ҳаёти».
00.55 ТВ анонс.
01.00 «Ахборот». (рус.).
01.30 «Олтин мерос».
01.40 «Янги кун».
02.30 «Ўзбегим юлдузлари».
03.00 «Ахборот» (инглиз тилида).
03.10 «KINOMANIYA».
03.40 «Истъдод».
04.00 «Ахборот».
04.35 «Олтин мерос».
04.45 «Минг бир ривоят».
04.50 «Турмуш чорраҳаларида». Телесериал.
05.30 «Нафосат олами».
05.40-05.55 Тонги наволар.

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ»
8.00 «Даврнинг боласи».
8.10 «Санъат усталари». Фани Аъзамов.
8.30 Миллий кино: «Тўйлар муборак!»
9.40 «Матонат».
9.55 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига: «Қомусим!»
10.00 «ДАВР».
10.10 «Айро тақдирлар». Телесериал.
10.40 «Интерфутбол».
12.10 «Ишкомли уй». Телесериал.
12.50 «ТВ-банк».
13.00 «ДАВР».
13.15 «Афсона ва ҳақиқат» илмий-маърифий дастури.
14.00 «Қақнус». Телесериал.
14.55 «Ватаним!»
15.00 «ЯНГИ КУН»
15.50 «Мулки мумтоз».
16.00 «ДАВР».
16.10 «Пуаро». Телесериал.
17.00 «Мўъжизавий дунё». Илмий-маърифий сериал.
17.50 «Ватаним!»
18.00 «Даврнинг боласи».
18.10 «Кувноқ дўмбоқчалар». Мультсериал.
18.20 «Истиқбол тимсоллари».
18.30 «Ёшлик наволари».
18.50 «Бу азиз Ватан – барчамизники!»
19.00 «ДАВР».
19.30 «Айро тақдирлар».
20.05 «Мусиқий лаҳза».
20.20 «Автопатруль».
20.40 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига: «Қомусим!»
20.50 «Ишкомли уй». Телесериал.
22.00 «ДАВР».
22.30 «Мулки мумтоз».
22.50 «Қақнус». Телесериал.
23.50 «Таскин».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Эгизаклар». Телесериал.
9.25 «ТВ-юрист».
9.35 «Аёл қалби».
11.35 Саломат бўлинг (рус.).
11.45 «Интервью» (рус.).
11.55 «Туризм ҳақида»
12.25 «ТВ-юрист» (рус.).
12.35 Кино: «Свидетель на свадьбе».
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Эгизаклар». Телесериал.
19.20 «ТВ-юрист».
19.50 «Ҳимоя».
20.00 «Пойтахт» (рус.).
20.15 «ТВ-юрист» (рус.).
20.20 «Подводная экспедиция».
20.50 «Репортаж».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт».
22.30 «Пойтахт» (рус.).
22.50 Кино: «Новичок».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 Мультфильм.
8.30 «Малахов +».
9.30 «Детективы».
10.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
10.20 Гандбол. Мустақиллик кубоги.
11.20 Фехтование. Чемпионат мира.
12.00 Баскетбол. Чемпионат Европы. Женщины. Полуфинал.
18.00 «Мир детского спорта».
18.15 «Мусиқий тайм».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Вокруг света».
19.35 «Футбол мундиал».
20.00 «Старые дела». Сериал.
20.45 «Спорт – менинг ҳаётим».
21.00 Современное пятиборье. Кубок мира.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 Приключенческий экран: «Спасатель». Художественный фильм (2-я часть).
22.55 Еврофутбол.
00.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

10 ОКТЯБРЬ, ЧОРШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 «Олтин мерос».
8.45 «Минг бир ривоят».
8.50 «Сабр». Теленовелла.
9.15 «Болалар сайёраси»:
10.00 «Ягона оилада».
10.20 «Шахсий фикр».
10.55 «ТВ шифокор».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
11.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Сирли ҳилқат».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
13.00 «Кўнгил риштаси». Телесериал.
13.50 «Олтин мерос».
14.00 «Ахборот».
14.15 Эски альбом.
14.20 «Экспедиция».
15.10 «Интеллектуал ринг».
15.55 «Дунё манзаралари».
16.15 «Болалар сайёраси».
16.40 «Эркин иқтисодиёт».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Турмуш чорраҳаларида». Телесериал.
17.55 «Рамазон туҳфаси».
18.20 «Олтин мерос».
18.30 «Ўзбекистон қўриқхоналари». 1-қисм.
18.50 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.05 Марказий сайлов комиссияси хабарлари.
20.10 «Сайлов – демократия кўзгуси».
20.40 Ватан ҳақида қўшиқлар.
20.50 «ТВ шифокор».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Одамлардан бири».
22.00 «Кўнгил риштаси».
Телесериал.
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.10 «Турмуш чорраҳаларида».
00.05 «Ўзбекистон қўриқхоналари».
00.25 «Дунё манзаралари».
00.45 «Шарқ тароналари».
01.00 «Ахборот». (рус.).
01.30 «Олтин мерос».
01.40 «Янги кун».
02.30 «Осмондаги болалар». Бадиий фильм.
04.00 «Ахборот».
04.35 «Олтин мерос».
04.45 «Минг бир ривоят»:
04.50 «Турмуш чорраҳаларида». Телесериал.
05.30 «Нафосат олами».

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ»
8.00 «Даврнинг боласи».
8.10 «Санъат усталари».
8.30 Миллий кино: «Ўтган кунлар».
10.00 «ДАВР».
10.10 «Айро тақдирлар». Телесериал.
10.35 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига: «Қомусим!»
11.10 «Чемпион сирлари».
11.30 «Journal» (инглиз тилида).
11.50 «Автопатруль».
12.10 «Ишкомли уй». Телесериал.
12.50 «Камолот» хабарлари.
13.00 «ДАВР».
13.15 «Афсона ва ҳақиқат» илмий-маърифий дастури.
14.00 «Қақнус». Телесериал.
14.55 «Ватаним!»
15.00 «ЯНГИ КУН»
15.50 «Мулки мумтоз».
16.00 «ДАВР».
16.10 «Пуаро». Телесериал.
17.00 «Мўъжизавий дунё».
17.50 «Ватаним!»
18.00 «Даврнинг боласи».
18.20 «Хеч нима ҳақида битиклар».
18.30 «Ёшлик наволари».
18.50 «Бу азиз Ватан – барчамизники!»
19.00 «ДАВР».
19.30 «Айро тақдирлар».
20.05 «Мусиқий лаҳза».
20.10 «СПОРТЛОТО» телелотереяси.
20.20 «Автопатруль».
20.40 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига: «Қомусим!»
20.50 «Ишкомли уй». Телесериал.
22.00 «ДАВР».
22.30 «Мулки мумтоз».
22.50 «Қақнус». Телесериал.
23.50 «Таскин».

ТОШКЕНТ

7 30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Эгизаклар». Телесериал.
9.25 «ТВ-юрист».
9.35 «Ҳимоя».
10.25 «Репортаж».
11.55 «Моҳир» (рус.).
12.10 «ТВ-юрист» (рус.).
12.20 Кино: «Новичок».
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Эгизаклар». Телесериал.
19.20 «ТВ-юрист».
20.00 «Пойтахт» (рус.).
20.15 «ТВ-юрист» (рус.).
20.20 «Подводная экспедиция».
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт».
22.30 «Пойтахт» (рус.).
22.50 Кино: «Фантастическая четверка: Вторжение серебряного серфера». Премьера (рус.).

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 Мультфильм.
8.30 «Малахов +».
9.30 «Детективы».
10.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
10.20 Гандбол. Мустақиллик кубоги.
11.20 Фехтование. Чемпионат мира.
12.00 Баскетбол. Чемпионат Европы. Женщины. Финал.
12.40 Футбол. Англия чемпионати шарҳи.
15.50 «Мулки мумтоз».
16.00 «ДАВР».
16.10 «Пуаро». Телесериал.
17.00 «Мўъжизавий дунё».
17.50 «Ватаним!»
18.00 «Даврнинг боласи».
18.10 «Кувноқ дўмбоқчалар». Мультсериал.
18.20 «Ижтимоий ҳимоя йили»га бағишланади: «Мурувват».
18.30 «Ёшлик наволари».
18.50 «Бу азиз Ватан – барчамизники!»
19.00 «ДАВР».
19.30 «Айро тақдирлар».
20.05 «Мусиқий лаҳза».
20.10 «KINOMANIYA».
20.40 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига: «Қомусим!»
20.50 «Ишкомли уй». Телесериал.
22.00 «ДАВР».
22.30 «Мулки мумтоз».
22.50 «Қақнус». Телесериал.
23.50 «Таскин».

11 ОКТЯБРЬ, ПАЙШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 «Олтин мерос».
8.45 «Минг бир ривоят».
8.50 «Эҳсон», «Елғизлик». Теленовеллалар.
9.35 «Болалар сайёраси».
10.10 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
10.30 «Табаррук замин».
10.50 «Сизнинг адвокатингиз».
10.55 «ТВ шифокор».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Юртим бўйлаб» дастури: «Афсонавий шаҳарда».
11.25 «Галатепалик авлиё». Бадиий фильм.
11.50 «Ахборот» (инглиз тилида).
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
13.00 «Кўнгил риштаси». Телесериал.
13.50 «Олтин мерос».
14.00 «Ахборот».
14.15 Эски альбом.
14.20 «Экспедиция».
15.15 «Назм ва наво».
15.45 «Яхшилар ёди».
16.05 «Болалар сайёраси».
16.40 «Имконият».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Турмуш чорраҳаларида».
17.55 «Рамазон туҳфаси».
18.20 «Олтин мерос».
18.30 «Ўзбекистон қўриқхоналари». 2-қисм.
18.50 «Шифокор қабулида».
19.15 «Оҳанглар оғушида».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
20.50 «Минг бир ривоят».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Бекат».
22.05 «Кўнгил риштаси».
23.10 «Турмуш чорраҳаларида». Телесериал.
00.05 «Ўзбекистон қўриқхоналари».
00.25 «Бекат».
00.50 «Шарқ тароналари».
01.00 «Ахборот». (рус.).
01.30 «Олтин мерос».
01.40 «Янги кун».
02.30 «Назм ва наво».
03.00 «Ахборот» (инглиз тилида).
03.15 «Галатепалик авлиё». Бадиий фильм.
03.40 «Муқаддас қадамжолар».
04.00 «Ахборот».
04.35 «Олтин мерос».
04.45 «Минг бир ривоят».
04.50 «Турмуш чорраҳаларида».
05.30 «Нафосат олами».

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
8.00 «Даврнинг боласи».
8.10 «Ҳаёт сўқмоқлари».
8.30 Миллий кино: «Бардош».
9.55 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига: «Қомусим!»
10.00 «ДАВР».
10.10 «Айро тақдирлар».
10.40 «ВАТАНПАРВАР».
11.40 «Автопатруль».
12.00 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
12.10 «Ишкомли уй». Телесериал.
12.50 «Истиқбол тимсоллари».
13.00 «ДАВР».
13.10 «Телетуҳфа».
13.15 «Афсона ва ҳақиқат» илмий-маърифий дастури.
14.00 «Қақнус». Телесериал.
14.55 «Ватаним!»
15.00 «ЯНГИ КУН».
15.50 «Мулки мумтоз».
16.00 «ДАВР».
16.10 «Пуаро». Телесериал.
17.00 «Мўъжизавий дунё».
17.50 «Ватаним!»
18.00 «Даврнинг боласи».
18.10 «Кувноқ дўмбоқчалар». Мультсериал.
18.20 «Ижтимоий ҳимоя йили»га бағишланади: «Мурувват».
18.30 «Ёшлик наволари».
18.50 «Бу азиз Ватан – барчамизники!»
19.00 «ДАВР».
19.30 «Айро тақдирлар».
20.05 «Мусиқий лаҳза».
20.10 «KINOMANIYA».
20.40 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига: «Қомусим!»
20.50 «Ишкомли уй». Телесериал.
22.00 «ДАВР».
22.30 «Мулки мумтоз».
22.50 «Қақнус». Телесериал.
23.50 «Таскин».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Эгизаклар». Телесериал.
9.25 «ТВ-юрист».
9.35 «Муқаддас қадамжолар».
10.25 «Интервью».
11.45 «ТВ-юрист» (рус.).
11.55 Кино: «Фантастическая четверка: Вторжение серебряного серфера».
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Эгизаклар». Телесериал.
19.20 «ТВ-юрист».
20.00 «Пойтахт» (рус.).
20.15 «ТВ-юрист» (рус.).
20.20 «Подводная экспедиция».
20.50 «Интервью» (рус.).
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт».
22.10 «O'zbektelefilm» маҳсулоти: «Ўсимликлар дунёси».
22.30 «Пойтахт» (рус.).
22.50 Кино: «Человек-паук».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 Мультфильм.
8.30 «Малахов +».
9.30 «Детективы».
10.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
10.20 Гандбол. Мустақиллик кубоги.
11.20 Фехтование. Чемпионат мира.
12.00 «Иқтидор».
12.35 Футбол Испания чемпионати шарҳи.
15.50 «Мулки мумтоз».
16.00 «ДАВР».
16.10 «Пуаро». Телесериал.
17.00 «Мўъжизавий дунё».
17.50 «Ватаним!»
18.00 «Даврнинг боласи».
18.10 «Кувноқ дўмбоқчалар». Мультсериал.
18.20 «Ижтимоий ҳимоя йили»га бағишланади: «Мурувват».
18.30 «Ёшлик наволари».
18.50 «Бу азиз Ватан – барчамизники!»
19.00 «ДАВР».
19.30 «Айро тақдирлар».
20.05 «Мусиқий лаҳза».
20.10 «KINOMANIYA».
20.40 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига: «Қомусим!»
20.50 «Ишкомли уй». Телесериал.
22.00 «ДАВР».
22.30 «Мулки мумтоз».
22.50 «Қақнус». Телесериал.
23.50 «Таскин».

12 ОКТЯБРЬ, ЖУМА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 «Олтин мерос».
8.45 «Минг бир ривоят».
8.50 «Иби Сино ривоятлари».
9.20 «Болалар сайёраси».
10.35 «Одамлардан бири».
10.55 «ТВ шифокор».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
11.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Муғ қалъаси».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
13.00 «Кўнгил риштаси». Телесериал.
13.50 «Олтин мерос».
14.00 «Ахборот».
14.15 Эски альбом.
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Экспедиция».
15.10 «Ўзбегим ўғлонлари».
16.00 «Қишлоқ ҳаёти».
16.20 2007 йил – Ижтимоий ҳимоя йили. «Саломатлик дастури».
«Болалар сайёраси»:
16.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Турмуш чорраҳаларида». Телесериал.
17.55 «Рамазон туҳфаси».
18.20 «Олтин мерос».
18.30 «Меҳр кўзда».
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
20.50 «Минг бир ривоят».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Қўшиқларда қолган умр».
22.05 «Кўнгил риштаси».
23.10 «Турмуш чорраҳаларида». Телесериал.
00.05 «Юртим бўйлаб» дастури: «Ўзбек таомлари».
00.25 «Рангин дунё».
00.45 «Спорт – менинг ҳаётим».
01.00 «Ахборот» (рус.).
01.30 «Олтин мерос».
01.40 «Янги кун».
02.30 «Девона». Бадиий фильм.
03.55 «Минг бир ривоят».
04.00 «Ахборот».
04.35 «Олтин мерос».
04.45 «Минг бир ривоят».
04.50 «Турмуш чорраҳаларида». Телесериал.
05.30 «Нафосат олами».
05.40-05.55 Тонги наволар.

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ»
8.00 «Даврнинг боласи».
8.10 «Ҳаёт сўқмоқлари».
8.30 Миллий кино: «Суюнчи».
9.45 Жаҳон мусиқа мулкидан: Жюль Массне. «Вертер».
9.55 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига: «Қомусим!»
10.00 «ДАВР».
10.10 «Айро тақдирлар».
10.40 «Интерфутбол».
12.10 «Ишкомли уй». Телесериал.
12.50 «ТВ-банк».
13.00 «ДАВР».
13.15 «Афсона ва ҳақиқат» илмий-маърифий дастури.
14.00 «Қақнус». Телесериал.
14.55 «Ватаним!»
15.00 «ЯНГИ КУН»
15.50 «Мулки мумтоз».
16.00 «ДАВР».
16.10 «Пуаро». Телесериал.
17.15 «Турмуш чорраҳаларида». Телесериал.
17.55 «Рамазон туҳфаси».
18.20 «Олтин мерос».
18.40 «Меҳр кўзда».
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
20.50 «Минг бир ривоят».
21.00 «Қўшиқларда қолган умр».
22.05 «Кўнгил риштаси».
23.10 «Турмуш чорраҳаларида». Телесериал.
00.05 «Юртим бўйлаб» дастури: «Ўзбек таомлари».
00.25 «Рангин дунё».
00.45 «Спорт – менинг ҳаётим».
01.00 «Ахборот» (рус.).
01.30 «Олтин мерос».
01.40 «Янги кун».
02.30 «Девона». Бадиий фильм.
03.55 «Минг бир ривоят».
04.00 «Ахборот».
04.35 «Олтин мерос».
04.45 «Минг бир ривоят».
04.50 «Турмуш чорраҳаларида». Телесериал.
05.30 «Нафосат олами».
05.40-05.55 Тонги наволар.

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Эгизаклар». Телесериал.
9.05 «Телекурьер-маркет».
9.25 «ТВ-юрист».
11.25 «Интервью» (рус.).
11.45 «ТВ-юрист» (рус.).
11.55 «Человек-паук».
17.55 «Афиша» (рус.).
18.05 «Телекурьер-маркет».
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Эгизаклар». Телесериал.
19.20 «ТВ-юрист».
19.50 «Саломат бўлинг».
20.00 «Пойтахт» (рус.).
20.15 «ТВ-юрист» (рус.).
20.20 «Подводная экспедиция».
20.50 «Репортаж» (рус.).
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт».
22.10 «Маърифат фидойилари».
22.30 «Пойтахт» (рус.).
22.45 «Кино-SMS со звездами».
22.50 Кино: «Человек-паук-2».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 Мультфильм.
8.30 «Малахов +».
9.30 «Детективы».
10.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
10.20 Гандбол. Мустақиллик кубоги.
11.20 Фехтование. Чемпионат мира.
12.00 «По следам индийских львов».
17.00 «Қонун ижроси».
17.10 «Ижтимоий ҳимоя йили»га бағишланади: «Меъёр – соғлиқ гарови».
17.30 «Тараққиёт сари».
17.50 «Ватаним!»
18.00 «Даврнинг боласи».
18.25 «Мангуликка муҳрланган мустақиллик».
18.30 «Ёшлик наволари».
18.50 «Бу азиз Ватан – барчамизники!»
19.00 «ДАВР».
19.30 «Айро тақдирлар».
20.10 «СПОРТЛОТО» телелотереяси.
20.20 «Айёмингиз муборак!»
20.50 «Ишкомли уй». Телесериал.
21.35 «Парламент вақти».
21.55 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига: «Қомусим!»
22.00 «ДАВР».
22.30 «Мулки мумтоз».
22.50 «Қақнус». Телесериал.
23.50«Таскин».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Эгизаклар». Телесериал.
9.05 «Телекурьер-маркет».
9.25 «ТВ-юрист».
9.35 «Маърифат фидойилари».
10.30 Саломат бўлинг.
10.40 «Нима учун?»
11.20 «Репортаж» (рус.).
13.00 «ТВ-юрист» (рус.).
13.10 Кино: «Человек-паук-2».
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Эгизаклар». Телесериал.
19.20 «ТВ-юрист».
19.50 «Саломат бўлинг».
20.00 «Пойтахт» (рус.).
20.15 «ТВ-юрист» (рус.).
20.20 «Подводная экспедиция».
20.50 «Репортаж» (рус.).
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт».
22.10 «Маърифат фидойилари».
22.30 «Пойтахт» (рус.).
22.45 «Кино-SMS со звездами».
22.50 Кино: «Человек-паук-2».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 Мультфильм.
8.30 «Малахов +».
9.30 «Детективы».
10.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
10.20 Гандбол. Мустақиллик кубоги.
11.20 Фехтование. Чемпионат мира.
12.00 «По следам индийских львов».
Документальный фильм.
12.25 Футбол. Германия чемпионати шарҳи.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 «Мусиқий тайм».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.55 «Поле чудес».
20.00 «Старые дела». Сериал.
20.45 «Стать ближе». Ток-шоу.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 Детективное кино: «Диалог этих рук».
Художественный фильм.
23.20 Формула-1.

13 ОКТЯБРЬ, ШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00«Ахборот».
8.40 «Олтин мерос».
8.50 «Минг бир ривоят».
8.55 «Тазарру». Теленовелла.
9.30 «Қўшиқларда қолган умр».
9.55 «Ўзбек таомлари».
10.20 1.«Чинсен». 2. «Маърит».
11.00 «Оналар мактаби».
11.20 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
13.00 «Кўнгил риштаси». Телесериал.
13.50 «Олтин мерос».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Бегона баҳор». Бадиий фильм. 1-қисм.
15.20 «Минг бир ривоят».
15.25 «Бегона баҳор». Бадиий фильм. 2-қисм.
16.30 «Болалар сайёраси»:
17.30 «Саломатлик сирлари».
17.50 ТВ анонс.
17.55 «Самарқанд садолари».
18.55 «Ҳандалак».
19.15 «Оҳанглар оғушида».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.05 «Сайлов – демократия кўзгуси».
20.35 «Олтин мерос».
20.45 «Минг бир ривоят».
20.50 «ТВ шифокор».
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ анонс.
21.40 «Янги наволар».
22.05 «КИНОТАҚДИМ».
22.30 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
22.40 «Яна ўша Насриддин». Бадиий фильм.
00.35 Кўрсатувлар дастури.
00.40 «Чанқовуз».
00.55 ТВ анонс.
01.00 «Ахборот». Информацион дастур (рус.).
01.30 «Олтин мерос».
01.40 «Янги кун».
02.30 «КИНОТАҚДИМ».
02.55 «Тараннум».
03.40 «Дунё таомлари».
04.00 «Ахборот». Информацион дастур.
04.30 ТВ анонс.
04.35 «Олтин мерос».
04.45 «Минг бир ривоят».
04.50 «Турмуш чорраҳаларида». Телесериал.
05.30 «Нафосат олами».
05.40-05.55 Тонги наволар.

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ» .
8.00 «Айёмингиз муборак!»
8.30 Миллий кино: «Келинлар кўзголони».
9.45 «Радиодан кўрсатамиз!»
9.55 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига: «Қомусим!»
10.00 «ДАВР».
10.10 «Айро тақдирлар».
12.10 «Ишкомли уй». Телесериал.
12.50 «Хеч нима ҳақида битиклар».
13.00 «ДАВР».
13.15 «Афсона ва ҳақиқат» илмий-маърифий дастури.
14.00 «Қақнус». Телесериал.
14.55 «Ватаним!»
15.00 «ЯНГИ КУН» а.
15.50 «Мулки мумтоз».
16.00 «ДАВР».
16.10 «Парламент вақти».
16.30 «Мўйқалам сеҳри». Саъдулла Абдуллаев ижодига бағишланади.
17.00 «Айланай»
17.20 «Чемпион сирлари».
17.45 «Эрта сўнган юлдузлар».
18.10 «Камолот» хабарлари.
18.20 «Каталог». Тижорат дастури.
18.30 «Ёшлик наволари».
18.50 «Бу азиз Ватан – барчамизники!»
19.00 «ДАВР».
19.30 «Мулки мумтоз».
20.10 «Дилроз». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Равшан Комилов ижодига бағишланади.
20.40 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига: «Қомусим!»
20.45 «Эълонлар».
20.50 «Ишкомли уй». Телесериал.
21.35 «Тандирдан қуёш».
22.00 «ДАВР».
22.30 Ҳинд киноси: «Жонгинам».
1.30 «Таскин».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Эгизаклар». Телесериал.
9.25 «ТВ-юрист».
9.35 «Маърифат фидойилари».
10.30 Саломат бўлинг.
10.40 «Нима учун?»
11.20 «Репортаж» (рус.).
13.00 «ТВ-юрист» (рус.).
13.10 Кино: «Человек-паук-2».
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Эгизаклар». Телесериал.
19.20 «ТВ-юрист».
19.50 «Саломат бўлинг».
20.00 «Пойтахт» (рус.).
20.15 «ТВ-юрист» (рус.).
20.20 «Подводная экспедиция».
20.50 «Репортаж» (рус.).
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт».
22.10 «Маърифат фидойилари».
22.30 «Пойтахт» (рус.).
22.45 «Кино-SMS со звездами».
22.50 Кино: «Человек-паук-2».

СПОРТ

7.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
7.50 «Бодрое утро».
8.50 «Хабарлар» (рус тилида).
9.20 «Смак».
9.55 «Соғлом оила».
10.25 Гандбол. Мустақиллик кубоги.
11.25 «Жаҳон спорти юлдузлари».
11.45 Экран собирает детей: «Гисаку», Мультфильм.
15.50 Футбол. Жаҳон чемпионати саралаш учрашуви. Ўзбекистон – Хитой Тай

РЕСПУБЛИКАМИЗДА СУҒУРТА СОҲАСИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ҳаммамизга маълумки, суғурта фаолияти бозор иқтисодиёти молиявий инфратузилмасининг ажралмас таркибий қисми бўлиб, иқтисодиётнинг бир бутунликда барқарор ривожланишини таъминловчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Унга қисқача тариф бериб ўтадиган бўлсак, инсон фаолияти давомида турли хил бахтсиз ҳодисалар рўй бериши натижасида кўрилган зарарларни қоплаш учун мақсадли пул жамғармаларини ташкил этиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар тизимидир. Ушбу соҳа суғурта қилинадиган объектларга қараб умумий суғурта ва шахсий суғурта соҳаларига бўлинади.

Суғурталаш мажбурий ва ихтиёрий шаклларда амалга оширилади. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26.01.1994 йилдаги 38-сонли Қарорига асосан Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик-хизмати, Давлат чегараларини қўриқлаш қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитаси ходимларининг мажбурий давлат суғуртаси амалга оширилади.

Ихтиёрий суғурта турлари эса суғурта муносабатларида қатнашувчи томонларнинг ўзаро розилиги ва ёзма шартнома асосида амалга оширилади. Суғурта жавобгарлиги ҳажми, бадали миқдори, суғурта ҳодисаси юз берганда тўланадиган пули (суғурта қопламаси, товони) суғурта қилувчи билан суғурта қилинувчи томонлар ўртасида келишилади.

Маълумки, суғурта соҳаси бошқа соҳалардан тубдан фарқ қилувчи хусусиятларга эга бўлиб, суғурта ташкилотлари фаолиятининг иқтисодий-ижтимоий оқибатлари даражасининг юқорилиги натижасида, суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солинишини талаб қилади. Республикамизда суғурта соҳасида давлат монополиясининг бекор қилиниши суғурта хизматлари бозорининг шаклланиши учун кенг шарт-шароитлар яратди. Аҳолининг суғурта маданияти шаклланишида ва суғурта ташкилотларига бўлган ишончининг ортишида, суғурта фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Ҳозирда, суғурта фаолиятини назорат қилиш ва суғурталанувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига юклатилган. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 1998 йилдан ҳозирги кунга қадар суғурта бозорини тартибга солиш ва суғурталанувчиларнинг манфаатларини ҳимоялаш вазифасини бажариб келмоқда.

Ўтган йиллар давомида бу борада олиб борилган бир қатор ишлар ва тадбирлар натижасида ижобий ўзгаришлар амалга оширилди. Шу муносабат билан биз давлат суғурта назорати инспекциясида бўлиб, инспекция бошлиғи Олимжон Икромов билан Ўзбекистон суғурта бозоридаги янгиланишлар хусусида суҳбатлашдик.

– Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан шуни кўриш мумкинки, суғурта мамлакат молия тизимининг стратегик аҳамиятга эга соҳаси ҳисобланиб, хўжалик юритувчи субъектларни ва аҳолининг кенг қамровини иқтисодий ижтимоий ҳимоясини таъминлашда ва иқтисодиётга салмоқли инвестицияларни киритишда алоҳида ўрин тутади, – дейди Олимжон Ғаниевич саволларимизга жавоб қайтарар экан. – Давлатимиз томонидан иқтисодиётнинг барча соҳаларида катта ишлар амалга оширилмоқда. Шу жумладан, суғурта соҳасида ҳам. Ҳозирда мамлакатимизда суғурта бозорининг ҳуқуқий-меъёрий базаси шакллантирилди ва ривожлантирилмоқда. Бу борада суғурта соҳаси учун замонавий кадрлар тизими яратилди ва уларни қайта тайёрлаш тизимини яратиш борасида жадал ишлар олиб борилмоқда. Натижада ушбу соҳа мутахассисларининг малакаси сезиларли даражада ошди, қолаверса соҳанинг иқтисодиётда тутган ўрни сезиларли даражада ортди. Президентимиз томонидан шу йилнинг апрель ойида эълон қилинган «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, «Ўзбекистон Республикаси «Суғурта» фаолияти тўғрисида»ги қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда суғурта фаолияти ва назоратининг қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштиришни назарда тутиши билан катта аҳамиятга эга. Таъкидлаш жоизки, бу ўзгартириш ва қўшимчалар мамлакатимизда суғурта фаолияти қонунчилик базасининг халқаро талаб ва стандартларга мослигини таъминлайди.

Юқоридаги Президентимиз Қарори асосида суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари тўғрисидаги Низом тасдиқланган бўлиб, ушбу иштирокчилар суғурта ташкилотлари томонидан суғурта хизматлари кўрсатишнинг турли босқичларида иштирок этади ва уларнинг юқори сифатда бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

Ҳозирда мамлакатимизда 27 та суғурта компанияси фаолият юритиб келмоқда. Улардан биттаси ҳаёт суғуртаси соҳасида хизмат олиб борса, яна битта компания қайта суғурта фаолиятини амалга оширади. Қолган 25 та суғурта компанияси эса умумий суғурта соҳасида фаолият олиб бормоқда. 2006 йил якунларига кўра суғурта ташкилотларининг низом жамғармаси миқдори 17,3 млрд сўм ва 66,8 млн. АҚШ долларини ташкил этган. Бу борада катталиги жиҳатидан етакчи ўринларни «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси 60 млн. АҚШ доллари миқдоридаги ва «Ўзагросуғурта» давлат акциядорлик суғурта компанияси 2,5 млрд. сўм миқдоридаги низом жамғармаси билан эгаллаб турибди. Ҳукуматимиз томонидан суғурта соҳасига берилаётган катта эътиборнинг натижасини мамлакат суғурта бозорининг кўрсаткичларидан кўриш мумкин.

2006 йил якунларига кўра суғурта бозори бўйича йиғилган суғурта мукофотларининг ҳажми 49,7 млрд. сўмни ташкил этган ва мазкур кўрсаткич 2005 йилга нисбатан 1,17 баравар кўпдир. Агар жорий йилнинг ярим йиллиги бўйича кўрсаткичларга эътиборни қаратсак, ярим йиллик якунлари бўйича йиғилган суғурта мукофотларининг ҳажми 38,9 млрд. сўмни ташкил қилган, бу кўрсаткич ўтган йилдаги йиллик кўрсаткичнинг 78%ини ташкил қилади. Мазкур кўрсаткични ўтган йилнинг ярим йиллиги кўрсаткичи билан сеолиштирсак, суғурта мукофотларининг ҳажми қарийб 170% ўсишни ташкил қилганлигини кўриш мумкин. Ушбу ҳолат, мамлакат ҳукумати томонидан ушбу соҳага қаратилаётган эътибор ва қўллаб-қувватлашнинг суғурта бозорининг кўрсаткичларида акс этаётганлигини кўрсатиб турибди.

Ўзбекистон суғурта ташкилотлари томонидан, 2006 йилда юридик ва жисмоний шахсларга 6,9 млрд. сўм суғурта қопламалари тўлаб берилган бўлиб, мазкур кўрсаткич 2005 йилга нисбатан 1,45 баравар кўпдир.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек давлатимиз раҳбарининг шу йил апрель ойида суғурта хизматлари бозорини ислоҳ қилиш борасидаги Қарори асосида тасдиқланган «2007-2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш Дастури»га мувофиқ бир қанча қонун лойиҳалари, меъёрий ҳужжатлар, услубий кўрсатмалар ишлаб чиқилмоқда ва амалга татбиқ қилинмоқда. Мақсад эса Республикамиздаги суғурта соҳасини ривожланган мамлакатлардаги каби тараққий эттириш. Давлат суғурта назорати инспекцияси бошлиғининг суҳбатидан маълумки, мустақил юртимизда қайта янгиланиш, ривожланиш йўлига ўтган Ўзбекистон суғурта бозорини мамлакатимиз молия тизими ва халқимизнинг ижтимоий ҳимоясида катта ўрни бор. Жадал давом этаётган ислоҳотлар жараёнида бу соҳа янада такомиллашиб, Ватанимиз равнақи йўлида ўз ўрнига эгалигига шубҳа йўқ.

Зулфия ЮНУСОВА.



АЛПЛИК ТИЗИМИ ҲАҚИДАГИ ТАСАВВУРЛАР



(Давоми. боши 1-бетда).

Туркий шоманлик тизимида руҳлар томонидан «танланган» номзод ҳақиқий шоман – одамлар ва руҳлар олами ўртасидаги воситачи бўлгунига қадар алплик тизимидагидек уч муҳим босқични яшаб ўртади. Яъни:

– Танланганлик (руҳлар томонидан танланади);

– Шоманлик дардига йўлиқиши;

– Ҳомий руҳлар томонидан шоман сифатида қайта яралиши.

Энг улуғ шоманларнинг туғилмасданоқ руҳлар томонидан танланиши ва унинг туғилиб, шоман бўлгунгача босиб ўтадиган синов босқичлари, шоман бўлгач махсус шоманлик анжом ва белгиларига эгалик қилиб, сеҳрли қудрат касб этишлари ҳам алплик тизими тасаввурларига уйғун. Бу эса ҳар икки ҳодисанинг ягона умумий асосга эгалигидан далолатдир.

Бизнинг мавзумиз бевосита «Алпомиш» достони билан боғлиқ экан, достоннинг бу кунги ҳолатида халқнинг қадимий алплик тизими ҳақидаги тасаввурлар анъанаси қандай бадиий-эстетик шаклда намоён бўлганлигини бир-бир қараб чиқайлик.

Диққат этилса «Алпомиш»даги алплик тизими анъаналари асосан достоннинг кириш қисмида акс этганлигига гувоҳ бўламиз.

– Қаҳрамоннинг туғилмасданоқ ҳомий эранлар назарида турганлиги – назаркарда эканлиги.

Достонда айтилади: «Қирқ кун ўртадан аниқ ўтди, боз равзадан овоз келди: «Бойбўри, сенга худойим бир ўғил, бир қиз берди, ёғлиз эмас, эгиз берди; Бойсари, сенга худойим бир қиз берди, эгиз эмас, ёлғиз берди. Бундан борсанг, фарзандларни кўрсанг, халойиқларни йиғсанг, тўй томошалар берсанг, тўйда қаландар бўлиб бориб, болаларингнинг отини ўзим қўйиб келаман».

«Алпомиш» достонида бўлажак алпнинг туғилишини душман юрт коҳинлари каромат қилиб айтишлари ва душманларнинг бу йўлдаги хатти-ҳаракатларининг аниқ тасвири йўқ. Лекин Алпомиш алп аталганида шундай дейилади: «Буни эшитган душманлар: «Бу бола зўр бўпти. Назар топибди, буларга ҳеч ким баробар бўлолмайди, етти яшар бола шундай ишни қиладими?», – деб хафа бўлиб ётди». Ушбу иқрор замирида душман юрт армони, афсуслари илғанади.

– «Алпомиш» достонида алплик дарди талқини «Гўрўғли» эпосига қиёслаганда тўла бадиий ечимга эврилганлигини кўрамиз. Одатда қаҳрамон – алп халқнинг қуввати сўниб, омма инерт ҳолатга келган бир даврда уни кучга эндирувчи ўзига хос уйғотувчи сифатида пайдо бўлади. Бу даврда инерт авлод ичида пассионар авлод туғилади. Алп пассионар авлод вакилигина эмас даргаси, йўлбошчиси ҳисобланади. Ҳамиша пассионар авлод инерт оммaнинг ҳаловатини бузади. Бу жараёнсиз этнос қувватга кирмайди. Яъни, янги сифат босқичига чиқмайди. «Алпомиш»даги закот мотиви ва элнинг бу янгиликдан безовта бўлиб кўчишини ана шу икки авлод кураши билан изоҳлаш керак. Достондаги «закот» мотиви асосида алплик дарди бадиий кодлари турибди. Достоннинг бошқа версия ва вариантларида бу мотив бошқа шаклда намоён бўлиши мумкин. Асос шулки, достондаги алплик дардини ифодаловчи воқеалар тафсилоти пассионар авлоднинг кучга кириш даврида уни инерт омма қабул қилолмаслигини акс эттиради.

«Алпомиш»нинг Қўрғон достончилик версиясида эса қаҳрамоннинг алплик дардига йўлиққан вақтидаги хатти-ҳаракати тасвирида алплик тизимининг архаик шаклига мос келувчи бир мотив бор. Яъни, Алпомиш болалик вақтида қулқунтой қушнинг боласини ололмагач қуш уясининг оғзини бекитиб қўяди. Қуш эса: «Менинг болаларимни зиндонбанд қилдинг, сен ҳам етти йил зиндонбанд бўл!», деб қарғайди. Шу билан айни пайтда қаҳрамоннинг зиндонга тушиш сабаблари ҳам «тақдир» ҳалқасида белгиланган эканлиги айтиб ўтилади, бадиий асослантирилади.

– Қаҳрамоннинг эранлар тарбиятини олиши, унинг алп сифатида қайта яраниб сеҳрли қудрат касб этиши, эл-юртга ўз кучини намоён қилиши «Алпомиш» достонида умумий ахборот тарзида айтиб ўтилган. Яъни Шоҳимардон пирнинг қаҳрамонга исм бериши, ўнг кифтига беш панжасининг изини тушириб, тақдирини айтиши.

Қаҳрамоннинг эранлар тарбиясини олиб сеҳрли қудратга эга бўлгани эса, Алпомиш Сурхайл томонидан гулханда ёндирилганида ўт таъсир этмаган ҳолат изоҳи сифатида эсланади: «Алпомиш энадан туғилган вақтида Шоҳимардон пири борган эди. Шоҳимардон пири этагига солган эди, отини Ҳакимбек қўйиб, ўнг эйнига беш панжа урган эди. Шоҳимардон пирнинг тарбият қилганидан ўтга солса, куймас эди, қилич солса, ўтмас эди, милтиқ отган билан ўқи ботмас эди...»

Қаҳрамоннинг бобоси Алпинбийдан қолган ёйни отиб алп атаниши ҳам алплик тизими тасаввурлари анъаналари ўлчамида ўз изоҳини топади. Лекин «Алпомиш» достонида бу ҳолатларнинг барчаси қисқа ва асосан ахборот тарзида айтилган. Достон билан сиғчиклаб танишган кишида шундай таассурот қоладики, қаҳрамоннинг туғилиб, улғайиб, алп атаниб, то закот воқеаси ўртага чиққунгача бўлган ҳаёт йўли алоҳида бир достон бўлгану бахши закотгача бўлган қисмни қисқача сўзлаб асосий воқеага ўтган. Чунки достончилигимизда туркум сифатида шаклланган достонлар куйланганда, кейинги тартибда келувчи достон аввалгиларининг қисқача баёни билан бошланади. «Алпомиш»нинг бу кунги ҳолатида ҳам ана шу вазият кўзга ташланади.

– Ҳомий эранлар ўз шерикларидан бирини қаҳрамонга ҳамкор, ҳамроҳ қилиб қўйиши.

Достонда айни тушунчанинг нисбатан кенг бадиий тарзда асар сюжетига сингдирилганлиги ҳам юқорида келтирган тахминимизни тўғри деб хулоса чиқаришимизга асос бўлади. Чунки алплик тизимидаги бу тамойил тартиб жиҳатидан қаҳрамон алп сифатида ўз миссиясини бажаришга киришгандан кейин келади. «Алпомиш»нинг бу кунги ҳолати айни шу воқеалар баёнидан бошланиб давом этган. Шундай қилиб, достонда ҳамкор эран вазифаси Қултой образи зиммасига юкланган.

Достонда айтилади:

Қултой айтди:

– «Алпомишнинг белгиси шул эди, ўнг эгнида Шоҳимардон пирнинг беш панжасининг доғи бор эди, чап эгнида ўзимнинг беш панжамнинг белгиси бор эди».

Қултой шундай қудратли чол эдики, достонда келади: «Қултой ҳам заҳар чол эди. Ётган ерида бир қур ҳайт тортди, тўқсон тўқайдаги йилқи йиғилиб қошига етди, ҳамма йилқилар жам бўлиб турибди». Энг муҳим жиҳати Қултой Алпомишнинг оти Бойчиборни боқиб, тарбиялаган киши. Моҳият эътибори билан Гўрўғлига Соқибулбул ким бўлса Алпомишга ҳам Қултой шундай одам.

–«Алпомиш»да қаҳрамоннинг алп сифатида тан олиниши ҳам умумий қайдан иборат.

– Достонда қаҳрамоннинг жанговар йўлдоши бўлмиш от –Бойчиборнинг махсус тарбияси ҳам тасвир қилинмаган.

Ушбу қиёсий таҳлилдан ҳам маълум бўлмоқдаки, Алпомиш образи ўзбек халқининг алплик тизими ҳақидаги қадим тасаввурлари замирида шаклланган, бадиий талқинини олган. Даврлар ўтиши, достоннинг кейинги бадиий сайқал топиши жараёнида достондаги бир қатор алплик тизимига тегишли тамойиллар янги бадиий шаклга кирган, бир қанчаси умумлашиб статик кўринишда қайд этилиб келган. Бу ўринда алплик тизимига оид тушунчаларнинг асосий қисми достоннинг кириш қисмида қисқача ахборот шаклида қайд этилганини эслаш кифоя.

Бу эса ўз навбатида алплик тизими билан яхши таниш бўлмаган бугуннинг ўқувчи-тингловчиси учун бир қатор мотивларнинг сирли, жумбоқли бўлиб қолишига олиб келади. Масалан:

Алпликка мезон бўлиб хизмат қилаётган Алпинбийнинг ёйи қандай ёй? У қаердан келди?

Шоҳимардон пир қандай усулларда қаҳрамонни тарбият қилди?

Нега қаҳрамоннинг чап эгнига қултой ўз панжасини туширди ва ҳоказо.

Ушбу саволлар достон шаклланган, оғзаки ижодда гуркираб яшаётган пайтлар пайдо бўлиши мумкин эмас эди. Чунки у даврда тингловчи аудиториясига алплик тизими тушунарли, англамли бўлган. Яна биз юқорида қайт этгандек бу саволларни изоҳловчи достоннинг бошлама қисми (тахминан Алпинбой қисми) ҳам мавжуд бўлгандир деб тахмин этиш ҳам мумкин. Лекин факт шуки, бу қисмнинг бор-йўқлиги фанга маълум эмас. Фақат юқоридаги фактларгина тахмин этишга имкон беради.

Умуман олганда, қаҳрамонлик достонлари ўзагида турувчи алплик тизимини ўрганиб, «Алпомиш», «Гўрўғли» каби эпосларимизнинг туб асослари, шаклланиш, ривожланиш босқичларини ойдинлаштиришда, халқнинг умумэпик дунёқарашини, мифологик тасаввурлар оламини ёритиш муҳим таянч манбалардан бири бўлиб хизмат қилади.

Шомирза ТУРДИМОВ,
филология фанлари номзоди,
Давлат мукофоти совриндори.

Қонун ва ижро

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ ВА ИМКОНИЯТЛАР



Муддатли ҳарбий хизматга кузатилаётганларни ва резервга бўшатилаётган йигитларни байрамона тарзда кузатиш, кутиб олиш тадбирлари, шунингдек, резервга бўшатилганларни ишга жойлаштириш каби масалаларида давлатимизнинг юксак эътиборини эътироф этиш мумкин.

Бу борада Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан ҳам бир қатор самарали ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

– Қуролли Кучлар резервига бўшатилган фуқаролар хизмат даврида эгаллаган ҳарбий ва фуқаролик мутахассисликлари ҳисобга олинган ҳолда бўш иш жойларига жалб қилинмоқда, – дейди бошқарманинг меҳнат бозори ва бандлик бўлими бошлиғининг ўринбосари Зуҳра Ғойибназарова. – Бунда жойлардаги бўлимларимиз, туман ва шаҳар мудофаа ишлари бўлимлари ҳамда давлат ва жамоат ташкилотлари, ўз-ўзини бошқариш органлари ва маҳалла фаоллари билан биргаликда кенг кўламли ишлар қилинмоқда.

Шаҳар бўйича 2007 май ойидан шу кунга қадар бўлган ҳолатга эътибор қилсак, жорий йилнинг апрель-май ойларида резервга бўшатилганларнинг 65 фоизи доимий иш билан таъминланган бўлиб, юртимиздаги олий ўқув юртларига ўқишга кирганлар 20 фоизни, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ишга кириш учун ҳужжат топширганлар эса 15 фоизни ташкил қилади.

– Посбонларимизга ҳукуматимиз ғоят улкан ғамхўрлик қилмоқда, – дейди Юнусобод тумани меҳнат бозори ва бандлик бўлими бошлиғи Нозима Сулаймонова. – Ишлайман, деган азаматларга меҳнат бўлимлари томонидан квоталанган иш ўринлари таклиф этилади. Бизнинг тумандан ҳам 2007 йилнинг баҳорида резервга бўшатилган фуқароларнинг 50 фоизи меҳнат бўлими тавсия қилган бўш иш ўринларига жойлаштирилди. Ҳарбий хизматга қадар ишлаган корхона ва ташкилотларига қайтган 6 нафар йигитларимиз янги куч-ғайрат билан иш фаолиятларини давом эттиришмоқда. Мустақил равишда ишга жойлашганлар 20 фоизни ташкил этади. 10 фоизи эса тадбиркорлик билан шуғулланмоқда. Давлат секторига ишга жойлашганлар эса 10 фоиздан иборатдир.

Маҳамаджон ТОЖИБОЕВ, Юнусобод туманидан.

– Мен хизматим давомида жуда кўп нарсани ўргандим. Ҳарбий билимларни ўзлаштириш билан бирга маънавий шаклландим. Сабрли, метин иродали, меҳнатсевар қилиб тарбияларкан, армия. Бизга кўрсатилаётган катта эътибор туфайли ишга жойлашдим. Ҳозирда тумандаги 8-сонли автопаркда чилангар вазифасида ишлаб келаяпман. Шунингдек, намунали хизматим учун Тавсияномага муносиб топилган эдим, бу имкониятдан ҳам унумли фойдаланиб, Тошкент автомобиль йўллари институтига ўқишга кирдим. Шу кунларда ҳам ўқишда, ҳам ишда фаол бўлиб, келажакда комил инсон бўлиб шаклланиш мақсадида ўқиб, меҳнат қилмоқдаман.

Умид РАҲМОНОВ. 2006-2007 йилларда Қуролли Кучларимиз сафларида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган.

– Армияни ҳаёт мактаби деганларича бор экан, – дейди у биз билан суҳбатда. – Ҳарбий хизмат мени ҳар томонлама тоблади, чиниқтирди. Хизмат мобайнида яратилган шарт-шароитлар, бизга кўрсатилган ғамхўрликларнинг қиёси йўқ, ўқиб ўрганишимизда, маънан ва жисмонан юксалишимизда барча имкониятлар муҳайё қилинган. Хизматни ўтаб қайтганларга бериладиган имтиёзлар сабаб, туман меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими томонидан ишга жойлашдим. Шаҳримизнинг марказида кўрк бағишлаб, қад ростлаган «Дедеман» меҳмонхонасининг қўриқлаш хизматида қўриқчи вазифасида ишлаш билан бирга, иқтисодиёт йўналиши бўйича ўқишга киришга ҳам қизғин тайёргарлик кўряпман.

Рустам Расулий, Мирзо Улуғбек туманидан.

– 2007 йилнинг апрель ойида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтдим, –дейди Р.Расулий. – Ҳукуматимизнинг биз ёшларга кўрсатаётган эътибори туфайли қисқа муддат ичида ўзимга маъқул бўлган ишга жойлашдим. 2007 йилнинг июнь ойидан бошлаб Республика ИИВ Қоровул қўшинлари оркестрида мусиқачи вазифасида фаолият юритиб келмоқдаман. Армияда орттирган билимларим вазифамни аълo даражада бажаришимда жуда асқотмоқда.

Ҳа, юқорида таъкидлаганимиздек, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, эл-юрт корига камарбаста бўлган ўғлонларимиз хизматдан кейин ҳам берилган имтиёзлардан унумли фойдаланиб, Ватанимиз равнақига, унинг гуллаб-яшнашига муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Нозим АҲРОРОВ.
Баҳром АБДУРАҲИМОВ олган сурат.

Ўқув-услубий семинар

ТАҲЛИЛ ВА ЯНГИ РЕЖАЛАР

Ёш авлодни юксак маънавий-ахлоқий ҳамда ватанпарварлик руҳида тарбиялашда Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ҳузуридаги ҳарбий-техник тайёргарлик мактаблари катта аҳамият касб этади. Бугунги кунда ушбу ташкилот олдида турган вазифалар кўлами ниҳоятда кенглиги билан алоҳида ўрин тутади.

Миллий армиямиз қудратини мустаҳкамлашга кўмаклашиш, хусусан, ёшларни турли касбларга ўргатиш ва уларни она Ватанга садоқатли қилиб тарбиялаш каби вазифаларни ўз олдига мақсад қилиб олган МК «Ватанпарвар» ташкилоти бу борада бир қатор ишларни амалга ошириб келмоқда.

Чирчиқ шаҳрида жойлашган «Жалолиддин Мангуберди» спорт мажмуасининг мажлислар залида ташкилотнинг минтақавий кенгашлари раислари ва уларнинг ҳарбий-техник тайёргарлик бўйича ўринбосарлари ҳамда ўқув муассасалари бошлиқлари билан 2006-2007 ўқув йили якунлари ва 2007-2008 ўқув йилига тайёргарлик кўриш масалаларига бағишланган ўқув-услубий семинарда ҳам Қуролли Кучларимиз сафларига етук мутахассисларни тайёрлаб бериш кўлами ва сифатини ошириш каби вазифаларга алоҳида тўхталиб ўтилди.

Тадбирда Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги «Ўзбекистоннинг 16-йиллик тараққиёт йўли» номли маърузасида билдирилган фикрлар асосида ташкилот олдида турган вазифалар, ўқув муассасаларида ўқув-тарбиявий ишларни ва моддий ўқув базасини замон талаблари даражасида ташкил этиш бўйича ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирокида ўзаро фикр алмашилди.

– Қуролли Кучларимиз сафларини ҳар томонлама баркамол, соғлом, жисмонан ва маънан етук ёшлар билан таъминлашдек масъулиятли вазифада МК «Ватанпарвар» ташкилотлари ҳарбий-техника мактабларининг ҳам алоҳида ўрни бор, – дейди ташкилотнинг Бухоро вилояти кенгаши раисининг ҳарбий-техник тайёргарлик бўйича ўринбосари Тўхта Баротов. – Олиб бораётган барча ишларимиз, ўқув жараёнларимиз замирида мамлакатимиз эртаси бўлган ёшлар маънавиятини юксалтириш, ҳақиқий ватанпарвар эр йигитларни тарбиялашдек олий мақсад турибди. Бугунги ўтказилаётган ўқув-услубий семинар ҳам янги ўқув йилини юксак савияда ва юқори натижаларда ўтказиш учун катта замин бўлади.

Семинар давомида МК «Ватанпарвар» ташкилоти раисининг биринчи ўринбосари генерал-майор Қосимжон Мамедов «2006-2007 ўқув йилининг якуни ва 2007-2008 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари учун ҳарбий-техник мутахассислар тайёрлашга қўйилган талаблар асосида «Ватанпарвар» ташкилоти ўқув муассасаларининг вазифалари» мавзусида маъруза қилиб, ташкилот ва унинг минтақавий кенгашлари ҳамда ҳарбий-техник мактаблари олдида турган асосий масалаларга тўхталиб ўтди. Шунингдек, «Ўқув муассасаларида доимий ва ўзгарувчан таркиб билан маънавий тарбия, ҳарбий-ватанпарварлик тарғиботи тадбирларини режалаштириш ва амалга ошириш усулларини такомиллаштириш», «Ўқув марказда раҳбар, ўқитувчи, ўргатувчи усталар ҳамда спорт мутахассисларининг малакасини ошириш, қайта тайёрлашни ташкил этиш ва амалга ошириш» каби мавзуларда ташкилот Марказий Кенгашининг масъул ходимлари Ш.Жўраев, Ш.Ҳакимов, Ғ. Азимов ва бошқалар маъруза қилишди.

Тадбирнинг иккинчи куни Чирчиқ автомобилчилар тайёрлаш мактабида амалий машғулотлар кўргазмали ўқув машқи бўлиб ўтди. Унда автомобилларни янги ўқув йилига тайёрлаш, таъмирдан чиқариш, ўқув биноларини замон талаблари асосида жиҳозлаш каби масалаларга эътибор қаратилди.

Ўқув-услубий семинар давомида минтақавий кенгаш мутасаддиларига Қуролли Кучларга ҳарбий-техник мутахассислар тайёрлаш сифатини ҳарбий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар талаблари даражасига етказиш, тизимдаги ташкилотларнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрнини янада кучайтириш, «Ижтимоий ҳимоя йили» давлат дастури асосида белгиланган вазифалар ижросини изчил давом эттириш ҳамда ташкилот фаолиятига доир бошқа масалалар юзасидан тегишли кўрсатма ва тавсиялар берилди.

Аҳрор НОЗИМОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

Ички таъминот бўлинмаларида

АСКАР ДАСТУРХОНИГА

Куз фасли сарҳисоб палласидир. Айни кунда юртимиз далаларида ҳосил йиғим-терими авжида. Республикамиз иқлим шароити шу қадар ғаройибки, баҳор фаслининг сўнгги ойларидан бошлаб эртанги ҳосил йиғиштириб олиш бошланади, аслида.

Мудофаа вазирлиги қишлоқ хўжалиги бошқармаси томонидан берилган маълумотлар ҳам тасдиқлаб турибдики, ҳамма жойда маҳсулот жамғариш ишлари қизғин тус олган. Биргина Жанубий-ғарбий махсус ҳарбий округи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчи ички таъминот бўлинмалари томонидан 250 миллион сўмга яқин маҳсулот етказиб берилган. Бу борада Шарқий ҳарбий округи ҳам етакчилардан ҳисобланади. Мазкур округ миришкорлари шу кунга қадар 150 миллион сўмга яқин қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб бердилар. Жами маҳсулот ҳажми эса 2200 тоннадан зиёдни ташкил қилмоқда.

Хабарингиз бор, кейинги вақтларда ички таъминот бўлинмалари фаолияти сезиларли даражада кенгайган. Таъминот бўлинмалари фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга деҳқончилик ва чорвачиликни жадал ривожлантириш учун серсув ва қулай ерлар ажратилган эди. Бу ўз самарасини бериб, бўлинмалар маҳсулот етиштириш ва етказиб бериш ҳажмининг ўсишини таъминлади. Қисқа давр ичида ички таъминот бўлинмалари ғоят катта вазифани амалга оширдилар. Яъни аскар дастурхонини қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг картошкадан бошқа барча турлари билан юз фоиз таъминлашни зиммаларига олишди.

Қиш ойлари учун маҳсулотлар жамғариш шу кунларда қизғин паллага кирди. Бу борада ички таъминот бўлинмалари фаолиятида маҳсулотлар етказиб беришда узилиш ва камчиликлар бўлмаслиги учун уларни керакли техника воситалари билан таъминлаш яхши йўлга қўйилган. Йил охирига қадар икки миллиард сўмлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб бериш режалаштирилган.

Чорвачиликка ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Ем-хашак базасини мустаҳкамлаш мақсадида ҳозирдан тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Донли экинлар экиладиган майдонлар экишга тайёрланмоқда.

Ички таъминот бўлинмалари ишини янада жонлантириш мақсадида улар фаолиятини ўрганиш учун Мудофаа вазирлиги билан ҳамкорликда тегишли вазирликлар мутахассислари гуруҳи жойларда иш олиб бормоқда. Мазкур гуруҳнинг иш фаолияти 2008-2010 йилларга мўлжалланган истиқболдаги дастур режасида акс этади. Демак, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб берувчи ички таъминот бўлинмалари фаолияти янада юксалади.

Инобат НОДИРШОҲОВА.

ҲОСИЛИНГИЗГА БАРАКА



Ички таъминот бўлинмалари шахсий таркиби жанговар шайликни янада ошириш борасида бошқалардан қолишмайдилар. Шу кунларда улар нафақат ишончли, садоқатли посбон, балки миришкорликларини ҳам намойиш этмоқдалар. Таъминот бўлинмаси далаларида мўл ҳосил етиштирилди. Айни дамда аскар дастурхони янги узилган сабзавотлар, мева-чевалар билан янада бойиди.

Ҳарбий жамоамизнинг ички таъминот бўлинмаси ҳам бу йил қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан мўл ҳосил олишга эришдилар. Етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари биргина аскарлар эҳтиёжини қондирибгина қолмай ҳарбий хизматчиларнинг оилалари учун ҳам бозор нархидан анча-мунча арзон нархларда сотилди. Табиийки, бундан ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари беҳад мамнун бўлишди.

Сабзавот ва чорвачилик маҳсулотлари етказиб беришда миришкорларга посбонларимиз ҳам яқиндан ёрдам бермоқдалар. Оддий аскарлар – У.Абдураҳмонов, З.Тошев, Э.Жўраев, Д.Холбоевлар етиштирилган ҳосилни нест-нобуд қилмай озиқ-овқат омборларига етказиб беришда жонбозлик кўрсатдилар.

Шахсий таркиб эҳтиёжидан ортган чорвачилик ва деҳқончилик маҳсулотларидан ҳарбий хизматчиларнинг оилалари учун махсус ярмарка ташкил қилинди. Мазкур ярмарка маҳсулотлари арзон ва сифатлилиги билан ажралиб туради. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи ички таъминот бўлинмаларининг фаолияти шу тариқа юксалаверса, ҳарбий хизматчилар оилаларининг иқтисодий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиладиган бу каби эзгу ишлар салмоғи ҳам ортаверади.

Майор Муҳаммаджон ҚОРАБОЕВ.

Қарор ва ижро

КАРТОШКА ЯНАДА КЎПАЯДИ

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар жараёнида мева-сабзавотчилик тармоғини ва ушбу йўналишдаги илм-фан ривожини жадаллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бу борада Президентимиз Ислом Каримовнинг 2006 йил 11 январда қабул қилинган «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори дастуриламал бўлмоқда.

– Олимларимиз картошканинг янги нав ва дурагайларини яратиш борасида самарали ишларни амалга оширмоқда, – дейди Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг картошка селекцияси ва уруғчилиги бўлими бошлиғи, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Аҳмаджон Расулов ЎзА мухбирига. – Ҳозир картошканинг касалликларга чидамли, иқлим шароитимизга мос, серҳосил, эртапишар навларини яратиш ва истиқболли агротехника қоидаларини ишлаб чиқиш устида иш олиб бораётирмиз.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда бошқа соҳалар каби картошкачилик ҳам ривожланиш босқичига кўтарилди. Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти ва институтимиз селекционер олимлари унинг «Тўйимли», «Ақраб», «Бардошли-3» ва «Умид» каби саккиз навини яратдилар. Булар орасида «Тўйимли» нави ҳосилдорлиги, касалликларга чидамлилиги ва сифати билан деҳқонларга ҳам, истеъмолчиларга ҳам манзур бўлмоқда. «Диёра» нави айни пайтда нав синаш комиссиясида синовдан ўтказилмоқда. Барча соҳаларда бўлгани каби қишлоқ хўжалиги йўналишида ҳам халқаро ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга. Картошкачилик борасида Жаҳон картошкачилик маркази, россиялик ва беларуслик мутахассислар билан тажриба алмашиш йўлга қўйилган. Жумладан, институтимиз олимлари Жаҳон картошкачилик маркази билан ҳамкорликда Польша ва Чилидан келтирилган 7 нав ва 34 картошка дурагайини икки йил давомида синовдан ўтказди. Ҳозир улар орасидан иқлим шароитимизга мос тўрт намуна ажратиб олиниб, экологик синовдан ўтказилмоқда. Уларнинг шўр ерларга чидамлилиги ва қайта ишлашга мослиги ҳам ўрганилмоқда.

Картошка тоғ ва тоғолди минтақаларида яхши ҳосил беради. Шу боис ҳарорат 30 даражадан паст ва намчил ҳавода картошка гулидан ҳам мева тугади. У ботаник ёки ҳақиқий уруғ дейилади. Бундай сепма уруғлар бир-биридан 5 сантиметр узоқликда экилиб, кўчат етиштирилади. Бизнинг иссиқ иқлимимизда картошка гуллари мева бермай, тўкилиб кетади. Агар «Чи-1» дурагайини иқлим шароитимизга мослаштира олсак, картошка уруғи билан боғлиқ муаммолар ҳал бўлади. Ҳозирда тажрибалар давом эттирилмоқда.

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан олинган маълумотларга кўра, кечки картошка ҳосилдорлигини ошириш ва навларни янгилаш мақсадида жорий йилда мамлакатимизга 3,5 минг тонна картошка уруғи Голландиядан келтириб экилди. Ҳозир юртимизда кечки картошка етиштириш тадбирлари давом этмоқда.

Истиқлолнинг илк йилларида ҳар гектар ердан 8,5 тонна ҳосил олинган бўлса, ҳозир бу рақам 18-19 тоннагача етмоқда. Ўтган йили ялпи ҳосилдорлик бир миллион тоннадан ошди. Мамлакатимизда Картошкачиликни ривожлантириш дастурига биноан 2010 йилгача йиллик ялпи ҳосилни бир ярим миллион тоннага етказиш режалаштирилган.

ЎзА.

Ўзбекистон – дунё нигоҳида

СОҲАДА ЮКСАЛАЁТГАН САЛОҲИЯТИМИЗ

Оммавий ахборот воситаларидан яхши маълумки, ортда қолган ҳафтада пойтахтимизда ахборот-коммуникация технологиялари бўйича бешинчи халқаро саммит бўлиб ўтди.

Яхши биламиз, дунё ахборот асри бўлган бир даврда яшамоқда. Шу маънода мамлакатимиз ҳаётига ҳам изчиллик билан ахборот-коммуникация тизимидаги ўзгаришлар, янгиланишлар кириб келмоқда. Табиийки, мазкур янги соҳа ўзига хос ислоҳотларни, бой, илғор тажрибаларни ўзлаштиришни тақозо қилмоқда. Бугун ахборот-коммуникация технологиялари салоҳиятини ошириш, тизимга замонавий дастурий таъминотни кенг татбиқ этишни, соҳада соғлом рақобатни шакллантиришни, сармояларни кенг жалб этишни замон бизлан талаб қилмоқда. Қолаверса, дунёда кечаётган глобаллашувдек бир шароитда ахборот хавфсизлиги деган тамойил ҳам борлигини унутмаслигимиз, бу борадаги ишларимизни кучайтиришимиз керак.

Шу нуқтаи назардан олиб қараганда ҳам анжуман биз учун ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Таъкидлаш жоизки, саммитда Озарбайжон, Буюк Британия, Германия, Канада, Жанубий Корея, Япония, Голландия, Россия, Қозоғистон, Тожикистон, Таиланд ва Украина каби мамлакатлардан 300 нафардан ортиқ делегат қатнашишди. Шунинг ўзи ҳам унинг нуфузини белгилайди. Хўш, ниҳоясига етган саммит биз учун, қолверса бошқа иштирокчилар учун ҳам қанчалар самарали бўлди?

Анжуман давомида соҳани изчил ривожлантириш йўлида стратегия таклиф этилди. Бу борадаги технологиялар, инфратузилмалар бўйича тажрибалар алмашилди.

Қувонарлиси шундаки, анжуман ишида иштирок этган Халқаро телекоммуникация иттифоқи Бош котиби Хамадун Туре Ўзбекистонда бу йўналишда олиб борилаётган сиёсатга, ислоҳотларга юксак баҳо бериб, жумладан шундай деди: «Ўзбекистонга учинчи марта келишим. Ҳар гал келганимда мамлакатингизда ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси жадал ривожланиб бораётганига ишонч ҳосил қиламан. Ўзбекистонда қисқа вақт ичида мобиль алоқа абонентлари сони қарийб 4,5 миллион ва қайд этилган алоқа абонентлари сони 3 миллион нафардан ортгани ҳам бундан далолат беради. Интернетдан фойдаланувчилар сони эса 2 миллион кишига яқинлашмоқда. Президент Ислом Каримовнинг соҳани ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётганини, Ўзбекистоннинг ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатларини юксак баҳолаш лозим».

Шунингдек, у юртимизда ахборот-коммуникация технологиялари бозори иштирокчилари учун пухта ўйланган сиёсат юритилиб, турли имтиёзлар, истиқболли технологияларнинг жорий этилаётганини алоҳида эътироф этди.

Саммит ниҳоясида мамлакатимизда мазкур соҳани янада ривожлантириш борасида резолюция қабул қилинди. Ишончимиз комилки, мазкур муҳим ҳужжат Ўзбекистонимизнинг ахборот-коммуникация соҳасида ҳам ҳеч кимдан кам эмаслигини, ҳеч кимдан кам бўлмаслигини таъминлаб, жамиятимиз тараққиётига ўзига хос улуш қўшади.

Сафар АЛИЕВ.

МУТОЛАА БАЙРАМИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТДИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида «Мутолаа байрами – 2007» китобхонлик ўн кунлиги якунланди.



Мамлакатимизда кутубхоналар фаолиятини янада такомиллаштириш, аҳолини, айниқса ёшларни янада кенгроқ ва тизимли ахборот билан таъминлаш учун зарур шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 20 июнда қабул қилинган «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида» ги қарори бунинг яна бир ёрқин далилидир.

Миллий кутубхона кутубхоначилик ва библиография бўйича юртимиздаги энг йирик илмий-услубий марказдир. У олти ярим миллиондан ортиқ тарихий, илмий, ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий китоб захирасига эга. Замонавий қироатхоналар, интернет, медиа марказлари китобхонлар ихтиёрида. Кутубхонада китобхонларга тезкор ва сифатли хизмат кўрсатиш, янги адабиётлардан ёшларни бохабар этиш, адабиётлар тарғиботининг турли шакл ва усулларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу ерда ўн кун давомида ўтказилган «Мутолаа байрами – 2007» бунинг далилидир. Тадбирда Тошкент шаҳри ҳамда пойтахт вилоятининг ўқувчи ва талабалари, ўқитувчилар, ижодкор зиёлилар фаол иштирок этди. Юртимизда янги нашр этилган адабиётлар билан биргаликда электрон қўлланмалар, илмий-маърифий порталлар, маълумотлар базасининг тақдимотлари, китоблар, фотоальбомлар кўргазмаси, кутубхоначилик ишини такомиллаштиришга оид семинарлар, илмий анжуманлар, таниқли ёзувчи ва шоирлар, олимлар иштирокида давра суҳбатлари ўтказилди.

Н.УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА



Спецоперация «Памир»

Международные силы по содействию безопасности НАТО начали в Афганистане операцию «Памир», сообщает «Army Times». Операция, как ожидается, продлится до начала весны 2008 года, сообщил представитель НАТО Джеймс Аппатурей. Операция призвана «поддерживать давление» на боевиков.



Новый теракт

В Багдаде (Ирак) произошел очередной теракт. В центре столицы взорвался заминированный автомобиль. Погибли не менее 13 человек, и 30 получили ранения, передает ИТАР – ТАСС. Припаркованная машина была подорвана в многолюдном квартале в районе Эль-Фадль. Взрыв был сильным и причинил большой материальный ущерб находящимся поблизости магазинам и домам.



Форум по межрелигиозному сотрудничеству

В штаб-квартире ООН проходит первое заседание Диалога высокого уровня по поощрению межрелигиозного и межкультурного взаимопонимания и сотрудничества на благо мира, сообщает РИА Новости. В этом беспрецедентном мероприятии примут участие духовные и культурные лидеры различных наций, ученые, представители частного сектора и неправительственных организаций. Решение о созыве такого Диалога было принято всеми нациями ООН в мае нынешнего года и закреплено резолюцией Генассамблеи.



Сближение народов

Межкорейский саммит, который станет важной вехой на пути объединения двух Корей, завершился подписанием масштабного документа – межкорейской Декларации о мире. В нем содержится призыв к обеспечению мира между двумя Кореями и «совместному процветанию». Всего в декларации восемь пунктов.



К 2015 году – вертолетный бум

По прогнозу компании «Forecast International», в ближайшее десятилетие мир будет переживать вертолетный бум. При производстве геликоптеров будут не только активно применяться новые технологии, но и сами вертолеты будут производиться в рекордном количестве модификаций, утверждает «Washington ProFile». В ближайшее десятилетие в мире будет произведено 18,7 тысячи вертолетов, как гражданских, так и военных.




Столкновения палестинских беженцев

В лагере палестинских беженцев Мия-Мия под Сайдой вспыхнули столкновения между активистами Исламского движения «Хамас» и группировки «Фатх». Как передал телеканал «Аль-Джазира», причина конфликта, который грозит перекинуться в другие палестинские лагеря в Ливане, неизвестна. Стороны несут потери.



Помесь автомобиля с телефоном

Свой проект реализовали «Renault» и «Nokia». Они разработали версию компактного автомобиля «Twingo». Новое авто окрашено в эксклюзивный цвет, имеет супермодернизированную отделку салона и множество электронных «наворотов». «Renault Twingo Nokia» оснащен аудиосистемой (140 Ватт) с поддержкой MP3 и USB-разъемом. Машина оснащена навигационной системой, работающей совместно со встроенным телефоном «Nokia 6110». Особая версия «Twingo» оснащается либо 75-сильным бензиновым двигателем объемом 1,2 л, либо полуторалитровым турбодизелем мощностью 65 л.с.



У динозавра 800 зубов

Американские ученые обнаружили в штате Юта останки динозавра, у которого насчитывалось 800 зубов, передает ИТАР – ТАСС. Обнаруженный гигант из семейства гипозавров размером около девяти метров, несмотря на ужасающий вид, был травоядным. Он жил 75 млн. лет назад и ходил на двух ногах. Найденный гипозавр стал четвертым, останки которого удалось обнаружить археологам. Первый был найден около 100 лет назад.

(www.NEWSru.com).

БАРКАМОЛ АВЛОД – ЮРТ ТАЯНЧИ

Сила и ловкость – для боя, для победы

ИНСТРУКТОРЫ ПОВЫШАЮТ МАСТЕРСТВО

В эти дни проводятся сборы инструкторов по рукопашному бою воинских частей, проходящих подготовку по методике обучения айкидо.

– На первом этапе сборов проводились занятия по общей физической подготовке, специальные страховочные упражнения, изучались стойки, передвижения, простые приемы самозащиты, – рассказывает начальник сборов майор Фаррух Юлдашев. – Ведь айкидо является таким боевым искусством, которое предполагает неуязвимость и постоянную готовность к любой неожиданности.

С первых же занятий с военнослужащими вице-президент Федерации айкидо Узбекистана, обладатель черного пояса и третьего дана Шавкат Халмухаммедов стремился донести до подопечных, что цель айкидо – совершенствование личности, оно не может и не должно служить для достижения эгоистичных целей. Впрочем, научить защитников Родины основам одного из самых молодых видов восточных единоборств – разве может быть цель благороднее?

Если на первом этапе сборов участники осваивали простейшие способы эффективного использования в защитных целях энергии движений самого нападающего, то на втором уже изучаются боевые приемы без оружия. Вообще, в айкидо обычно применяется три вида оружия – обычная палка, меч и кинжал. И уже на втором этапе начинаются инструкторско-методические занятия.

– Для нас особенно важен именно этот момент, – делится впечатлениями один из участников сборов младший сержант Умар Суяров. – Лично у меня еще немного опыта в качестве инструктора по рукопашному бою, поэтому занятия с опытными мастерами имеют огромное значение для моего профессионального роста. Не сомневаюсь, что обретенные здесь знания и навыки пригодятся в дальнейшем для обучения личного состава.

Среди участников сборов немало и опытных бойцов. Например, младший сержант Джамшид Хусаинов имеет черный пояс по каратэ шотокан. За четырнадцать лет службы в Вооруженных Силах через руки мудрого наставника прошло немало воинов. Часть из них связали жизнь с армией, а другие добились заметных успехов в спорте после срочной службы. Однако самому Джамшиду очень интересно освоить новый для себя вид восточных единоборств, приобщиться к философии айкидо.

В газете «Ватанпарвар» читатели уже встречались с информацией о чемпионе мира по универсальному бою капитане Шавкате Болтаеве. Мастер юнифайта и здесь активно набирает форму, являясь нештатным помощником руководителя сборов. Опытный инструктор помогает проводить сэнсею подготовительную и завершающую часть занятия, ведь во всех видах единоборств порядок разогревания мышц и последующего расслабления после нагрузок примерно одинаковый.

– Представителями Федерации айкидо были организованы для нас показательные занятия с участием ведущих мастеров нашей страны, – рассказывает младший сержант Джамшид Хусаинов. – Хотелось бы искренне поблагодарить за впечатляющий показ возможностей этого вида боевых искусств.

На третьем, завершающем этапе сборов акцент будет сделан именно на методике обучения. Запланирован просмотр учебных фильмов, каждый участник сборов в качестве руководителя проведет одно занятие, где его методические знания и навыки будут критически оценены профессионалами этого вида спорта.

Понаблюдав за работой инструкторов на татами, отдаешь должное тому, как они качественно освоили новый для себя вид за такой короткий срок. Конечно, этого могут добиться только они, имеющие солидную базовую подготовку по своему основному виду. А для неопытных новичков освоение секретов айкидо обычно растягивается на многие годы.

Майор Алишер НУРЛАНОВ.
Фото **Бахрома АБДУРАХИМОВА.**





Информация в номер

ИНТЕРЕСНЫЙ МАТЧ

3 октября в Термезе состоялся товарищеский матч по футболу между сборными командами войск Министерства обороны Республики Узбекистан и контингента бундесвера ФРГ.

Встреча началась с церемонии открытия, организованной совместно с хокимиятом областного центра на центральном стадионе «Алпомиш». На матче присутствовало более трех тысяч зрителей из числа допризывной молодежи, военнослужащих.

В результате качественной организации командованием ЮЗОВО прошедшей игры матч прошел на высоком состязательном уровне, с соблюдением всех мер безопасности. Итоговый счет 2:0 в пользу сборной войск Министерства обороны Республики Узбекистан. Голы забили младший сержант Джахонгир Мардонов и майор Уткир Абдурахманов.

Команда соперников, возглавляемая штаб-фельдфебелем Юргеном Нолем, несмотря на проигрыш, осталась довольна интересной игрой.

Соб. инф.

СПОРТ КАЛЕЙДОСКОПИ

Украинанинг Евпатория шаҳрида ўзбек спорти – кураш бўйича йирик халқаро турнир бўлиб ўтди.

Мусобақада Украина, Греция, Грузия, Ўзбекистон каби ўндан ортиқ мамлакатлар полвонлари иштирок этди. Уч кун давом этган баҳсларда эркаклар 81, 90 ва мутлақ, ўсмирлар 55, 60, кг, аёллар эса фақат мутлақ вазн тоифасида гиламга чиқдилар.

Россиянинг Нижний Новгород шаҳрида футбол бўйича ногиронлар ўртасида МДҲ кубоги мусобақалари бўлиб ўтди. Мазкур турнирда Ўзбекистон терма жамоаси ҳам муваффақиятли иштирок этди.

Дастлабки учрашувда майдон эгалари – россияликларни 3:2 ҳисобида доғда қолдирган вакилларимиз кейинги учрашувларда Молдавия (12:0), Абхазия (14:0) ва Украина (14:1) жамоаларини мағлубиятга учратдилар. Бош соврин учун ўтказилган ҳал қилувчи финал учрашувида яна Ўзбекистон ва Россия жамоалари рўбарў келишди. Минглаб ишқибозларнинг майдон эгаларини қўллаб-қувватлаши ва ҳакамларнинг баъзи «ён босиш»ларига қарамай, юртдошларимиз 2:1 ҳисобида ғалаба қозониб, МДҲ кубоги соҳибита айланишди.

Франциянинг France Football журнали таҳририяти жорий йилдан эътиборан «Олтин тўп» совринини аввалгидек Европа эмас, балки дунёнинг энг яхши футболчисига берадиган бўлди. Совриндорни барча қитъалардан жалб қилинган 100 нафар спорт журналисти аниқлаб беради. «Олтин тўп»нинг шу йилги соҳибини тақдирлаш маросими 2 декабрь куни Парижда ўтказилади.

Мехико (Мексика)да шахмат бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати якунланди.

ФИДЕ шафелигида ўтказилган чемпионатда дунё рейтингида юқори ўринларда турувчи саккиз нафар гроссмейстер қатнашди. Унда рақибларидан анча кучли ўйин намойиш этган ҳиндистонлик Вишванатан Ананд жаҳон чемпионлигини қўлга киритди.

Шахмат оламида «Мадраслик йўлбарс» деб аталувчи ҳинд ўғлони янги жаҳон рейтингида ҳам 2801 балл билан биринчи ўринга мустаҳкам ўрнашиб олди. Энди у ўз чемпионлик титулини келаси йили россиялик собиқ чемпион Владимир Крамникдан 12 партиялик баҳсда ҳимоя қилади.

2008 йили ёзги Олимпиада ўйинларига мезбонлик қиладиган Пекин шаҳри байрамга катта тайёргарлик кўрмоқда. Жумладан, Хитой ҳукуматининг пойтахт яқинидаги 1000 дан ортиқ кўмир конларини ёпиб қўйиш тўғрисидаги қарори кучга кирди. «АР»нинг ёзишича, мазкур шахталарга эгалик қилувчиларнинг кўпчилиги лицензиясиз, ноқонуний йўл билан фаолият юритар экан. Улар ўз ишларини тўхтатишлари учун 15 кун муҳлат берилди.

Олимпиада ўйинлари эса келгуси йили 8 августдан 24 августга қадар давом этиши режалаштирилган.

IV Всемирные военные игры

ВОЕННЫХ СПОРТСМЕНОВ СОБИРАЕТ ХАЙДАРАБАД

В преддверии IV Всемирных военных игр, которые состоятся с 14 по 25 октября сего года в индийском городе Хайдарабаде, хотелось бы предоставить нашим читателям более подробную информацию об этих главных стартах четырехлетия для военных спортсменов.

Международный военный спортивный совет создан в 1948 году. Поскольку в первоначальной транскрипции эта аббревиатура писалась Conseil International du Sport Militaire (CISM), то сложилась традиция так и называть эту организацию – СИЗМ. В настоящее время ее членами являются 148 стран со всех континентов. Ее президент – бригадный генерал Джанни Галли.

Спортсмены Узбекистана впервые участвуют во Всемирных военных играх в таком широком составе – за медали в Индии будут бороться представители легкой атлетики, бокса, вольной борьбы и дзюдо.

Однако уже на III Всемирных военных играх, проходивших в 2003 году в Италии, очень успешно выступила боксерская дружина Узбекистана. Наши мастера перчатки заняли тогда второе общекомандное место, уступив только сильной команде России. Золотых медалей игр удостоились старший лейтенант Дильшод Махмудов и служащий Вооруженных Сил Шерзод Хусанов. Кроме того, Дильшод Махмудов был назван лучшим боксером соревнований. Несмотря на такое небольшое представительство, в общем зачете наша сборная заняла итоговое десятое место среди более ста стран мира.

На предстоящих IV Всемирных военных играх медали будут разыграны по 15 видам спорта: военному пятиборью (пентатлону), волейболу среди мужчин и женщин, боксу, борьбе вольной и греко-римской, гандболу, дзюдо, легкой атлетике, парашютному спорту, плаванию, стрельбе, триатлону, футболу (мужчины и женщины), хоккею на траве и кабадди (разновидность волейбола ногами). Последние два вида будут представлены впервые, поэтому медали по ним не будут идти в общий зачет сборных команд.

У наших атлетов прекрасные шансы достойно защитить спортивную честь страны на столь представительном форуме. Кроме боксеров, реальными претендентами на медали являются легкоатлеты, дзюдоисты и мастера вольной борьбы.

Соб. инф.

Люди армейского спорта

ЕГО ПРИЗВАНИЕ – АТЛЕТИЗМ

Инструктора по физической подготовке и спорту МХСК младшего сержанта Самариддина Бойсунова хорошо знают и уважают все, кто увлекается бодибилдингом. Любовь к атлетизму прививали ему командиры еще в период прохождения им срочной службы. А теперь он уже сам учит юношей и девушек тому, как правильно «строить» свое тело.



– Младший сержант Бойсунов является примером для сослуживцев во всем, – тепло отозвался о подчиненном начальник спорткомплекса МХСК офицер Нозир Валиев. – Своей исполнительностью, высокой дисциплинированностью он увлекает товарищей, всегда готов им оказать методическую помощь, дать совет и по вопросам повседневной служебной деятельности.

Читателям нашей газеты пришлась по душе новая рубрика «Атлетический клуб будущего воина». Настало время раскрыть наш небольшой секрет: на фото в последних номерах газеты позиции при исполнении тех или иных упражнений показывает именно он, младший сержант С.Бойсунов. Выбор на него выпал отнюдь не случайно, ведь и по внешним физическим данным и по верности показа в плане методики нет ему равных.

Парня привел в мир спорта наставник Сохиб-ака Исламов, строго наказав и в армии не прерывать занятий спортом. В армейском коллективе только поддержали стремление солдата накачивать мускулатуру. Ведь это благотворно сказывалось на его ратном труде, поскольку физически развитому молодому человеку трудности армейской службы вполне по плечу. А теперь у военного профессионала есть и свои ученики, такие, как рядовые срочной службы Батыр Раджабов, Джамол Назаров и другие.

Посетители спортивного комплекса с благодарностью отзываются о трудолюбивом и исполнительном инструкторе, усилиями которого тренажерный комплекс всегда работает исправно, а приходящие военнослужащие и члены их семей обязательно получают квалифицированные советы, как накачать фигуру, не травмироваться.

– Мне уже много лет доставляет истинное удовольствие заряжаться здесь здоровьем и энергией, – говорит трехкратный чемпион Вооруженных Сил по теннису в своем возрасте полковник в отставке Шавкат Камбаров. – Наличие богатого опыта физической подготовки не мешает мне периодически получать консультации у специалистов по бодибилдингу, а младший сержант Бойсунов является одним из самых квалифицированных инструкторов в МХСК.

И действительно, работа мышц с отягощениями не приемлет упрощенчества, здесь очень важен правильный подход, четко выработанная система. В деле по развитию максимальной силы, формированию объема и пропорций тела также важны режим питания и тренировок. По всем этим вопросам опытный инструктор всегда может дать нужный совет.

Майор Зайниддин ХАЙРИТДИНОВ.

Футбол. Ўзбекистон чемпионати

ҲАР БИР ЎЙИН – ҲАЛ ҚИЛУВЧИ

Олий лига жамоалари ўртасидаги миллий чемпионатимиз баҳслари ҳал қилувчи паллага кириб бормоқда. Юқори ўринларни эгаллаб турган жамоалар учун ҳам, олий лигада «жон сақлаб қолиш» учун интилаётган клублар учун ҳам ҳар бир очко олтинга тенг баҳоланадиган давр келди. Сўнгги учрашувларда жамоалар томонидан кўрсатилаётган қизғин, муросасиз ўйинлар ҳам бундан далолат бериб турибди. Ўзбекистон футбол федерацияси томонидан «келишилган ўйинлар»га қарши кескин кураш олиб борилаётгани ҳам чемпионатимиз янада қизиқарли бўлишига ўз ҳиссасини қўшиши табиий.

Куникеча 22-тур учрашувлари ҳам ўз ниҳоясига етди. Мусобақа пешқадами – Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси Сариосиёда «Тўпаланг» меҳмони бўлиб, майдон эгаларининг кескин қаршилигига дуч келди. Хавфли зонада турган «Тўпаланг» номдор жамоадан ҳеч бўлмаса бир очко тортиб олиш учун жон-жаҳди билан ҳаракат қилди. Аммо маҳорат ва тажриба бу борада устун келиб, олтин медалларга асосий даъвогар бўлиб турган пахтакорчилар 1:0 ҳисобида ғалабага эришдилар. Учрашув тақдирини ҳал қилган ягона тўпни ўйиннинг 17-дақиқасида Т.Копадзе киритди.

Чемпионатнинг кумуш медалларига даъвогарлик қилаётган «Қурувчи» ва «Машъал» жамоалари ҳам ўз ҳисобларига навбатдаги ғалабаларни ёзиб қўйишди. Ўз майдонида «Бухоро»ни қабул қилган «Қурувчи» футболчилари ҳимоячи Г.Гочкулиев томонидан учрашувнинг 4-ва 90-дақиқаларида киритилган икки гол ҳисобига уч очко соҳибига айланишди. Улардан икки очкога ортда қолаётган «Машъал» эса «Вобкент» жамоаси меҳмони бўлиб, 4:2 ҳисобида муҳим ғалабага эришиб қайтди. «Нефтчи» футболчилари ҳам мағлубиятлар сериясига чек қўйиб, ушбу турда ўз майдонларида И.Шквирин бошчилигидаги «Қизилқум» жамоасини 4:2 ҳисобида доғда қолдиришди. Тошкент «дерби»да эса олий лигада қолиш учун астойдил ҳаракат қилаётган «Локомотив» жамоаси «Трактор» қаршилигини енгишга муваффақ бўлди (2:1) ва бир поғона юқорига кўтарилиб олди.

Қолган учрашувларда эса қуйидаги натижалар қайд этилди: «Андижон» – «Самарқанд» – 1:0, «Шўртан» – «Металлург» – 2:1, «Насаф» – «Навбаҳор», 1:0.

Турнир жадвалида 60 очко тўплаган «Пахтакор» пешқадамлик қилмоқда. «Қурувчи» (53 очко) ва «Машъал» (51 очко) жамоалари иккинчи ва учинчи ўринларда боришмоқда. Навбатдаги тур учрашувлари 6 ва 7 октябрь кунлари бўлиб ўтади.



С.ПЎЛАТОВ.

Теннис. Открытый чемпионат МХСК

ПРАЗДНИК МАСТЕРОВ РАКЕТКИ

Открытый чемпионат МХСК по теннису для армейских любителей этого вида спорта и является таким праздником. Ведь на нем не только выясняются сильнейшие спортсмены, на данном состязании каждая встреча становится прекрасным зрелищем для болельщиков. К тому же, чемпионат ценен и как школа повышения мастерства для самых юных теннисистов.



Отрадно, что именно будущим теннисным «звездам» этот турнир дает шанс во весь голос заявить о себе. Как это сделала Арина Фольц, не только победив в своей возрастной группе десятилетних девочек, но и заняв третье место в самом старшем возрасте. В своем финале она обыграла Наргизу Каримову. А в старшем возрасте финал свел между собой Алину Абдурахимову и Полину Меренкову, где верх взяла Алина.

Бескомпромиссно проходили и состязания среди юношей. В самом старшем возрасте Руслан Гусеинов в решающем поединке переиграл Гафура Шофайзиева, во второй возрастной группе Шухрат Гизатулин выиграл у Диёра Хайритдинова, а в споре мальчиков не старше двенадцати лет Владислав Харламов был сильнее Саши Цаткина.

Взрослые теннисисты состязались в парном разряде. Здесь дуэт в составе Владимира Бегларяна и Атхама Очилова сумел преодолеть упорное сопротивление нашей пары Валиев – Худойбердиев. По словам главного секретаря соревнований Рабина Тазетдинова, соперники показали красивый, зрелищный теннис, порадовав поклонников этого вида спорта.

Наш корр.

Атлетический клуб будущего воина

РАЗВИВАЕМ ВЕРХНЮЮ ЧАСТЬ СПИНЫ

ДВИЖЕНИЯ ГРЕБЦА ОДНОЙ РУКОЙ С ГАНТЕЛЬЮ

Движения гребца одной рукой с гантелью создают нагрузку на мышцы верхней части спины, особенно на широчайшие, на мышцы плеч и рук.

Выполнение движений гребца одной рукой. Наклонитесь вперед, опершись одной рукой и коленом о скамейку. Другую руку опустите вниз и возьмите гантель, приподняв ее над полом. Рука с отягощением должна оставаться прямой. Тяните гантель вверх по направлению к грудной клетке, напрягая мышцы спины, которая при этом должна оставаться прямой, а мышцы живота – подобранными. Когда вы будете тянуть гантель вверх, сделайте легкий разворот корпуса, чтобы увеличить диапазон движения. Затем медленно возвращайтесь в исходную позицию и на один миг распрямите мышцы спины.





ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ ЭГАЛАРИ

«Келажак овози»

НАВБАТ – ФИНАЛГА!

Истеъдодли ёшларни излаб топиш, уларни қўллаб-қувватлаш ва қобилиятларини руёбга чиқариш учун барча шарт-шароитлар яратилган юртимизда бугун иқтидор эгалари яна парвоз майдонига чорланмоқда.



«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси бундай келажаги порлоқ ва самараси улкан саъй-ҳаракатларни ўз фаолиятининг асосий мақсад ва вазифаларидан бири деб ҳисоблайди. Жорий йилнинг 1 мартида «Келажак овози» кўрик-танлови эълон қилинган эди ва аризаларни қабул қилиш жараёни 1 августга қадар давом этди. Ниҳоят, ариза топширган ёшлар орзиқиб кутган онлар ҳам етиб келди. Танловни ташкил этиш ва уни ўтказиш республика Жамоатчилик Кенгашининг қарорига мувофиқ 6-15 август кунлари 12 та вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган «Келажак овози» танловининг минтақавий саралаш босқичларида 15 дан 25 ёшгача бўлган ижодкор йигит-қизлар иштирок этдилар.

Шу ўринда рақамларга мурожаат қилсак: 2005 йилда ушбу танловда 3 мингга яқин ёшлар иштирок этган бўлса, 2006 йилда уларнинг сони 10 мингтага етди. «Келажак овози–2007» танловида эса иштирок этмоқчи бўлган ёшлардан жойларда 32 мингга яқин аризалар қабул қилинди. Жумладан: «Тасвирий ва амалий санъат» йўналишида 8 минг, «Ахборот ва коммуникацион технологиялар» йўналишида 1,5 минг, «Рационализаторлик таклифлар, техник лойиҳалар ва ишланмалар» йўналишида 1,5 минг, «Ижтимоий лойиҳалар ва бизнес режа» йўналишида 2 минг, «Архитектура ва дизайн» йўналиши 2 минг,«Бадиий ижод ва публицистика» йўналишида 10 минг, «Спорт» йўналишида 7 мингта ёшлар ғолибликка даъвогарлик қилишди. 549 нафар иқтидор соҳиблари тақдирландилар ва шу йилнинг декабрь ойида Тошкентда ўтадиган республика босқичига йўлланма олдилар.

Бу ерда энг сара иштирокчилар йиғилган бўлиб, улар бир неча кун давомида пойгахтда қолишади ва ўз ижод намуналарини республика ҳакамлар ҳайъати олдида ҳимоя қиладилар. Шунингдек, ўзаро дўстлашиш, тажриба алмашишдек имкониятга ҳам эга бўладилар. «Келажак овози»нинг еттита йўналиши бўйича тақдирлаш маросими анъанага кўра, «Халқлар дўстлиги» саройида маданият ва санъат арбоблари ҳамда эстрада юлдузлари иштирокида ўтади. Жорий йилдан бошлаб Жамоатчилик Кенгашининг қарорига биноан танловнинг финал босқичи ғолиблари сони 40 тадан 120 тага оширилади.

Вилоят ҳакамлар ҳайъати вакилларининг эътироф этишларича, жорий йилда «Бадиий ижод», «Тасвирий ва амалий санъат» каби номинацияларда рақобат жуда кучли бўлди. «Рационализаторлик таклифлар, техник ишланмалар ва лойиҳалар», «Ижтимоий лойиҳа ва бизнес режалар» каби номинацияларида ҳам ёшларимиз бир неча йирик ва долзарб лойиҳаларни тақдим қилишди. Бундан ташқари иштирокчиларга қулайлик яратиш мақсадида бу йил вилоят марказларидан узоқ бўлган туманларда ҳам саралаш босқичлари ўтказилди.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг ҳар йили танловнинг минтақавий саралаш босқичлари ғолибларини тақдирлаш маросимларини ўтказиш мақсадида вилоятларимиз бўйлаб сафар уюштириши анъанага айланиб қолган. Бу йилги делегацияга жамғарма вакилларидан ташқари «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари марказининг 50 га яқин фаоллари – таниқли эстрада хонандалари Тоҳир Содиқов, Самандар Ҳамроқулов, Дилноза Исмияминова, Сардор Раҳимхон, Улуғбек Раҳматуллаев, Ойбек ва Нигора, Акбар, «Янги авлод» фестивали совриндорлари Хадича Имомназарова, Асал ва Азиза ҳамда жаҳон чемпиони Руслан Чагаев ва танловнинг Жамоатчилик Кенгаши вакиллари ҳам қўшилдилар.

Улар ҳар бир вилоятда Ёшлар ташаббуслари марказида учрашувлар ўтказиб, «Келажак овози»нинг вилоятларидаги ғолибларини тақдирлаш маросимларида иштирок этишди. Самарқанд, Бухоро, Қарши, Андижон ва бошқа йирик шаҳарларда ғолибларни ҳар бир йўналиш бўйича танловнинг Жамоатчилик Кенгаши вакиллари ҳисобланган таниқли маданият ва санъат арбоблари тақдирладилар. Улар Республика Маънавият тарғиботи маркази бошлиғи Миноҳиддин Мирзо, Ўзбекистон Халқ рассоми Акмал Нур, «Осиё рамзи» Ўзбекистон Республикаси модельерлар ассоциацияси раиси Холида Комилова, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати раиси Акром Алимов, профессионал бокс бўйича жаҳон чемпиони Руслан Чагаевлардир.

Албатта, чинакам истеъдод эгаси ҳар куни ҳам дунёга келавермайди. Шу маънода уларнинг қадр топиши, эл-юрт назарига тушиши ва халқимизнинг ишончига сазовор бўлиши, ўзлигини намоён этиши учун «Келажак овози» танлови сингари лойиҳалар мустаҳкам пойдевор вазифасини ўташи шубҳасиз!

«Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази матбуот котибияти.

КУН ТАРТИБИДА ЭКОЛОГИЯ МУАММОЛАРИ

Тошкентда «Марказий Осиёда атроф-муҳит муаммолари, уларнинг оқибатлари ва ҳал этиш йўллари» мавзуида халқаро анжуман бўлиб ўтмоқда. Уни ўтказишдан мақсад минтақамизда экологик аҳволни яхшилаш учун мамлакатимиз ва хориж олимларининг саъй-ҳаракатларини бирлаштиришдан иборат. Тадбир Хоразм Маъмун академияси томонидан Ўзбекистон Фанлар академияси ва Мичиган университети Глобал экологик ўзгаришлар маркази (АҚШ) билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Анжуманда 20 мамлакат, жумладан, Россия, Бельгия, Германия, АҚШ, Украина, Франция, Швеция, Япония ҳамда Марказий Осиё минтақаси давлатларидан олим ҳамда мутахассислар иштирок этмоқда.

Хоразм Маъмун академияси раиси Р.Эшчонов анжуманни очар экан, сўнгги ўн йилликда Марказий Осиё мамлакатлари ўтган асрда пухта ўйламасдан хўжалик фаолиятини юритиш ва глобал иқлим ўзгариши натижасида юзага келган қатор жиддий экологик муаммоларга дуч келганини таъкидлади.


Эски тузум давридаги атроф-муҳитга нисбатан эътиборсиз муносабатнинг салбий оқибатлари бугун ҳам сезилмоқда. Истиқлол йилларида Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан вазиятни тубдан яхшилаш бўйича қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Уларни амалга ошириш учун катта миқдордаги давлат маблағлари ажратилмоқда, қўшимча инвестициялар, жумладан, хорижий инвестициялар жалб этилаётир. Бу ҳол қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишга ёндашувни ўзгартириш, янги услубларни ишлаб чиқишни талаб қилмоқда. Уларни қўллаш эса, ўз навбатида, хўжалик фаолияти оқибатида юзага келадиган хавфларни камайтириш имконини беради. Бу борада олимларнинг ҳиссаси катта бўлмоғи керак. Ўзбекистоннинг кўплаб илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртлари илмий кафедралари иш режасига экология муаммоларига бевосита ёки билвосита тааллуқли ва ишлаб чиқарувчилар билан ҳамкорликда тадқиқ этилаётган мавзулар киритилган. Хоразм Маъмун академиясида ҳам бу борада тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари олдида турган долзарб муаммо – дарёларни ифлослантирадиган энг асосий манбаа ҳисобланган сизот сувларни утиллаштириш ҳамда тозалашдир. Ўзбекистонлик олимлар бу муаммони самарали ҳал этишни, яъни сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, суғоришнинг замонавий услубларини қўллаш, коллектор-дренаж тармоқларини яхшилаш, шунингдек, унчалик минераллашмаган сизот сувларнинг бир қисмини Оролга йўналтиришни таклиф этмоқда. Айни пайтда Амударёнинг ҳар икки қирғоғида коллекторлар қурилиши давом эттирилмоқда. Уларнинг ишга туширилиши Орол денгизи атрофидаги ҳудудларни суғоришни йўлга қўйиш ва ўсимликлар ўсишини қайта тиклашга ёрдам беради.

Анжуманда Марказий Осиёнинг экологик муаммолари бугун глобал хусусият касб этаётгани, шу боис турли мамлакатларнинг илмий ҳамда амалий саъй-ҳаракатлари бирлаштирилса, уларни самарали бартараф этиш мумкинлиги қайд этилди. Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Миллий университети профессори Рашид Қулматов, Мичиган университети Глобал экологик ўзгаришлар маркази директори Жи Чи, Япониянинг Киото университети профессори Цунео Цукатани, Германиянинг Гейдельберг шаҳри университети профессори Тимо Гешл, чўлланиш муаммолари билан шуғулланадиган франциялик мутахассис Ричард Эскадафал, Қозоғис тоннинг Экология ва иқлим институти лойиҳаси раҳбари Любовь Лебедь ва бошқалар шу ҳақда гапирди.

Шу ҳафта охиригача давом этадиган ушбу анжуманда экология илм-фанининг янги йўналишлари, жумладан, экология иқтисодиёти соҳасидаги тадқиқотлар, экология тизими ва жараёнларини математик моделлаштириш услублари, экологик ўзгаришлар нуқтаи назаридан барқарор ривожланиш муаммолари, шунингдек, бу борадаги қўшма лойиҳаларни амалга ошириш имкониятлари ҳам муҳокама этилмоқда.

А.ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.



ЁШЛАР – АЛОҲИДА ЭЪТИБОРДА



«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ташаббуси билан «Ёшларга дўстлик хизмати кўрсатиш» лойиҳаси доирасида семинар ташкил этилди.

Туман ички ишлар бўлимлари ҳамда нарколог, психолог, психатерапевт каби мутахассислар иштирокида ўтган тадбирда тарбияси оғир ўсмирлар ўртасида маънавий-маърифий тарғибот ишларини кенг йўлга қўйиш ишлари атрофлича муҳокама этилди.

Ножўя хатти-ҳаракати туфайли жазо олган, тенгдошлари даврасига қўшила олмай, оилада ва жамиятда ўрнини топишга қийналаётган ёшларга дўстона муносабатда бўлиб, уларга руҳий қийинчиликларни енгишга кўмаклашиш, зарур ҳолларда даволаниб, саломатлигини тиклашига ёрдамлашиш муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимизда 2005 йилдан буён Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ЮНИСЕФ ҳамда «ОИТСга қарши курашиш» глобал фонди билан ҳамкорликда амалга оширилаётган «Ёшларга дўстлик хизмати кўрсатиш» лойиҳаси бу борада яхши самара бермоқда.

– Ушбу лойиҳа доирасида Қорақалпоғистон Республикасида ҳам қатор ишлар олиб борилаётир, – дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раҳбари Азамат Холбоев. – Ёшларга ҳар томонлама ёрдам бериш, уларнинг кўнглига йўл топиш, тиббиёт ходимлари кўмагида муаммоларини ҳал этиш асосий вазифамиздир.

А. ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА мухбири.

ҚЎШИҚ ВА БИЛИМ ЭГИЗАК

Ғаллаорол туманининг Ламмикор қўрғонида жойлашган 22-умумтаълим мактабида фаолият кўрсатиб келаётган «Ёшлар таронаси» бадиий ҳаваскорлик ансамбли аъзолари ўзбек миллий чолғу асбоблари ёрдамида куй чалиш, рақсга тушиш ва қўшиқ ижро этишни ўрганиб, турли тадбир ва байрам тантаналарида фаол иштирок этишмоқда. Бир неча йилдан бери халқимизнинг урф-одатлари, миллий қадриятлари ва анъаналарини саҳна кўринишларида маҳорат билан ижро этишаётгани, ўз репертуарларини бойитишаётгани учун ҳам ёш томошабинлар олқишига сазовор бўлишяпти. Айниқса, халқимизнинг турли маросимларда кийиладиган ранг-баранг либослари намойиши ёшларда ҳайрат уйғотиб, уларнинг миллий ғурур туйғуларини оширмоқда. Бебаҳо меросга эга бўлган халқ фарзанди эканлигидан ҳар бир ўқувчининг қалби фахр ва ифтихор туйғуларига тўлмоқда.

Бадиий ҳаваскорлик ансамблининг «Кичик бастакор» гуруҳи аъзолари мустақил куй басталашни ўрганишса, «Ғижжак наволари»да эса мусиқа саводини ошириш, мумтоз қўшиқларнинг яратилиш тарихидан хабардор бўлиб борадилар. «Интеллектуал ринг», «Куйланг, ёш хонандалар», «Истеъдодларни излаймиз» каби тадбирларни ҳам ёш томошабинлар ҳурсандчилик билан кутиб олмоқдалар.

«Ёшлар таронаси» бадиий ҳаваскорлик жамоаси беш йилдан бери «Санъат байрами» кўрик-танловининг вилоят босқичида фаол қатнашиб келади. Ўтган йили май ойида жамоа аъзолари Урганч шаҳрида бўлиб ўтган «Санъат байрами» кўрик-танловининг республика босқичида иштирок этиб, фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланишди. Қўлга киритилган ютуқларда Муқаддас Келдиёрова, Гулмира Сатторова, Ҳусниддин Ҳасанов, Дилафрўз Мажидова каби истеъдодли ўқувчиларнинг ҳиссаси жуда каттадир.

– Ўзбекнинг миллий санъати нафақат маънавий озуқа, балки муҳим тарбия қуроли ҳамдир. Қўшиқ ва мусиқага, миллий қадриятларга ошно бўлган ёшлар яхши хулқ эгасигина бўлиб қолмай, ҳаётда, илм, касб-ҳунар ўрганишда, жамоат ишларида ҳам фаол бўлишга интилишади. Ана шундай хайрли ишларга эса мактаб ҳаваскорлик ансамбли раҳбари, олий тоифали мусиқа муаллими Абдужалил Донабаев бош-қош бўлиб келмоқда. Тажрибали устоз ўз шогирдларига мусиқадан сабоқ бериш билан чекланиб қолмасдан янги-янги ёш истеъдодларни кашф этиб, миллий санъат, анъана ва қадриятлар тарғиботига ҳам муҳим ҳисса қўшмоқда, – дейди маънавий-маърифий ишлар бўйича мактаб директори ўринбосари Савриддин Сафаров.

Абдулла САИДОВ,
Жиззах вилояти.

ЎҚУВЧИЛАР САВИЯСИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Халқ таълими вазирлигининг 2007 йил 18 январдаги буйруғига асосан ўқувчиларнинг илм-фанга бўлган қизиқишларини орттириш мақсадида Фан олимпиклари ўтказила бошланганидан хабарингиз бор, албатта. Мазкур буйруққа асосан сентябрь ойи – «География ва иқтисодий билим асослари» фанлари ойлиги деб эълон қилинди.

Бундай тадбирларни ўтказишдан кўзланган мақсад, ўқувчиларнинг фанларга бўлган қизиқишларини ошириш ва билим самарадорлигини кўтариш, шу билан бир қаторда ўқитувчилар ижодий фаолиятларини кучайтириш ҳамда изланувчан, ижодкор ўқитувчиларни аниқлаш, шунингдек, уларнинг тажрибаларини ўрганиш ва амалиётга кўпроқ тарғиб қилиш, таълим жараёнида қўллаётган усулларини янада такомиллаштириш каби вазифалардан иборатдир.

Ўтказиб келинаётган бундай кенг кўламли ва узоқни кўзланган тадбирлар ҳарбий шаҳарчалардаги мактабларда ҳам муваффақиятли олиб борилмоқда. Жумладан, Нукус гарнизонидаги 16-умумтаълим мактабида «Ер сайёрамизни асраймиз» мавзусида бир ойлик география ва иқтисодиёт фанлари ойлиги ўтказилгани фикримизнинг тасдиғидир.


Мазкур йўналишда 6-синф ўқувчилари билан «Литосфера ва ер рельефи», «География қобиқнинг ривожланиш қонуниятлари» каби мавзуларда очиқ дарслар ўтказилди. Ойлик якунида 8-синф ўқувчилари билан география фанидан «7х7» интеллектуал ўйини ўтказилди. Мазкур тадбирларда ушбу мактабнинг география фани ўқитувчиси Муқаддас Ниязимбетова фаоллик кўрсатди. Шунингдек, фан ойлиги ёш авлодда она табиатга меҳр-муҳаббат, турли географик жой номлари ва биз яшаб турган шу муқаддас заминимиз тўғрисида кўпроқ тушунчалар уйғотгани билан ҳам аҳамият касб этади.

Фан ойлиги бир қатор илмга чанқоқ ва шу соҳага қизиқувчан ёшларни кашф этди. Якунда энг фаол ўқувчиларни мактаб директори Л.Утегенова фахрий ёрлиқлар билан мукофотлади.

Бундай тадбирларнинг изчил давом эттирилиши ва келгусида бошқа фанлар бўйича ҳам ана шундай ойликлар ўтказилиши яна ҳам самарали натижалар кўрсатишига аминмиз.

М. КАБУЛОВА,
Нукус гарнизонидаги 16-умумтаълим мактабининг Ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси.

ХАФТА ГЎЗАЛИ



Бу фусункор чеҳра соҳибаси тошкентлик Мунисахон бўлади. Ҳаётда доимо «Интилганга толе ёр» шиори остида иш кўрадиган бу қизимиз ўз орзуларини ушалтириш йўлида бор куч-ғайратини аямайди. Ёшлигидан ҳарбийликка ҳавас қилиб, бу борада билимини ошириб борган Мунисахон Исломова мана бир неча йилдирки, миллий армиямиз сафида ҳарбий алоқачи сифатида хизмат қилиб келаяпти.

– Бўш вақтимда китоб ўқиб ёки табиат қўйнида дам олиш орқали ҳордиқ чиқаришни истаман, – дейди суҳбатдошимиз. – Лекин ҳамиша ҳам бунга вақт ажрата олмайман.

Касбини чин дилдан севиб, садоқат билан хизмат қилиб келаётган шартнома бўйича хизмат сержанти Исломова юрт посбони сифатида мамлакатимиз тараққиётига ўз ҳиссасини қўшиб келаётганидан ғурурланади.

ҚИЗИМ, ДИЛБАНДИМ!

Қиз боланинг юриш-туриши, гап-сўзи назокатли, дилбар бўлсин. Назокат, дилбарлик деганда мулойимлик, нозик хатти-ҳаракат, юмшоқлик тушунилади. Қаттиқ гапириш, қаттиқ кулиш, қўлларни силтаб, ҳаммани ўзига қаратиб туриш назокатдан йироқдир. Дарҳақиқат, тили ширин, чеҳраси гулгун қиз-аёллар ўз оиласининг бахту саодати, ота-онасининг фахри бўлибгина қолмай – ўз элининг кўрки ҳам.

АСТРОЛОГИЧЕСКИЙ ПРОГНОЗ

ОВЕН
Избегайте контактов с начальством. Ваша проницательность сейчас высока. Вы можете удивить своих друзей неожиданным поведением. Не хватайтесь за тысячу дел сразу: выгоднее выбрать что-то одно.

ТЕЛЕЦ
Прекрасная неделя для новых идей и смелых проектов. Незапланированная встреча может привести к заключению выгодного делового соглашения. Хорошее время для оформления документов.

БЛИЗНЕЦЫ
Придется решать серьезные проблемы. Не стоит копить обиды. Работа в коллективе принесет успех. Вам предстоят деловые и дружеские встречи.

РАК
Наступает благоприятное время для позитивных изменений в судьбе. Материальное положение начинает стабилизироваться. В выходные дни вас может посетить стремление к уюту, вы займетесь преображением собственного дома.

ЛЕВ
Успех будет базироваться на вашей пунктуальности и добросовестности. Не позволяйте окружающим манипулировать вами. Будут удачными деловые встречи и переговоры. Выходные посвятите пассивному отдыху.

ДЕВА
Вас ожидают знакомства с новыми людьми, встречи и поездки. Будет много интересной и разнообразной работы. Возможно, придется прибегнуть к помощи друзей. Благоприятны поездки, командировки.

ВЕСЫ
Желательно заняться личными делами. Будьте увереннее в собственных силах, активнее сотрудничайте, заключайте сделки и союзы. Не забывайте, что желания партнеров так же важны, как и ваши собственные.

СКОРПИОН
Не стоит торопиться с поисками партнеров или заключать новые сделки. На работе возможны справедливые замечания в ваш адрес. Все будет зависеть от вашей инициативы и творческих способностей.

СТРЕЛЕЦ
Не поддавайтесь к себе лень, иначе с ней будет не совладать. Постарайтесь развернуться лицом к своим проблемам, начните их преодолевать – и вы почувствуете, как на душе становится легко.

КОЗЕРОГ
Смело воплощайте ваши идеи и замыслы в жизнь. Вам представится замечательная возможность взглянуть на себя со стороны. Будьте осторожнее при общении с коллегами. Интуиция поможет избежать серьезных ошибок.

ВОДОЛЕЙ
Не поддавайтесь эмоциям. Спокойствие и рассудительность – вот слагаемые вашей удачи. Лучше прислушаться к совету того, кто старше и опытнее вас. Возрастет физическая активность, успешнее пойдут дела.

РЫБЫ
Вас ожидают новые перспективы и возможности. Постарайтесь не проболтаться о том сокровенном, что у вас на душе. Улыбайтесь и попытайтесь призвать на помощь всю мощь созидательной энергии.

АДАБИЁТ. САНЪАТ. МАДАНИЯТ

МУБОРАК ЙЎЛДОШЕВ. ЙЎЛДОШЕВ



ИЖОДИДА КЎҲНА ТАРИХ НАМОЁН

Реалистик жанрда ижод қилаётган Ўзбекистон халқ рассоми Муборак Йўлдошевнинг асарларини кўздан кечираркансиз, унинг қалб қўри-ла яратган санъат дурдоналарининг катта қисмида буюк ўтмишимиз акс этганини кўришингиз мумкин. Ижодкорнинг айниқса, зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто» асарига ёки «Алпомиш» ва «Гўрўғли» достонларига ишлаган юздан ортиқ картиналарини томоша қилганингизда уларда асарнинг мазмунмоҳияти тўла намоён бўлганини ҳис қиласиз. Ёшлигидан халқ оғзаки ижодига бўлакча меҳр қўйиб, кўплаб достонлар ва тарихий китобларни ўқиб ўрганган ижодкор учун ўз фантазиясини биргина картинада тасвирлаш у қадар қийинчилик туғдирмасди. Бир неча йиллик умрини картиналарда тарихий воқеаларни акс эттиришга бахшида этган рассом ўзи кутмаган даражада буюк асарлар яратди, дея бемалол айта оламиз. Унинг тарихий асарларидаги ҳар бир қаҳрамон сиймосини кузатаркансиз, ўша олам, ўша воқеа жараёнини мукаммал ёритиб берганини англайсиз. Буни қаҳрамонларнинг ташқи кўриниши орқали эмас, балки ўша даврга хос архитектура қурилишида, атрофни реал тасвирлашда ҳам кузатишимиз мумкин.

Ижодкорнинг асарлари ичидаги энг эътиборлиси бу – соҳибқирон Амир Темур тасвирланган «Аждодлар марҳамати» картинасидир. Ушбу асар ўзининг кенг қамровлилиги билан ҳам аҳамиятлидир. Асарда Самарқанд остонасида Амир Темур ўз пири комили Мирсаид Барака билан ёнма-ён турибди.

– Темурнинг чеҳрасига қанчалик кўп тикилсанг, буюк саркардани-нг фикр доираси билан шунчалик ошно бўласан, – дейди мазкур асар ҳақида Ўзбекистон бадиий академияси аъзоси Жўлдосбек Қутимурадов ўз фикрларини билдира туриб. – Афросиёб мажмуаси олдида тасвирланган буюк бобокалонимиз салобат билан Самарқандннг ҳозирги куни манзарасига нигоҳ ташлаб турибди. У олти асрдан кўпроқ вақт ўтгач, бу кўҳна шаҳарнинг янада кўркамроқ манзара касб этганидан ҳайратда. Унинг юзида қандайдир мамнуният акс этиб турибди. Кўҳна ёдгорликларни авайлаб сақлаб келаётган ўзининг ҳозирги давр авлодларига мамнуният билан боқиб уларга оқ фотиҳа бериб турибди.

Тўғри, кўпчилик ижодкорлар ўз асарларида Темур қиёфасини яратишга ҳаракат қилган, яратган ҳам. Аммо улардан бирортаси бу каби ғоятда мазмундор ва фалсафий асарни ёрқин даражада очиб бера олмаган. Истеъдодли рассом Муборак Йўлдошев ўзининг ушбу асарини яратиш орқали серқирра ва моҳир ижодкор эканлигини амалда кўрсата олган, дейиш мумкин.

1933 йилда Наманган вилоятининг Косонсой туманида туғилган Муборак акани отаонаси атиги қирқ кунлик чақалоқлиги пайтида замона зайли билан Туркистонга олиб кетишади. Беш ёшида онасидан айрилган болакайнинг ҳаёти тенгқурлари орзу қиладиган даражада эмас эди. У етти ёшидан бошлаб қирларда пода боқаркан, бу қийинчиликлар ортидан албатта ёруғ кунлар келишига ишонарди. Муборак ака дастлабки иш фаолиятини пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрида бошлади. Бу ерда бироз касб сирларини ўргангач, уни Самарқанд шаҳридаги опера театрига бош рассом сифатида таклиф қилишди. 1967 йилда ўтказилган фестивалда ўзининг «Лайли ва Мажнун» асари билан биринчи ўринни қўлга киритган ижодкор учун бу янги бир имкон эди. Мазкур театрдаги фаолияти унинг ижодида янада янги қирраларни очиб берди. 1969 йил «Бибихоним» балетини саҳналаштириш вазифаси театр жамоасига юклатилганда фидойи ходимлар улкан санъат асарини яратиш учун астойдил бел боғлашди. Рассом сифатида Муборак ака эса энг масъулиятли вазифа, яъни саҳна декорациясини безаши лозим эди.

– Амир Темур қораланган бир пайтда бу ишни амалга ошириш ниҳоятда қалтис эди, – дея ўша давр хотираларини эсга олади рассом. – Лекин Бибихоним сиймосини саҳнага олиб чиқиш керакми, албатта, у ерда Амир Темур ҳам бўлиши шарт. Мазкур асар устида Иброҳим Мўминов билан тинимсиз ишладик. Асар саҳнада намойиш қилинганда ҳақиқатда ҳам биз кутгандек муваффақиятли кутиб олинди. Лекин кўп ўтмай ушбу асар кўпчиликнинг бошига қора кунларни солди. Шундай бўлса-да, саҳнада саккиз марта қайта-қайта намойиш қилинган асар кўпчиликнинг қизиқишига сабаб бўлди. Сўнгра яна Тошкентга қайтишимга тўғри келди.

Ижодкор бу ерда Катта опера ва балет театрида узоқ вақт ишлаб, кўплаб гўзал ва бетакрор асарлар яратди. Унинг асарлари бир қатор йирик шаҳарларда намойиш қилиниб, ўзбек санъатининг қанчалик буюк эканлигини кўрсата олди. Рассом театрдаги ижодидан бўш вақтларида эса картиналар устида бош қотирарди. Ҳозирга қадар 1500 дан ортиқ санъат асарларини яратиб улгурган рассомнинг ижод намуналари бир қатор нуфузли кўргазмаларда юқори ўринни эгаллаши билан бир қаторда унинг шахсий коллекциясини ҳам турли жанрдаги асарлар билан бойитиб борди. Ижодининг асосий қисмида кўҳна ва бетакрор маданиятимизни кўрсата олган рассомнинг изланишлари ҳукуматимиз томонидан муносиб боҳоланиб, 2000 йил унга халқ рассоми унвони берилди. Ҳозирда ҳам тинимсиз билмай янги асарлар устида ишлаётган рассом ўзбек бадиий санъатини нодир асарлар билан бойитиш йўлида ҳаракат қилмоқда. Зеро, у буюк халқнинг маданиятини ўз ижодида намоён қилиб, Париж, Лондон, Рим музейларидаги экспонатлар билан бемалол беллашишга қодир ўлмас асарлар яратган бўлса-да, «Ватаннинг бир фарзанди қилиши лозим бўлган ишларни қилдим», дея камтарона жавоб қайтаради.

Сейман НАЗАРОВ.

Қўшиқларда Ватан мадҳи

Ўзбекистон халқ шоири, эл ардоғидаги таниқли ижодкор Жуманиёз Жабборовнинг она Ватан, меҳр-муҳаббатни мадҳ этувчи кўплаб шеър ва ғазаллари санъаткорлар томонидан севиб куйланади. Эътиборингизга ҳавола этилаётган ғазал ҳам бастакорларнинг, қўшиқ шайдоларининг кўнглидан жой олади, деган умиддамиз.


ЯЙРА, ДИЁРИМ

Ўзбекистон, фахр этурмиз инжу хирмонинг билан,
Худди офтобдек нурафшон нону ширмонинг билан.

Порлагайдир мисли маржон неча минг ғазнанг бугун,
Неча минг хирмонга мойил пахта майдонинг билан.

Нон ҳиди оламни тутди, не ажабдир, ушбу кун,
Кўксимизда тоғ кўтарган ризқу рўз конинг билан.

Ўйлаган мақсудга еткаймиз, улуғдир муддао,
Қойил эт оламни, юртим, яхши имконинг билан.



Бағрида олтин яратган, эй диёрим, яйрагил,
Бунчалик олижаноблик, бунча эҳсонинг билан.

Бир улуғ карвон эрурсан, олға интилган мудом,
Қутлагай дунё сени бул шавкату шонинг билан.

Гулом КАРИМ

НАРШАХ ҚАЛЪАСИ

(тарихий романдан парча)

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида).

Сардорнинг буйруғидан Эрназарнинг шашти тушиб қолгани кўриниб турарди. У оппоқ ғубор инган қошларини чимириб сўради:

– Биз савашда қатнашмас эканмиз-да! Шундоғми, ҳазрат?

Ҳаким унинг ҳолатини англаб деди:

– Буям муҳим жанговар топшириқ. Ҳеч ким сизларга жанг пайтида қўл қовуштириб туришди, деб таъна қилмайди.

Эрназар таъзим қилиб кетгач, Ҳаким ҳам пастга тушди. Ёнбағирда аллақачон эгарланган отга шаҳд билан сакраб минди ва отлиқ соқчилар ҳамроҳлигида пиёда жангчилар томон юрди. Пиёдалар жонжаҳдлари билан тўсиқ ясашар, юзбоши ва ўнбошилар бақириб-чақириб буйруқ қилишарди. Шох-шабба ва қўлга илинган ашқол-дашқоллардан бунёд этилган ғов нафсиламрида унчалик мустаҳкам эмаслиги аён. Ҳакимнинг кўрсатмасига биноан, қароргоҳдаги араваларни тўсиқнинг турли жойларига қўйишди. Араваларга ёндозлар чиқиб олишиб, улар ёнида даста-даста ёй ўқлари тахлаб қўйилди. Ҳаким юзбошиларга аскарларни тўсиқ бўйлаб сафга тизишни буюрди. Совут ва дубулға кийган жангчиларни араваларнинг оралиғидаги ёғий ёриб ўтиши эҳтимоли мавжуд жойларга қўйди. Ҳар ким ўз жойини эгаллагач, олағовур анча пасайди.

Ниҳоят, айғоқчилар хабари тасдиқланиб, жануб тарафдан қуюқ чанг-тўзон кўтарилди, тобора яқинлашгач, тўзон орасидан ёғий отлиқлари қораси кўринди. Улар паст-баланд барханлар оша бамайлихотир келишарди. Отлиқлар барала кўриниб, қурол-яроғлари кун нурида ялтираб, ваҳшатли бир манзара намоён бўлгач, олағовур бирдан тинди. Барча нафасини ичига ютиб, қуроллари дастасини маҳкам ушлаганча, тобора яқинлашаётган ёғийнинг ҳар бир ҳаракатини кузатарди. Ҳали замон улар сурон ила қиличларини сермаб, ҳужумга ташланишади. Арабий отлари ёғий эканига шубҳа қолдирмаса-да, аммо кўпчилиги ўзларидек оқ либос кийишгани исёнчиларда ҳайрат ва таажжуб уйғотарди.

«Сездирмасдан ғафлатда босиш учун атайин оқ либос кийиб олишдимикан», – деб ўйларди Ҳаким боши қотиб.

Оралиқ масофа ёй ўқи етгудай қисқаргач, Ҳаким ўқ узишга буйруқ бермоқ учун оғиз жуфтлаган ҳам эдики, кутилмаганда суворийлар отларнинг жиловини тортиб тўхташди. Улар орасидан бир нечтаси отларини чоптириб, тўсиққа анча яқин келишди.

– Биродарлар, биз ёв эмасмиз! – деб қичқирди улардан бири баланд овозда. – Биз ҳам сиз каби оқ кийимлилармиз. Сардоримиз Ғирдак паҳлавон бошчилигида сизни қора тортиб келдик. У биз билан бирга ҳазрат Ҳакимбекка қўшилишга жазм этган.

Исёнчилар орасида аввалига шивир-шивирлар, сўнг қувончли хитоблар ёйилди. Чунки Ғирдакнинг номини эшитмагани йўқ эди.

– Ўзимизникилар экан-ку! Ахир, қаранглар, барчаси оқ либосда-ку!

– Шу боис бамайлихотир, қиличларини қинидан чиқармасдан келишаётган экан-да.

– Ғирдак – Ғиждувондан чиққан йўлбарс-ку!

– Сал бўлмаса буйруқсизоқ ўқ узиб юборар эканман-у , тангри сақлади-я.

– Биз жангга шайланибмиз-а, саваш эмас, тўй бўлади бугун!


Ҳаким на ҳайратланиш ва на қувонишини билмасди. Унинг шубҳаси батамом тарқамаган. Сардор ўнбошилардан бирини иккита отлиқ билан ёғийдан қўққис оқ кийимлиларга айланиб қолган кутилмаган меҳмонларга пешвоз жўнатди:

– Ўз кўзинг билан кўриб-билиб кел. Волийнинг найранги бўлиб чиқмасин тағин.

Ўнбоши ва ҳамроҳлари отларини елдириб, зумда қарши тараф вакиллари олдига боришди. Қароргоҳдагилар уларнинг қисқача сўзлашиб, сўнг нарироқда турган отлиқ қўшин сари кетганини кузатиб туришарди. Беш-ўн дақиқадан сўнг улар отларини аёвсиз қамчилаб орқага қайтишди. Ўнбоши дубулғасини ечиб, боши узра кўтариб, дамбадам «э ҳей...» деб қичқирарди. Унинг шодон қичқириғи қароргоҳ узра янгради:

– Уруш тамом! Ёғий эмас, ўзимизникилар, асл оқ кийимлилар. Сардор Ғирдакнинг ўзи билан сўзлашдик!

Бунга жавобан қароргоҳда шодиёна қийқириқлар янграб, сурон кўтарилди. Жангчилар қуролларини силкитишар, қилич орқасини қалқонларга уриб тарақлатишар, томоқлари йиртилгудек қичқириб, хурсандликларини изҳор қилишарди. Сабри чидамаганлар ғовдан сакраб ўтиб, отлиқлар истиқболига югуришди. Чавандозлар ҳам олға юриб етишгач, отларидан тушдилар. Бир-бирини танимаса-да, ҳар икки тараф одамлари юз йиллик қадрдондай қучоқ очиб кўришарди.



Ҳаким Ғирдакни туғишган иниси каби бағрига босди. Довруқли сардор йигирма беш ёшлардаги бўз йигит экан. Буғдойранг юзи чўл шамолидан хиёл қорайган, кўзлари самимият ва қувончдан чарақларди. Қалдирғоч қаноти янглиғ мўйлови, дубулға остидан чиқиб турган ўсиқ сочлари ярашиб турарди. Чайир жуссаси, ўктам қиёфасида йигитлик кучи ва шижоат барқ урарди. Узоқ йўл босиб келганига қарамай, толиққани сира билинмасди. У Ҳакимни қурол-яроғи билан азот кўтариб, анчагача ушлаб турди. Ҳаким Ғирдакнинг елкасига қоқиб, «қойил» деди ва аскарларига буюрди:

– Тўсиқни бузиб, меҳмонларга йўл очинглар. Қўй-эчкилар сўйиб, мўл таом ҳозирланглар. Новвойлар қайроқи буғдой унидан нон ёпишсин.

Мезбонларнинг бир қисми меҳмонларнинг отлари жиловидан олиб, суғоргани олиб кетди, қолганлари уларни қароргоҳга даъват этишди.

Ҳаким Ғирдакни чодирига бошлади. У азбаройи қувонганидан тепаликка чиқаётганда ҳам Ғирдакнинг кенг елкасига қоқиб қўярди.

– Зап келдинг-да, Ғирдак иним! Ёғий келди, деганимизда бизга мадад, тоза куч-қувват келди-я! Биз учун очунда бундан ортиқ мужда борми?!

(Давоми бор).

В гарнизонных Домах офицеров

ПОД ЗВУКИ ВОЕННОГО ОРКЕСТРА

В Доме офицеров Чирчикского гарнизона под звуки военного оркестра открылась выставка работ учащихся курсовой сети. Она наглядно отразила всю многогранную деятельность Дома офицеров Чирчикского гарнизона по обучению желающих приобрести новую профессию, расширить свои знания, умения и навыки, реализовать скрытые таланты.

Элегантные платья, вышивка, изысканные изделия из бисера, каждое из которых – маленькое произведение искусства – это стенды курсов «Крой и шитье», «Дизайн одежды», «Школа моделей».

Фотографии соседнего стенда рассказывают, как самая обычная девушка в умелых руках специалиста становится принцессой. Такого мастерства может достигнуть каждый, кто обучается на курсах «Парикмахер-стилист». Яркий тому пример – работы А. Джуманходжаевой, супруги младшего сержанта контрактной службы, за короткое время освоившей новую специальность.

Многих интересует стенд «Домашняя медсестра». Здесь, используя специальные муляжи, руководители курса служащие Вооруженных Сил Т. Зель и А. Усербаева, а также их выпускница – супруга офицера Н. Ризаева наглядно демонстрировали, как быстро и ловко перепеленать младенца, сделать укол, массаж, измерить давление.

Перед входом в зал разместилась выставка «Кулинар-кондитер». Каждому хотелось попробовать разнообразные пирожные и торты, приготовленные учащимися курсов под руководством служащей Вооруженных Сил Ф. Назировой. Рядом искусно оформленные салаты, изделия из теста, приготовленные руками выпускниц курсов «Кулинар-хозяюшка» под руководством служащей Вооруженных Сил М. Хакановой. Среди наиболее талантливых учениц – дочери военнослужащих И. Кулиева и Г. Куранбаева.

Если вы хотите не отстать от жизни и идти в ногу со временем, тогда курсы «Оператор ЭВМ» – для вас. Десять компьютеров, демонстрирующих эксклюзивные рекламные ролики, дают полную информацию обо всех этапах обучения под руководством служащей Вооруженных Сил И. Каримовой.

В завершение мероприятия в большом зале Дома офицеров Чирчикского гарнизона прошел конкурс «Мисс Чирчик-2007» для членов семей военнослужащих и жителей города. Подготовку участниц конкурса осуществляли руководители курсов «Дизайн одежды», «Школа моделей» служащие Вооруженных Сил Н. Михальченко и Г. Михальченко. Его победительницей стала учащаяся школы Есения Семкина, а звание «Мисс Очарование» получила военнослужащая Эмма Ким.

Соб.инф.

ТЕАТРНИНГ ЯНГИ МАВСУМИ

А.П.Чехов номидаги Самарқанд рус драма театри янги мавсумни Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳорнинг «Аяжонларим» комедияси бўйича қўйилган спектакль билан бошлади. Режиссёр Вячеслав Бродянский саҳналаштирган спектаклда ролларни театрнинг етакчи актёрлари ижро этмоқда.

Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги муносабати билан мазкур театрда ҳам кенг кўламли таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Янгича қиёфа касб этган, иситиш тизими ва сув тармоғи янгиланган санъат даргоҳида барча қулайликлар яратилди.

– Ана шу эътибор ва ғамхўрликка жавобан ижодий жамоамиз янги асарларни саҳналаштириб, томошабинлар ҳукмига ҳавола этишни режалаштирган,– дейди театр директори Эмма Мирзаева. – Мавсумни Абдулла Қаҳҳор асари асосида саҳналаштирилган комедия билан бошлашимиз бежиз эмас. Яқинда атоқли ёзувчининг 100 йиллиги юртимизда кенг нишонланди. Спектакль премьерасини томошабинлар қизиқиш билан кутиб олдилар.

Ғ. ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбири.

САНЪАТКОРЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР

Сирдарё вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси мавсумда қатнашадиган теримчи ва ҳашарчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга кўмаклашиш мақсадида махсус дастур ишлаб чиқди.

Унга кўра, бошқарма тасарруфидаги 11 туман ва шаҳар бадиий ҳаваскорлик жамоалари теримчи-ҳашарчилар ҳузурида бўлиб, концерт дастурларини намойиш этади. Дастур доирасидаги тадбирларда Олим Хўжаев номидаги вилоят мусиқали драма театри, "Ўзбекракс" бирлашмаси вилоят бўлими, "Сирдарё наволари" бадиий жамоалари ҳам қатнашади.

Шу кунгача маданият ходимлари Сардоба, Оқолтин, Гулистон, Сайхунобод, Сирдарё ва Мирзаобод туманларида бўлди. Учрашув ва давра суҳбатлари дилрабо рақс, куй-қўшиқларга уланиб, барчага кўтаринкилик бағишлади.

Д. ЭСОНОВА,
ЎзА мухбири.

ЖАВОҲИР САНДИҒИ

ЎЗБЕКЧА	РУСЧА
Ботир жангда синалади, доно – мажлисда.	Смелого испытывают в бою, мудрого – в беседе.
Ботирнинг мушти ҳам яроғ.	Кулак богатыря – тоже оружие.
Бошингга қилич келса ҳам ёлғон гапирма.	Пусть тебе угрожает смерть, говори правду.
Бугунги ишни эртага қўйма.	Не откладывай на завтра то, что можно сделать сегодня.
Гул ўсса – ернинг кўрки, қиз ўсса – элнинг кўрки.	Цветы растут – глаза радуются, Девочка растет – душа радуется.
Дарахт бир жойда кўкаради.	Дерево растет только на одном месте.
Дўст бошга кулфат тушганда синалади.	Друзья познаются в беде.
Дўстсиз бошим – тузсиз ошим.	Без друга моя голова, что без соли – еда.

Бош муҳаррир подполковник Камиль Наильевич МИРГАЛАУТДИНОВ.

Шу сонга масъуллар: майор Шуҳратбек Маҳамматович ҲОШИМОВ, майор Аблай Айнатдинович КАМАЛОВ.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета жума куни чиқади.

Телефонлар:
Бош муҳаррир ўринбосари – 153 17 98 (факс); масъул котиб – 153 04 60; ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими – 153 02 51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими – 153 02 49; оммавий ишлар ва спорт бўлими – 153 08 72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими – 153 03 48; социология ва реклама бўлими – 153 54 76.

Обуна бўлими – 153 03 46. Навбатчи – 153 09 81.

Таҳририят манзили:
100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида **Владимир Кузнецов** ва **Роберт Ислакаев** томонидан саҳифаланди.
Дизайн ва рассом – **Наталья Лаптева.**
«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

Нашр кўрсаткичи 114. **Буюртма** № G-4138. **Адади** 23600.